

ИМОМ ЗАРНУЖИЙ

82.
3-39

وَلَا تَكُونُوا كَالْمُجْرِمِينَ

ИЛМ

ОЛИШ СИРЛАРИ

ИМОМ ЗАРНУЖИЙ

**ИЛМ ОЛИШ
СИРЛАРИ**

**‘Имом Бухорий халқаро маркази’
Самарқанд – 2018**

УЎК 297.1
КБК 86.38
З 39

Таржимон:
Зокиржон ШАРИПОВ
Такризчи:
Жалолиддин НУРИДДИНОВ
Нашр учун масҷул:
Иброҳим НУРУЛЛОҲ

Зарнужий, Имом
Жаннат аҳли Илм олиш сирлари [Матн] / И. Зарнужий; таржимон З. Шарифов. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази нашриёти, 2018. 144 б.

Ҳадиси шарифда таъкидланганидек, “Илм ўрганиши ҳар бир муслим ва муслимага фарздири”. Маълумки, ҳар бир ишни охирига етказиш ва уни мукаммал адо этиши учун унга оид илмларни ўрганиши асосий омил ҳисобланади. Инсонга ҳамма илмларни ўрганиши фарз эмас. Балки, ҳозир бажарилиши лозим бўлган амалнинг илмини билиши керак. Шунда бажарадиган иши нуқсон ва камчиликлардан холи ва илм асосида қилинганидан мукаммал бўлади.

Ушбу китобда илм олишига оид барча зарурый масалалар атрофлича ёритилган. Мазкур асар илм олиш истагида бўлган ҳар бир кишига дастуруламал бўлиб хизмат киласи, иншааллоҳ.

MUHAMMAD AL-XOKAZMIY NOMIDAGI
TOSHKENT AXBOROT
TEKNOLOGIYALARI UNIVERSITETI
402318
AXBOROT-RESURS MARKAZI

УЎК 297.1
КБК 86.38

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги
Дин ишлари бўйича кўмитанинг 2018 йилдаги 6222-сонли
хуносаси асосида нашрга тайёрланди.

© Зокиржон Шарипов

ISBN 978-9943-5104-7-0 © Имом Бухорий халқаро маркази, 2018



МУҚАДДИМА

Инсон зотини илм билан барчадин ортиқ қилган Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин!

Башариятнинг комилроғи, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ва ахли аёлларига, асҳоби киромлагрига ҳамда уларга эргашган инсонларга Аллоҳнинг саломлари, раҳмату баракотлари ёр бўлсин!

Аммо баъд:

Жаноб Пайғамбаримиз ва асҳоби киромлар илму ҳикмат ва одоб ахлоқи ҳамидаларнинг сарчашмаси, туғанмас булоқларидиirlар.

Замонамизнинг кўплаб ёшларида илм ўрганиш борасида жидду жаҳдлари, яхшигина ҳаракатлари бўлса-да, илм ҳосил қила олмаётганларини шоҳиди бўлиб, кўп мулоҳазага бордик. Ушбу улуғ мақсадларни ҳосил бўлишида уларга одоб-ахлоқ кўрсатмалари зарурлигини билдик. Мўътабар устозларимиз одобу ахлоқ булоқлари ҳисобланадилар. Ушбу китобни ўқувчиларга илм сарҳадларидан баҳраманд бўлишни тилаб, меҳрибон устозларимиз ва каминани дуюю хайр билан ёд этиб, қиёмат куни –Махшаргоҳда нажот топувчилар қаторида бўлишимизни зикр этишларини умид этамиз. Камина кўп истихоралар қилган ҳолда, ёлғиз Аллоҳнинг, қолаверса, азиз устозлар иршоду барокатларидан, файзу футухотларидан имкон қадар насиба олиб, ушбу

китоб таснифига бақадри ҳол киришдик. Китобни «Таълимул мутаъаллиму тариқат таъаллуми», яъни «Шогирднинг илм эгаллаш йўл-йўриқларини ўрганиши» деб номладим.

Китобни бир неча фаслларга бўлдим:

1. Илм ва фиқхнинг моҳияти ва фазилати тўғрисида;
2. Илм олиш вақтида ниятнинг хослиги тўғрисида;
3. Илм, устоз ва шерик танлаш ва бу ишда мустаҳкам бўлиш тўғрисида;
4. Илм ва илм аҳлини улуғлаш ҳақида;
5. Илм олишдаги жидду жаҳд, бардавомлик ва ҳиммату ғайрат тўғрисида;
6. Сабоқни бошлиш, уни миқдори ва тартиби тўғрисида;
7. Таваккул қилиш тўғрисида;
8. Таҳсил олиш вақти тўғрисида;
9. Насихат ва меҳру шафқат тўғрисида;
10. Фойда талаб қилиш тўғрисида;
11. Илм ҳосил қилиш ҳолатидаги парҳезкорлик ва тақво тўғрисида;
12. Илм талаб қилишда зеҳнни мустаҳкамлайдиган ва ёддан кўтарилишини кетказадиган иллатлар тўғрисида;
13. Ризқ ва умрни зиёда қиласиган ва камайтирадиганлар ҳақида фasl.

Аллоҳ таолонинг Ўзи барча яхшиликларга муваффақ этгувчиидир. Ёлғиз ўзига таваккул қилиш неъматлар уммонига йўлдир! Нуқсону камчиликлар авф этилиб, ҳусни қабул ила даргоҳига юзланмоқ беназир баҳтдир!



1-ФАСЛ

ИЛМ ВА ФИҚҲНИНГ МОҲИЯТИ ВА ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА

Жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом айтдилар: «Ҳар бир мусулмоннинг илм талаб қилиши фарзdir».

Маълумки, ҳар бир ишнинг илмини билиш, уни охирiga етказиш ва мукаммал адo этишга асосий омил бўлади. Мўътабар манбаларда машойихларимиз: «Илмнинг афзали ҳол илмини билмоқdir», – деб таъкидлаганлар. Бундан ҳамма илмларни ўрганиш фарз бўлмаслигини тушуниш мумкин. Балки, ҳозир бажарилиши лозим бўлган амалнинг илмини билмоғи инсонга буюрилади. Шунда қиласиган иши нуқсон ва камчиликлардан холи ва илм билан бўлгани сабабидан мукаммал бўлади.

Амалнинг афзали эса, хато ва нуқсонлардан муҳофазаланганидир. Бу муҳофазани илм билан ҳосил бўлиши ақли расо кишига сир эмас. Демак, бир киши намоз ўқимоқни ихтиёр қилса, унга намозга оид бўлган барча илмларни (намознинг адo этилиш тартибларини) билмоғи зарур бўлади. Шундагина унинг намози хатою камчиликлардан ҳолий ва мукаммал бўлади.

Бошқа амаллар ҳам худди шундай фарзи, вожиби, суннати ва макруҳу муфсид, яъни уни бузадиган омилларини билишни бажарувчига бевосита шарт қилиб қўйилади. Фарз ёки вожиб амаллардан бири бажариладиган бўлса, уни қилишлик учун керак бўлган баъзи

амаллар – ўртада восита бўлганлари ҳам фарз ёки во-
жиб хисобланади. Бу илмларни барчасига амал қилиш
шарт эмас, балки иш тўлиқ ва нуқсонсиз қоим бўлиши-
га имкон берадиган миқдорда илм эгалламоғи фарз
бўлади. Бундан ортиғи шарт эмас, лекин уни ўрганса
зарап қилмайди. Зеро, Аллоҳ таоло илмни заарали қил-
магандир.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, рўза, ҳаж ва закот,
ҳаттоқи тижорат ишларида ҳам фарзу вожиблари, мак-
руҳларини билмоғимиз, улар ўртасида восита бўлиб
турган амалларни қай даражада эканлигини билишли-
гимиз шарт қилинади.

Ҳазрат Имом Мұхаммад ибн Ҳасандан замондош-
лари:

– Зоҳидлик, тақво ва парҳезкорлик тўғрисида бир
китоб ёзиб берсангиз, кўп фойдалик бўлар эди, – деб
сўраганлар. Ул зот:

– Савдо-сотик, тижорат ишлари тўғрисида китоб ёз-
дим, – деб жавоб бердилар.

Демак, зоҳидлик, тақвою парҳезкорлик жами
ишларда – хоҳ дунёвий, хоҳ у охират иши бўлсин ҳаром,
макруҳ ва шубҳалардан сакланмоқ билан бўлади.

Мазкур илмлар қаторида мусулмон кишига яна қалб
холатининг илмларини ҳам билмоқлиги керак. Қалб
ҳолининг илми жуда нозик ва мураккаб, ўз навбатида
жуда мухим илмдир.

Таваккул қилиш – бутун ишлари, ички дунёси ке-
чинмаларини ва қилаётган ишини охири хайрли бўли-
шини умид қилиб, уни ҳолис Аллоҳ таолога топшири-
ши, тафвиз этишидир.

Инобат эса, қила олмаган ишларига нисбатан қай-
ғуриш, афсусланиш, хато-нуқсонларини эътироф этиб



тавба қилиш, Аллоҳнинг амрларига бўйсуниш ва ўзини камтарона, шикаста ҳолда тутишдир.

Хошя – қўркув, хушгъу ва тазарруъда бўлиш, қалбан доимо Яратганинг ғазабидан, қиёматда қаттиқ азобидан қўрқиш, раҳмату фазлидан умидвор бўлиб, хавфу рижода турмоқликдир.

Қалб илмларидан бири – **ризодир**. Ризо эса барча ишларга рози бўлишиликдир. Аммо бунда огоҳ ва зийрак бўлиш керак. Гуноҳу маъсиятга, куфр ва ширкка зинҳор рози бўлмасликка буюрилади. Дарҳақиқат, маънан етукликка интилган киши юқорида санаб ўтилган қалбий ҳолатларни ҳар вақт ва ҳар жойда амал қилиши керакдир.

Илмнинг шарафи, улуғлилигига шубҳа йўқ. Чунки у инсонийликка хос хусусиятдир. Инсон кўп жиҳатларда бошқа мавжудотлар билан шерикдир, лекин илмда шерик эмас. Шижаат, журъатлик, куч-қувват, сахийлик, меҳр, шафқатда ўхшаш тамонлари бор, аммо илмда эмас. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло Одам алай-ҳиссаломнинг фазлини илм билан кўрсатди. Шунинг учун ҳам, фаришталарга ҳазрат Одамга сажда қилишини буюрди.

Чиндан ҳам илмнинг шарафи, олиймақом экани, у абадий саодатга – Аллоҳ таолонинг даргоҳида иззату ҳурматга ҳақдор этадиган тақвога восита эканидир. Бу ҳақда Мұхаммад ибн Ҳасан ибн Абдуллоҳ шундай деганлар, байт:

*Илм ўрган ҳар он,
 Илм аҳлига зийнату фазилат,
 ҳам олий унвон.
 Ҳар он талабгори фойда бўл,
 Фойда денгизларида ғаввос бўл.*

*Илм, илмдан илм унар,
Соҳибини зийнатлар.
Манфаатлик денгизларда,
Гаввос бўлмоққа чоғлар.*

Фикҳ илми – яхшиликка етакловчи, тақвога бошловчи мукаммал омилдир. У мақсадларнинг энг олийси ва одилроғи бўлиб, ҳидоят йўлига бошлайди. Фикҳ мashaққату қийинчиликлардан нажот берувчи бир кўргондир.

Битта парҳезкор, тақволи олим мингта ибодат қила-диган бандадан афзалдир. Яна шуни қайд этиш мумкини, олимнинг бир ўзи мингта шайтоннинг душманларини ашаддийроғи ва даҳшатлироғидир. Бир куни Жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) масжидга борсалар, масжиднинг эшиги олдида ташвишли ва ноумид ҳолдаги Шайтон алайҳиллаънани кўрдилар. Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) келишининг сабабини сўраганларида, у:

– Ё Расулуллоҳ! Масжиднинг ичида бир омий (уқувсиз, илмсиз) киши зўр бериб намоз ўқимоқда. Мен уни чалғитишни хоҳладим, лекин унинг ёнида «Илм шахрининг дарвозаси» ҳазрат Али (каррамаллоҳу важҳаҳ) ухлаб ётибди. Агар мен шу омийни адаштирсам, у Алини уйғотиб, ундан сўраб, бу тўғрида илм ҳосил қиласди. Бу менга қўпроқ зарар ва ёқимсиздир. Чунки бир зарарим ўзимга бир неча баробар қайтади. Шундан бу ерда ноумид бўлиб турибман, – деб айтди.

Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) шундан сўнг: «**Бир олим минг обиддан афзалроқдир!**» – дедилар.

Илм ва фикҳ инсонларга дунё ва охиратда энг тўғри йўл кўрсатувчидир. Унинг соҳиби эса барча ахлоқи ҳа-

мидаларга эришади. У сахий, жувонмард, камтарин, журъатли, шикастадил, иффатли – ҳар маънода покиза ва бошқа хислатларнинг файзу баракотларидан баҳраманд бўлиш баҳтига эришади. Баҳиллик – қизғанчик, қўрқоқ ва журъатсизлик, манманлик, исрофгарлик ва ўта иқтисодчи – зиқна бўлиш каби ахлоқи замималардан ўзини сақлаб, кишилар кўрганларида сухбатига ошиқадиган гўзал хулқ эгаси бўлиб камол топади. Илм инсонга нима фойда-ю, нима зарар эканини билдиради. Инсон орзу-мақсадларига илм орқали етишади.

Инсоннинг кибр-ҳавога берилиши, манманлик қилиши, баҳиллик ва мол-дунёга ҳирс қўйиши, қаноатсиз ёки исрофгар бўлиши Исломда ҳаром қилингани маълумдир. Булардан сақланиш эса, илм чўққиларини забт этиш орқали бўлади. Аксинча, бунга зид бўлса, инсон аста-секин тубанлашиб боради. Шунинг учун ҳам инсоннинг илм ўрганиши фарздир.

Одоб-ахлоқ тўғрисида саййид, жалолатлик имом, шаҳиди аъло, муҳтарам устоз Носируддин Абул Қосим ҳазратлари ажойиб бир китоб ёзганлар. Баъзи уламоларимиз ушбу китобни жуда долзарблиги учун ёдлашни тавсия қилибдилар. Ҳеч бўлмаса фарзи кифояликка кўра ёдласинлар деб буорганлар. Фарзи кифоя – шаҳар ва бирор ўринда бу амални бир киши бажарса, бошқалардан соқит қиласи. Агар ҳеч ким ижро этмаса, ҳамма гуноҳда шерик бўладилар.

Ақлли кишилар ўз манфаатларини кўзламоқлари учун бир-бирларини зарурий илм ва ҳунарни қоим эттиришга буоришлик юклатилган. Лозим топилса, бунга ҳаракат қилмоқлари, сарф-харажатларини кўтармоқлари керакдир.

Ҳаётимизда ҳар бир соҳада инсонлар эҳтиёжи тушадиган илм-ҳунарларни ўрганишимиз шартдир. Маса-



лан, инсоннинг таом соҳасидаги эҳтиёжи, нима ҳалол, нима ҳаром ва заарли эканини билмоққа ёки касал бўлиб қолса, дори-дармоннинг қайси бири унинг дардига малҳам бўлмоғини билмоққа эҳтиёжи тушади. Шу билан бу илмни ҳам билишга зарурият чиқади.

Илми нужум (юлдузлар ҳақидаги илм) – юлдузларга қараб фол очиш ва ғайб илмини билишни тақозо этади, бу Ислом шариатида ҳаром (ношаръий) амалдир. Инсоннинг эътиқодига зарар беради.

Аллоҳ таолонинг қазои қадаридан қутулиб бўлмайди. Бу асло мумкин эмас. Демак, ҳар бир мусулмон ҳамма ишларини ёлғиз Аллоҳга топшириши, Ўзигагина таваккал қилмоғи керак. Бу доимо Яратгани зикр қилиш билан, Унга дуюю илтижолар қилиб, ўзи ва халқи учун тазарруъ, шикасталик изҳор қилмоғи билан амалга ошади. Камтарин бўлиш ахлоқи ҳамидадир. Куръони карим ўқиши, уни тааммул этиш ҳамда эзгу амаллар қилиш, хайру саховат билан машғул бўлиш бу мақсадга ёрдам беради. Шунингдек, Аллоҳдан қилган хатолари учун афв сўраш, нуқсонлари учун гуноҳларидан мағфират талаб қилиш, саломатлик ва тинчлик-хотиржамлик сўраши ҳам керакдир. Зоро, дуоларнинг самараси ўлароқ, киши турли балою офат, мусибатлардан халос бўлиш баҳтига муяссар бўлади. (Иншааллоҳ).

Аллоҳ таало бандасига дуодан насиба берган бўлса, албатта бу дуонинг ижобатини Ўзи ато этади. Дуосининг натижасидан бандасини зинҳор маҳрум этмайди.

*Дарёning остида бўлса жойинг,
Баҳона бирла еткузур Худойинг.*



Мабодо, бу бало ёки имтиҳон тақдири азалийда бўлса ҳам, яъни иложсиз рўй берадиган бўлса-да, Аллоҳ уни енгилроқ, унга қуввати кифоя бўладиган қилиб юборади ва сабр билан ризқлантиради. Бу фақат дуою илтижолар мевасидир. Илоҳо Парвардигоро, бизларга ҳам мана шундай бўлишни насиб этсин!

Агар илми нужумдан қиблани аниқлаш, намоз вақтларини билиш ёки бошқа шаръий заруратлар учун таълим олса, меъёрида ўрганиши жоиздир. Чунки бу, сабаблардан бир сабабдир.

Тиб илмини ҳам ўрганмоғи жоиздир, балки керак ҳамдир. Беморнинг тузалишига, шифо топишига боис бўлиш ҳам сабаблардан бир сабабдир. Жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг даволангандариги тарихдан маълум.

Ҳазрат Имом Шофиъий (раҳматуллоҳи алайҳ):

– Илм икки хилдир. Биринчиси илми фикҳ – бу диний муомалотларга риоя қилиш учундир. Бунда аввали Аллоҳ таолонинг ҳаққи, бандаларнинг Аллоҳ ва бандалардаги ҳақ ва мажбуриятлари, дунёвий ва ухровий муомалаларни низомга солиш каби илмлар таълим берилади.

Иккинчиси эса – илми тибдир. У инсон жасади тузилишига оид илм бўлиб, унда турли касаллик ва тибга алоқадор ҳолатларнинг иллатини таҳлил қилиб, уни бартараф этиш усулларини ўрганишдир. Бу икки илмдан бошқа илмлар эса «Булҳатул мажлис», яъни «Мажлиснинг етуклиги»га хизмат қиласиган, уни сермаҳсул ва сермазмун бўлишига омил ҳисобланади.

Илм амал қилган кишига нур баҳш этади.

Фикҳ – илмнинг нозик нукталарини билиш, ўрганишдир. Демак фикҳ, илмга нисбатан чуқурроқ маънога эга экан. Фикҳ кенг қамровли, кўп тармоқли, серқир-

ра экан. Имом Аъзам Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) фикҳга таъриф бериб шундай деганлар:

Фикҳ – киши нима фойдали ва нима заарли эканини билмоғи ва ўрганмоғидир. Илм унга амал қилиши учундир. Аслида, илмга амал қилиш нақдни насияга қолдиришдир. Яъни, амалининг мукофотини дарҳол талаб қилмайди, балки уни охиратга олиб қўяди.

Инсон дунё ва охиратига нима зарар ва нима фойда эканини билишдан ғафлатда қолмаслиги лозимдир. Бу билан фойдаларини ўзига жалб этади ва Аллоҳ таолонинг раҳмати ва баракотларига ноил бўлади. Зарар ва зиён амаллардан ўзини сақлаб, улардан узоклашади. Ақли ва илми ўзининг зарарига хужжат бўлмаслиги учун ҳаракат қиласиди. Зеро, мана шулар қиёмат кунида азобу укубатни зиёда бўлишига олиб келади. Аллоҳ барчаларимизни беамал бўлишдан ва Ўзининг ғазабидан паноҳига олсин!

Бу ҳақда «Илм ва унинг фазилати маноқиблари» номли китобда кўп оят ва хабарлар келтирилгани сабабли китобимиз узайиб кетмаслиги учун, уларни биз зикр этмадик.



2-ФАСЛ

ИЛМ ОЛИШДА НИЯТ ҚИЛИШ ТҮГРИСИДА

Ҳар бир амалнинг рўёбга чиқмоғида ниятнинг аҳамияти катта. Жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг: «**Иннамал аъмолу биннияти**», яъни, амалларнинг ажру савоби ниятта қараб бўлади, – деган муборак ҳадисларида, ният жами ҳолатларимизга асос эканига ишора бордир. Мазкур ҳадис саҳих (ишончли) ҳадислардан бўлиб, уни Имом Бухорий ривоят қилганлар. Яна Жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда:

– Қанча дунё амали суратида бўлган амаллар бор, улар ниятнинг яхшилиги, тўғрилигидан охират амалига айланади. Яъни, инсон ниятининг яхшилигидан дунё амали учун ҳам савоб ва мукофот олади. Қанча охират амаллари бор, ниятнинг ёмон ва нотўғрилигидан дунё амалига айланади. Яъни, нодууст ният инсонни ибодатлари савобидан маҳрум ҳамда бенасиб этади» – деб, ниятта қатъий аҳамият бериш кераклигини билдиридилар. Демак, амалимиз қандай бўлса ҳам, у дунёвий ёки ухровий бўлсин, ниятимизга боғлиқ экан.

Истаган киши ҳам биринчи навбатда ниятини яхши қилмоғи керак. Аввало, илм ҳосил қилиш билан инсон Аллоҳ таолонинг розилиги, охират саодатини мақсад қилиши лозим. Шу билан ўзининг ва бошқаларнинг жоҳиллигини ва илмсизлигини кетказишини, динга ҳаёт

бахш этишни, шариат аҳкомларини қоим мақом этиб, Исломни бокий қолишига хизмат этишни ният қилмоғи лозимдир. Чунки Исломнинг бокий қолиши – илм биландир.

Маълумки, зоҳидлик, ибодат ва тақво илмсиз дуруст бўлмайди. Бунга мисол этиб, «Хидоя» китобининг муаллифи шайхул ислом жалолатлик имом Бурҳониддин Марғиноний ҳазратларининг талабаларга ушбу шеърларини насиҳат тариқасида айтганларини келтириш мумкин:

*Илмни ким воситаи жоҳ этар,
Ўзини ўзини гумроҳ этар.
Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илми анинг жаҳлиға бўлғай далил.
Гар билсанг болам, олими беамал
Этрур зарар олам учун, жону жоҳ
Талабида қилур дину-дунёни фасод.
Будир оғир ҳалокат, кўр ушлаганин
Маҳкам тутар деб, беilmни борлиги.
Илмсиз обиду, беамал олим икков
Боамалу, диёнатлик инсонга эгов.*

– Бузғунчи, беамал олим ва билганига беамал киши катта фасод, бузуқлик эса ҳалокатдир. Аммо жоҳил, илмсиз обид – намозхону рўзадор, зоҳиду парҳезкор ундан катта фасод, балою офатдир. Ҳар иккови икки дунёда ўз дину имонини мустаҳкам тутган кишига улуғ фитнадирлар.

Булардан сақланиш инсонни илм чўққиларини забт этиши орқали бўлади. Агар ишни бунга зид олиб борса, аста тубанлашиб боришига сабаб бўлади. Шунинг учун илм ўрганмоқ фарз ва шарт қилинган.



Одоб ахлоқ ҳақида устоз, буюк имом ва шаҳиди аъло Саййид Носируддин Абул Қосим ҳазратлари мукаммал китоб ёзганлар. Бу китобни талабалар ва дин ишига хизмат қилгувчилар ўқиб ўргансалар, катта фойдани ихтиёр қилган бўлардилар. Баъзи устозлар ёд олсинлар деб ҳам тавсия қилган эканлар.

Ҳаётимизда эҳтиёж тушадиган ҳар бир илм ва касбни ўрганиш, уни татбиқ этиш шарт бўлгани каби бу китобдагиларни ҳам билмоқ жуда зарур. Буни кунлик муҳтож бўлганимиз таомга ўхшатиш мумкин. Таом ҳаётимизни тиклаб берувчи асосий омилдир. Бемор кишининг дори дармонларга эҳтиёжи тушади. Бу бошқа илмларга бўлган ҳожатга ўхшайди.

Илм олиш билан инсон Аллоҳ таолонинг неъматларига шукр этишни ният қиласи. Чунки шокир бандаларига неъматларини зиёда ва баракотлик қилишга Ҳақ таолонинг ваъдаси бор.

Илмга жонфидолик қилиш ҳақида Имом Мухаммад ибн Ҳасан (раҳимаҳуллоҳ) шундай деганлар:

– Агар одамлар менга қул бўлганда эди, уларни ҳар бирини қулликдан озод этардим ва уларни хўжайинлари, қулдор эгаларидан халос этардим. Бундан ёлғиз мақсадим, улар фақат илм ўргансинлар ва билимларини камолга етказсинлар.

Улуғ донишманлардан бири:

– Ким илм лаззатини, унинг ҳаловатини изласа ва амал қилиш мазасию роҳатини топса, инсонлардаги нарсаларга кам рағбат қиласи, қизиқмайди. Таъма қилишга ўзини йўлатмайди.

Имом Аъзам Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) устозлари шайхул ислом, Ҳаммод ибн Иброҳим ибн Исмоил ас-Сифорий ал-Ансорий ҳазратларидан қуйидаги байтини келтирадилар:



*Охиратни дедим, файзу зафар топдим,
Дунёни дедим, хавфу хатар топдим.
Охиратни дедим, топдим фазлу камолот,
Дунёни дедим, топдим хорлик ва маломат.
Охиратни дедим, келди ризвону жаннат,
Дунёни дедим, келди ҳасрату надомат.*

– Ким охират куни – ваъда қилинган кун учун илм талаб қилса, дарҳақиқат бу банда Аллоҳдан, ҳақ йўлга иршод этувчи Зотдан файзу фазилат топиб, кўп жиҳатларда ғолиб бўлиб, зафар қучибди. Аммо, одамлар ҳурмат, эътиборини топиш учун илм талаб этувчига ҳасрату надоматлар бўлсин!

Сен албатта бундай ёмон ниятдан сақлан ва қалбингни кечинмаларига эҳтиёт бўл! Парвардигоро! Ҳар қандай ёмон ниятлардан ўзинг паноҳ ва нажот бергин!

Аммо, амри маъруф ва наҳий мункар қилиш учун, ҳақни, шариати исломийя аҳкомларини танфизи, яъни жорий қилиш, амалга ошириш учун, динни қувватлаш, улуғлаш ва эъзозу икром қилдириш учун бойлик, обрў, нуфузни ҳам илм олиш билан бирга талаб қилиш жоиздир. Шунда ҳам ҳаддан зиёда эмас, балки амри маъруф ва наҳий мункар қоим бўладиган микдорда ҳурмат-эътибор, давлат талаб қилиши керак бўлади. Бу масалани ҳар бир талаба яхшилаб ўйлаб олиши зарур. Чунки илм ҳосил қилишда инсон кўп машаққат чекади. Шунга мувофиқ, уни керак ўринда обрў ва мол-дунёси билан ҳимоя қила олиши шарт.

Машойихларимиз бу ҳақда:

– Илм ҳосил қилиш гўё игна билан қудук қазиб, сув чиқарганчалик меҳнатга ўхшаса, ҳол илмига етишиш гўё киприқ билан қудук қазиб, сув чиқарганчалик чекилган машаққатга ўхшайди, – деганлар.



Маълумки, игна ҳам, киприк ҳам қазиш қуроллари эмас. Бу ҳикматлик сўзлар илм эгаллаш жуда қийин, мashaқатли иш эканига ишорадир. Шунинг учун, уни хор ва хақир, арзимас ва фоний – йўқликка юз тутувчи дунёга, давлатга сарфламайди, уни алмаштирумайди. Шеър:

*Дунё ноқиснинг ноқисроғи эрур,
Ошиғу шайдоси хорнинг хорроғи эрур.
Сехру жодуси ила кару кўр айлар,
Қилмишига ўзини ҳайрону лол айлар.*

– Бу дунё – ноқисроқдан-да, камдан-камроқ, жуда ноқисдир. Дунёга ошиқу шайдо эса ундан хорроқ, бечорадан бечорароқдир. Дунё ўз сехри билан кишини кар ва кўзини кўр қилур. Шунинг учун ҳам улар ўз илмларидан далилу исботсиз ҳайрон қолувчи, ҳасрат чекувчидир.

Демак, аҳли илмлар ўзларини таъмагирлик, яъни умидворлик иллатидан сақлашлари керак экан. Акс ҳолда, илмининг самарасига нисбатан дунё матоларини умид қилиш билан, илмни ва ўзларини хор ва ҳурматсиз этган бўладилар. Шунингдек, илм ва илм аҳлини хор ва беобрў қиласиган ўринлардан ўзларини эҳтиёт қилмоқликлари керак бўлади.

Аҳли илмлар хусусан, толиби илмлар камтарин, камсуқум бўлишлари керак. Тавозуликни ўзларига касб қилсинлар, у эса мутакаббирлик билан хорликни ўтасидир.

Иффатли бўлмоқ юксак инсоний фазилатлардан саналади. Иффат – поклик, гуноҳ ва маъсиятдан форижлик, ҳар жиҳатдан покизалик демакдир. Кенгроқномиб

буларни одоб-ахлоқ китобларидан билиб олинади. Адабул Мухтор номи билан машҳур, шайхул ислом, рукнул ислом, ҳазрат устоз бир шеър айтганлар:

*Хусни хулқда тақво бор,
Тақводорга шикастлик ёр.
Камтаринлик, ширинсўзлик
Комиллик карвонин тортар.
Султони комилнинг шайхлар
Мактубига жавобин ўқи:
«Сиз яхисиз, биз ёмон,
Сиз буғдоисиз, биз самон!»*

– Шубҳасиз, тавозулик муттақийларнинг хислатидир. У билан инсон ўз мақсадларига ҳамда улуғликла-рига ноил бўлади. Ўз илми ва ҳунарини қолаверса, обру эътиборини юксалтиради. Жоҳил, илмсиз кишини ўз ҳолини кўриб ажабланиши, ўзига ўзи бино қўйиши аслида жуда хунук ишдир. Ўзини саъид, баҳтлик инсонлардан ҳисоблайди. Ваҳоланки, оқибатда ким бўлади, умри қандай хотима топади, шақий (бадбаҳт)лардан бўладими? – буни ўйлаб кўрмайди.

Камтарга камол, манманга завол, – деганларидек, камтар, хоксор инсон ўзининг гўзал хулқу одоби билан доим иши ривож ва мартаба топади. Чунки ўзининг ҳаддини сақлай олиши билан, ўзини мумтоз тутмаслиги билан кишилар кўнглида ҳурмат ва эътибор қозонади. Манман, кеккайган киши эса, кўзи кўр, қулоғи кар, қалби қулф бўлади. Ишларига ажабланиб, ўзидан узоқлашиб, ўз-ўзига ишониб аста ҳалокатга яқинлашади. Мансабига суюниб, бошқаларни менсимай қўяди. Натижада, ўзига ҳаваси келиб, мағурурланиб қолади. Ўзини улуғлардан ҳисоблайди. Кириё – улуғлик, катта-

лик – яратган Парвардигоримиз Аллоҳ Зул Жалолга хос сифатдир.

Имом Аъзам Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) шогирд ва асҳобларига шундай дер эканлар:

– Саллаларингизни улуғланг! Енгларингиз кенг бўлсин ва салобатлик кийининглар!

Ушбу сўзлар фақат илм ва илм ахлини улутлаш ва бошқалар хор ва паст назар билан кўрмасликлари учун айтилган.

Салла – Ислом шиори ва улуғлигининг белгиси. Уни ҳақ маънода таслим бўлганлар баҳтлик бошларига киядилар. Салла кишини охиратга имони борлигини, умри тугашини ва бунга ишонишини – ўлимни тан олишининг алматидир. Комил имонлик киши Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак суннати санияларини амалга оширувчироқ бўлиб қолади.

Талаба кийимларини пок ва сараёнжом тутиши, салласини оппоқ қилиб кийиб юриши керак. Бундай кийимлик киши бошқалар кўнглида динга нисбатан хайрли тасаввур туғдириши керак. Толибнинг одоби, камтарлиги ва бошқа фазилатлари кўнгилдаги фикрни қувватлаши зарурдир.

Имом Аъзам ҳазратларининг шогирдлари имом Абу Юсуфга берган кенг қамровли васиятлари бор бўлиб, уни ўқиши, ўрганиш ҳам жуда фойдалидир. Уни ҳазрат шогирдлари юртларига қайтиб кетаётганларида берганлар.

Имом Абу Юсуфнинг шогирдлари шайхул ислом, имом, ҳужжати аимма Али ибн Абу Бакр ҳазратлари:

– Мен шаҳримга қайтаётганимда устозим бу васиятни ёзиб олишимни буюрдилар, – деб эслайдилар.



3-ФАСЛ

ИЛМ, УСТОЗ ВА ШЕРИК ТАНЛАШ ВА БУ ИШДА МУСТАХКАМ БҮЛИШ ҲАҚИДА

Талаба илм ва касбни дунё ва охиратга фойдаси кўпроғини танлаши керак. Илмда тавҳид илми ва ақидани биринчи навбатда ўрганади.

Тавҳид илми имон ва эътиқод масалаларини илмий, асосли далиллар билан талаба ўрганиши шарт. Зеро, муқаллид, яъни ота-аждодларига эргашувчининг имони дуруст бўлса ҳам, далил ва ҳужжатни тарк этгани учун қаттиқ гуноҳкор бўлади.

Аллоҳнинг ваҳдониятини Куръони карим ва аҳодиси набавияга асосланиб билиб олмоқлиги ҳамда уни зарур ўринда келтира олишга тиришиши керак.

Ақида масаларини қадимгиларини, яъни жаноб Пайғамбаримиз ва саҳобаи киромлар даври саодатидагиларини танлаши лозим. Янги пайдо бўлганларини танламайди, чунки кейин чиққан нарсалар Куръону ҳадистга хилоф бўлади. Сўфий Аллоҳёр (раҳимаҳуллоҳ):

*Маҳкам тутгин жамоат эътиқодин,
Нари соггин мухолиф ижтиҳодин! –*

деб кейинги пайдо бўлган ақидавий масалалар, сулуклар залолатта бошлайдиган йўл эканини билдирадилар. Салаф уламолар ҳам:

– Ўзингизга атиқ (эски) яъни, аслга яқин вақтда мавжуд бўлган илмларни олинг. Айниқса, ақида илмини



соғини танлаб олинг. Янги пайдо бўлганларидан сақла-
нинглар, – деганлар.

Сен ҳам кейин пайдо бўлган ихтилоф ва жанжалга
сабаб бўладиган ақида масалаларидан узоқ бўл ва бу иш
 билан шуғулланишдан тийилгин!

Чунки бу низоларнинг ҳаммаси буюк зотларнинг
инқироз ва ҳалокатларидан сўнг зоҳир бўлган. Бу тала-
бани илм ҳосил қилиш, фикҳ асосларини ўзлаштириш-
дан чалғитади, умрини зое ўтишига сабаб бўлади.
Қалбда душманлик туғдиради. Ваҳоланки, бу каби
ишлар қиёмат куни яқин қолганининг аломатларидан
бўлиб, илм кўтарилгани, фикхнинг қадрсизланганини
 билдиради. Ушбу маъноларнинг ҳаммаси ҳадиси ша-
рифда ворид бўлган.

Аммо устоз танлашда асосан куйидагиларга аҳами-
ят қилиш керак:

- Олимроқ бўлган;
- Парҳезкор ва тақводорроқ бўлган;
- Ёши утуғроқ ва кўп тажрибали аҳли илмни устоз-
ликка ихтиёр қўймоғи керак.

Шу шартлар асосида имом Абу Ҳанифа (раҳимаҳул-
лоҳ) ҳазратлари ўз устозлари Ҳаммод ибн Сулаймон
жанобларини кўп фикр ва тааммул юритганларидан
кейин танлаган эканлар. Бу ҳақда Имом Аъзамнинг ўз-
лари:

– Мен у кишини улуғ, мўйсафид, салобату виқорлик,
юмшоқ кўнгил, хушмуомала, сабру матонатли кўрдим,
– деб эслайдилар, – шунинг учун ул зотнинг ҳузурлари-
да қолдим, мустаҳкам ва собит турдим. Натижада усто-
зимнинг файзу барокотлари билан ўсдим, етуклик пил-
лапояларида илдам қадам ташладим.

Ҳақиқатан ҳам, бу зот етук, комил ва улуғ инсон эди-
лар.

Самарқандлик донишманд:

– Менга бир йигит илм олиш ҳақида машварат солди. Бухорои шарифда илм олишни азм қилганини, бошқаларнинг ҳам фикрларини билиш нияти борлигини изҳор қилди.

Худди шундай ҳар бир ишда маслаҳат солиш, фикр алмашиш шартдир. Аллоҳ таало Каломи мажидида жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)ни машварат ва маслаҳат билан ўзаро кенгашиб иш юритишига буюради. Шўро сурасининг оятларида мўминларнинг ахлоқи ҳамидаларини васф этиб: «**Уларнинг ишлари ўзаро кенгашдир**», – деган.

Шунинг учун, жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳатто уй юмушларини ҳам асҳоби киромлар билан маслаҳатлашиб ҳал қиласар эдилар. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу):

– Киши маслаҳат сўраб ҳалок бўлган эмас, – деганлар. Доно ҳалқимиз: «Кенгашли тўй тарқамас», – деб бежиз айтмаган.

Кенгаш, ўзаро маслаҳат билан қилинган иш пухта ва пишиқ бўлади. Оқибати назардан ўтказилиб, зиён ва зарардан сакланиш ҳамда имкон қадар фойдали ва сермаҳсул бўлиб рўёбга чиқиши таъминланади.

Донишмандлар кишиларни уч тоифага тақсимлаганлар: бири бутун ва тўлиқ киши, яна бири ярим киши ва охиргиси эса ҳеч нарса бўлмаган киши.

Биринчиси, қадри бутун кишининг тўғри фикри, ўз мулоҳазаси бор. Шундай бўлса ҳам, албатта маслаҳатлашиб иш қиласади.

Аммо, иккинчи тоифалар юқоридаги фойдали сифатларнинг биридан маҳрум кишилардир. Фикри бўлса, маслаҳатлашмайди ёки аксинча, бошқаларнинг мулоҳазалари билан қизиқмайди. Фикри ҳам тез ва осон



ўзгарадиган бўлади. Ҳар кимнинг маслаҳати маъқул келаверади. Яъни қай ишда унга фойда борлигини ўзи яхши билмайди. Ёки фойдасини заарга айлантириб қўяди, ўзбошимчалик қилади ва ҳакозо.

Аммо учинчи тоифа, қадрсиз кишиларда ўз фикри, мулоҳазаси бўлмайди. Шу билан бирга маслаҳатлашмайди, бошқаларнинг фикрларига қўшилмайди, райъини ҳурмат ҳам қилмайди.

Демак, инсон комил, иззат-икромли, жамият ва оиласида ўз мавқеини топиши учун фикру мулоҳазасига ҳар жабҳада эга бўлиш керак. Шу билан баробар, уни тўғри ва фойдали бўлиши алоҳида аҳамиятлидир.

Ҳазрат Жаъфари Содиқ ҳазрат Суфён Саврий (раҳи-маҳуллоҳ)га:

– Эй, Суфён! Дунё ва охират ишларингда, албатта, имонли ва тақволи кишиларга маслаҳат сол. Улар билан кенгашиб юр! – деганлар.

Бу ҳикматда ушбу нозик нукталар аҳамиятлидир:

- биринчидан, киши ўз фикрига эга бўлиши керак;
- иккинчидан, фикрининг тўғри бўлишига ҳаракат қилиши керак;
- учинчидан, ҳар бир ишда – катта ёки кичик, дунё ёки охират ишларига алоқадор бўлсин маслаҳатлашмоғи керак. Бошқаларнинг ҳам фикр ва мулоҳазаларини ўрганиши, эътибор қилиши фақат ўзининг фойдасидир;
- тўртинчидан, маслаҳатгўйлар тақволи, айтганига ўзи ҳам амал қиладиган инсонлар бўлиши мақсадга тўғри йўналтиради.

Илм ўрганиш энг олий мартабадаги ишлардан ҳисобланади. Нақл қилинадики, илм талабида бўлмок нафл ибодатлар қилишдан кўп марта афзалдир. Шунинг учун, илм талаб қилишда маслаҳат, кенгашга солиш зарур ва вожиброқдир. Улут донишманд:

— Агар Бухорои шарифга илм ҳосил қилиш ва ҳақиқий устозни топиш мақсадида борсанг, ихтилофли масалалар ва турли саволлар топиб, у жойдаги аҳли илм ва улуттундеги устозлар билан баҳс, мунозара қилишга шошилма! Улуттундеги имомлар ўртасидаги ихтилофли масалаларда музокара га ошиқма! Балки икки ой сабр қил, то бир устозни ўзингга танлаб, у ҳақда яхшилаб ўйлаб фикр юритгайсан. Устоз тўғрисида дарҳол хуроса чиқаришга шошилма!

Агар Бухорои шарифга келиб, синамай бирон устоздан сабоқ олишни бошласанг, уни билмаганинг учун кейинроқ дарс ўтиш услуби сени қизиқтирмай қўйиши мумкин. Натижада ўша дарсга ҳам, илмга ҳам қизиқи-шинг қолмайди, хатто уйғонмайди ҳам. Бу дарсни тарк этиш ва устоздан узилиш билан тугайди. Мақсадинг ҳосил бўлиши учун яна бошқа устозни излайсан, унда ҳам дарс бошлаб, аввалги ишларингни тақрорлайсан.

Шунинг учун Аллоҳ илмингга барака бермайди. Илмда даражага эга бўлсанг ҳам на ўзинг, на бошқага наф бера оласан.

Бунинг замирида яна бир кўз илғамас сир бор. Тарк этган устозларнинг кўнглини ранжитганингdir. Зеро, бир ҳарф ўргатган устознинг розилигини олиш, қандай устоз бўлса-да, уни ҳурмат қилиш ва бу тўғрида ваъда қилинган лутфу иноятни топиш шогирднинг ҳаётий мазмунига айланган вазифаси бўлмоғи шарт.

Шунинг учун ҳам бу ишда яхшилаб тафаккур қил! Илм олиш муҳим ва нозик масала бўлиши билан бирга, унга устоз танлаш ҳам ўта муҳим ва зарур масаладир. Кўп маслаҳат ва катталарнинг кўрсатмаларини олиб, мазкур шарт-шароитларнинг кўпини ўзида мужассам-лаган бир устозни топ! То уни тарк этиш ва дарсларидан қолишга эҳтиёж сезмагин! Мана шунда таълиминг баракотли ва хайрли бўлади. Илминг фойда берувчи ва

ўзинг манфаатли илм соҳиби бўлиш учун устоз хузурида собит ва мустаҳкам турасан.

Билгилки, ҳар бир ишда сабру чидамлик, қаноатли ҳамда саботли каби юксак фазилат эгаси бўлиш, ўша ишни комил эгаллашда асл ва асос ҳисобланади. Афсуски ушбу фазилат инсонларда топилмайди, кам учрайдиган ноёб хислатдир. Шеър:

*Олийликка интилганга даркор ҳаракот, аммо
Кишиларда кам учрайдур сиботу матонат.*

Бир донишманд: «Бир соат сабр қилмоқ шижаатдур», деганлар. Шунинг учун ҳам, талаба устоз олдида сабот, сабр ва юксак қаноат билан қоим бўлиши керак. Уни меҳру шафқатини ва хайрли дуосини қозонсин.

Бир китобни охиригача ўқиб тутатмасдан, бошқа китобга ўтмасин. Шунингдек, бир фанни камолга етказмасдан, бошқасини ихтиёр қилиш ёки зарурат бўлмаса, бошқа шаҳарга кўчишга жазм этмаслиги керак. Аслида бу илм оғатларидандир. Чунки имлдан чалғитади ва бошқа нарсага мажбур қиласи. Қалбни бефойда нарса билан ўрайди. Вактини зое кеткизади. Энг заарлиси, муаллим қўнглига азият келтиради. Муҳаббатини сўндириб, ўзи ҳам кўп озор чекмоғига сабаб бўлади.

Талаба нафсу ҳавоси чақираётган нарсаларга қаршилик қилиши ва шафқатсиз бўлиши ҳамда оғир, сабрли бўлишдек юксак ахлоқий фазилатлар билан сифатланиши керак. Шеър:

*Нафсу ҳавоим мени йўлдан урди
Шармандалар анҳорига тубан сурди.
Юзим қаро қилди, илгимда шай йўқ,
Ҳай ҳузурида дилимда ҳаё, саъй йўқ.*



Дўстим айтди, бунинг давоси бордир,
Нафсу ҳаво кушандай ғавғоси дордир.
Осиб бергин ором дардмандаларга,
Ибрат бўлсин учун шармандаларга.
Ҳавои нафсга қарши кураш эмас осон,
Матонату бардошни маҳкам тутсин инсон.

Ҳақиқат шуки, нафсу ҳаво йўли хорлик ва шармандалик йўлидир.

Агар билсанг, нафсу ҳавони дорга осадиган амал, уни хор ва шарманда яна ҳам шарманда қиласиган жойи амалдир.

Бу осон эмас, ким нафсига қарши курашар экан, унга кўп мусибат ва имтиҳонлар ёғила бошлайди.

Албатта сабр ва қаноатни касб қиласин.

Донишмандлар: Орзу умидларга эришиш қоп-қоп меҳнат ва имтиҳонлар устидадир.

Кўйидаги ҳикматни ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу) айтганлар:

Огоҳ бўлким, илм ва унинг файзу равнақи олти нарсага риоя қилинганда ҳосил бўлади. Уларнинг барчасини баён этай:

Заковат – зийраклик, илмга чанқоқлик, сабру қаноатла етуклик – кифоятлик, устоз иршоди – йўлланмаси, ҳамда узоқ вақт даркор.

Шерик, ҳамхона танлашда тиришқоқ, жиддий, парҳезлик, тақводор ҳамда мустаҳкам иродали, хулқи мустақим – ўзгармайдиган ва фаҳм-фаросатли, тушунадиган ва тушунтира оладиган кишини ихтиёр қилиш лозим. Табиийки, дангаса, эътиқоди суст, сергап, бузғунчи ва фитначилик хислати бор кишидан узоқлашиб керак.



Ҳикматларда: Кишининг ким ва қандай эканини ўзидан сўрама! Балки унинг яқинларига, дўстларига қара! Ақл билан назар қил! Чунки инсон дўстларига эргашади.

*Кимки, тиласанг билай, мақолин англа,
Аслин дессанг англайн, фиолин англа.
Кирдикорига боқиб асл ҳолин англа,
Аслиға далил анинг ҳисолин англа.*

Улар ёмон ва ношоиста феълу хулқлик бўлсалар, зудлик билан улардан узоқлаш. Агар яхши ва ижобий феъллик бўлсалар, улар билан дўстлаш. Самимий муносабатлар ўрнат. Шунда тўғри йўл топасан, хидоятга эришасан. Шеър:

*Яхши либос танга оройиш,
Яхши қўлдош жонга оройиш.
Киши айбинг деса, дам урмагилким, ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди, ўзга айбинг зоҳир айларму?!*

Ҳар қандай ҳолда бўлсангда, дангаса билан дўстлашма, ҳамсухбат бўлма! Канча солих, яхши инсонлар бор эдики, улар шерикларининг бузғунчилиги, ёмонлиги билан бузилдилар, ёмон отлиқقا айландилар. Ўзини қаттиқўл қилиб қўрсатадиган ва безбет киши душманимдир. У кул ичига қўйилган чўғ кабидир, кул эса чўғнинг ўчиб қолишига сабаб бўлади. Яъни, сен ҳам бир чўғ мисоли бўлсанг, чўғни аланголатмай, мақсадга етказмай уни ўчиради.

Хулоса шуки, қозонга яқин юрсанг қароси юқар деб, танланган шерик қанчалик изланувчан, ти-

ришқоқ ва одобу ахлоқи ҳуш бўлса ҳамда тақвою парҳезда йўлбошли бўлиши айни муддаодир. Шубҳасиз, бу каби фазилатли сифатларни шерик ва яқинида юрганларга ҳам юқтириши, хулқлантириши мумкин. Шундай қилиб, ўзига ҳам, ўзгага ҳам наф берадиган илм ҳосил қилишига асосий омил бўлади.

*Кимники айлай дер эсанг маҳраминг,
Кўп синамай айламагил ҳамдаминг.*

Жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Ҳар бир гўдак ислом фитратида таваллуд топади. Бироқ уни яҳудий қиласиган ҳам, насроний қиласиган ҳам, мажусий қиласиган ҳам ота-онаси-дир, – деб тарбиянинг нозик тамонларига ишора қиляптилар.

Ушбу пурхикмат сўзларни зоҳирий маъносига қараб, яҳудий фарзандларини яҳудий қилиб, насроний насроний-христиан қилиб, мажус –оташпараст болалирини ўтга талпинувчи қилиб тарбия қиласар эканлар, дейиш мумкин.

Аммо уни бошқа томондан таҳлил қўйсак, мусулмонга Тангри таало фазли билан неъмат ва омонат қилиб фарзанд беради. Ношукрлик ва бепарволик кўчасига кириб, боланинг тарбиясига қарамаса, уни илмли, ҳунарли қиласа, динини, шариатини ўргатмаса, ахлоқ-одоб бермаса, келажакда бу фарзанд яхшилиқ, ёмонлик, тўғри-эгрининг, ҳақ ва ноҳақнинг фарқига бормасликда яҳудий ва насроний хатто мажусийдан ҳам фарқ қиласиб қолади, деб жаноб Расуллурроҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) танбеҳ берадилар.



Муаллиф (раҳимаҳуллоҳ)нинг таъбири билан айтганда, ота-она болага қанчалик яқин бўлиб, ижобий таъсирларини ўтказганлари каби, шериклар ҳам, бир-бирларига таъсирларини ўтказа биладилар. Форс тилидаги қуидаги ҳикмат ҳам бу фикрларни тасдиқлайди:

*Ёри бад бадтар бувад аз мори бад,
Баҳақи зоти пок Аллоҳус сомад.
Ёри бад орад ту ро сивое жаҳим!
Ёри неку гир, то ёби наъим!*

*Ҳаёву адаб бирла тузгил маош,
Яна айла таъзиму ҳурматни фош!
Не эл ёри бўлсанг, алар ранги бўл,
Нечук бор эсанг, тутқил ул сари йўл!*

Ёмон дўст, хулқу мақсадлари ғаразлик ҳамроҳ захри қаттол илондан ҳам ёмонроқдир.

Бениёз, беҳожатлик Аллоҳнинг пок зотига қасам ичаманки,

Ёмон дўст сени жаҳаннамдан бошқа жойга олиб бормас.

*Ҳақиқий яхши дўст ихтиёр қилгилки,
То у бирла неъматларга, жаннати наъимга етгайсан!*

*Ерда қанча бордур каромат,
Билмоғингга керак фаросат.
Якто улуғлиғин айла назорат,
Камтар камолига топгил ибрат.*

Илм ва илм аҳлларига ҳам, шундай назар қил. Улар билан дўстлашганларнинг ҳолини кўр. Оқибатлари қан-

дай гўзал ва ҳар жиҳатдан муваффақиятлик эканини ўйла. Сен ҳам дўстингдан ибрат ол, уни мумтоз эт. Чунки дўст дўстнинг кўзгусидир.

*Ким бу чаман ичра хиромон эрур,
Барчаси бир-бирига меҳмон эрур.*

*Ҳар кишиким, бор эса ёре анга,
Ҳар кишиким, ёр эса боре анга.*

*Ёр улдурки, ҳар неким ўзига
Истамас, ёриға ҳам истамагай.*

*Ўзи истарки, ёр учун ўлгай,
Ани мундоқ шарик айламагай.*



4-ФАСЛ

ИЛМНИ ВА ИЛМ АҲЛИНИ УЛУҒЛАШ ҲАҚИДА

Билгилки, толиби илм ҳам, толиби касб-хунар ҳам фақатгина илм ва илм аҳлини ҳурматини ўз ўрнига келтира олиши – уни ҳурматлаб, таъзимини адо эта олиши билангина илмга, касбга эришиб, улардан муваффақият ила манфаат топади. Устозни ҳурматига эътибор ва уни қатъяян улуғлаш, салобатли тутиш эса алоҳида аҳамият касб этади. Донишманларимиз:

Хурмат сақлаш тоат-ибодатдан кўра афзалроқдир, – деганлар. Яна бир улут зотдан:

- Илм афзалми ёки одоб? – деб сўраганларида, ул зот:
- Одоб афзал, – деб жавоб берганлар.

Ҳақиқатда ҳам, гўзал хулқ, одоб ҳар қандай илму ҳунар эгасининг беназир зийнатидир. Яна шундай мўътабар инсонлардан:

– Ким нимага эришган, фазилат ва даража топган бўлса фақат ҳурмат, одоб сақлаш билан эришибди. Кимки ўз обрў-эътиборидан, эришган фазилатидан айрилган бўлса, билсинки, у фақатгина бу айрилиқни одоб сақлашни лойик кўрмагани, ҳурмат ва эъзозни тарк қилгани сабабидандир, – деб огоҳ қиласидилар. Яна:

– Огоҳлик, зийрак фаҳм билан бироз фикр қиласидилар. Инсон гуноҳу маъсият билан имондан ажралмайди. Балки иззат-икромни ва одобни тарк этгани учун коғир бўлади.

Фаришталарга дарс ўтаган Иблисни ёдингга ол! У беодоблик ва тарки эҳтиром-ла Аллоҳ таолонинг раҳмат даргоҳидан қувилди, Унга осий бўлди.

Ваҳҳобийларни кўр! Катталарга ҳурматлари, кичикка иззатлари юзакиликка, ёхуд йўқликка юз тутгани сабаб устознинг улуғлигини эътироф этмадилар. Барча устозларининг норизолик дасторларини бошларига қўйиб, устларига дуоибаддан иборат либослар кийдилар. «Илму тақволари» билан муборак, пок динимизга қанча зарар келтирдилар. Ушбу ҳаракатлари натижасида тўғри йўлдан чиқдилар, Аллоҳнинг розилигига муясар бўладиган йўлдан адашиб, дунёга, шайтон ризолиги томонига ўтдилар.

Мусаниф (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратлари, муаллим ва таълим-тарбия берувчи инсонни ҳурматини қоим қилиш, улар ҳузурида одобу аҳлоқ сулукотларига риоя қилиш бевосита илмни ҳурмати, таъзимидан саналади, – деб қайд этадилар. Ҳазрат Али (розияллоҳу анҳу)нинг ушбу сўзларини гапимизнинг тасдиғи десак, муболага қилмаган бўламиз. Ҳазрат Али айтдилар:

– Менга бир дона ҳарф ўргатган кишининг қулиман. Хоҳласа сотсин, хоҳласа қулликдан озод қилсин, хоҳласа қул қилиб ишлатсин.

Ақли расо инсонга бундан эҳтиром қилинишга энг ҳақдор ва лойиқ зот муаллим, устоз экани маълум бўлади. Киши иймонининг белгиси шубҳасиз, устознинг ҳурматига ва дуои хайрига сазовор бўлишидир.

Устозни иззат-икромини ўз ўрнига қўйиш мақсадида ҳадя ва хайру эҳсонлар қилиш афзал ишлардан хисобланади. Масалаң, бир ҳарф ўргатса, устозга минг дирҳам ҳадя қилмоқ ниҳоятда хайрли амалдир. Борди-ю, динингда, имон-эътиқодингда муҳтоҷ бўлган масалада бир ҳарф таълим берса, у инсон сенинг диндаги отанг, падари бузрукворингдир.

Шайхул Ислом буюк имом, муҳтарам устозимиз Садидуддин Шерозий ҳазратлари:



– Бир киши ўғлини олим, фозил бўлишини орзу қилса, олиму фақиҳларнинг, илм йўлида юрганларнинг ҳақларини, яъни хурматларини риоя қилмоғи лозимдир. Бу таъзимларини ўрнига келтириш ва ҳадялар бериш ила бўлади. Агар ўғли олим бўлиб етишмаса, унда албатта невараси олим бўлади, – деганлар.

Устознинг меҳру муҳаббатига, эътиборига лойиқ бўлишни истаган шогирд аввало қуидагиларга амал қилмоғи лозим:

- Устознинг олдига тушиб юрмаслик;
- Устознинг ўрнига ўтирмаслик;
- Ҳузурларида рухсатсиз гапирмаслик;
- Малол келадиган бўлса, дарс вақтида кўп савол бермаслик;
- Дарсдан ташқари саволни вақтида сўраш қоидаларига риоя қилиш;
- Дарсга кеч ёки барвакт келиш;
- Устозни безовта қилмаслик;
- Устознинг эшикларини тақиллатмаслик, балки ўзлари келишларини ёки чиқишларини сабр қилиб кутиш.

Мазкур амалларнинг самараси – устознинг розилигини топиш, кўнглида муҳаббат пайдо қилишдан иборат. Шунингдек, норози қилиб қўйишдан, ғазабидан сақланиш ҳам ҳосил бўлади.

Устоз гуноҳ ва маъсиятга буюрмаса, барча фармонларига итоат қилмоқ, сўзсиз бажармоқ шартдир. Шогирд устозига ўзини доим бўйсунган ҳолда кўриши илм ҳосил этишининг омилидир. Жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– **Холиққа, яъни Аллоҳ таолога осий ва гуноҳкор бўладиган ишда маҳлукқа, яъни бирор кимсага итоат йўқ,** – деб огохлантирадилар. Демак, бундан



бошқа барча буйруқ ва кўрсатмаларини сидқидил билан адо этиш билан устозининг ризолигини топади.

Зеро, илм Аллоҳнинг мулки ва улут нэъмати бўлиб, ўзи саралаб олган бандаларига инъом қиласди. Шундай экан, Жаноб Пайғамбаримиз Муҳаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак ҳадислари маъносига кўра, толибга уч турли кишиларнинг дуолари билан илм ҳосил бўлади: устози, ота-онаси ва ўзининг кечалари шикасталик билан қилган ибодатлари, дуолари натижасида унга илм ҳосил бўлади.

Китоб ўқиш, дарс тайёрлаш, сабоқ олиш, муколама қилиш кабилар билан ҳам, илм ҳосил қилиш мумкин, лекин у ёдда қолмайдиган, ёки зарур вақтда фойда бермайдиган илм бўлади.

Огоҳ бўл! Устознинг розилиги, дуоси сенга сув ва ҳаводек зарур, шунингдек, келажагингда асосий саодат пойдеворидир.

Устозни ҳурматини ўзида касб этган амаллардан яна бири устознинг фарзандларини, яқин бўлганларни ҳурмат қилиш, одоб сақлаш ҳисобланади. Шайхул ислом «Ҳидоя» китобининг соҳиблари, устоз Бурҳониддин Марғиноний ҳазратлари ҳикоя қиласдилар:

– Бухорои шарифнинг катта алломаи киромларидан бири дарс ҳалқасида эдилар. Дарс асносида гоҳо ўринларидан туриб қўярдилар. Зийрак толиблари бунинг сабабини сўрадилар. У зот камоли эҳтиром билан:

– Мехрибон устозимнинг фарзандлари кўчада болалар билан ўйнаб юрибдилар. Гоҳ ўйнаб эшик олдига келсалар, дарҳол устозимни ҳурматлари учун ўрнимдан туряпман, – деб жавоб бердилар.

Яна ҳикоя қиласдиларки, Имом Бухорий ҳазратлари (раҳимаҳуллоҳ) бир муддат Маккаи Мукаррамада дарс



ўтаганлар. Бир зиёратчи Бухорои шарифдаги устозларидан салом ва мактуб олиб келадилар. Шунда, устозларининг юртидан келганларини билиб, қучоқ очиб кўришиб, ҳурмат изҳор қилганлар. Сўнг, салом хабарини эшитганларида, Бухорои шариф томонига юзланиб, саломга алик олиб ҳурмат бажо келтирсанлар. Кейин мактубни икки қўллаб олиб, табаррук қилиб, эҳтиром билан хатни ўқиганлари айтилади.

Қаранг, қандай ибратли воқеа бўлган экан, устоз ҳазратлари узокда, ғойиб бўлсаларда, ҳузурларида тургандек ҳурмат бажо келтирдилар. Балки утуғ алломаи замонларнинг ўз даврида етишган баланд илмий дарожаларининг омиллардан бири шу бўлган бўлса, ажаб эмас.

Ҳозирги толиби илмларимиз ҳам шундай омиллардан баҳра олиб, яна диёrimиз шуҳратини илму тараққиёт соҳасида кўкларга сарафroz этадиган уламои замонлар бўлиб етишсалар эди, Жанобимиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг:

«Дунёга таълим берувчилар бу томондан чиқади», – деган башоратлари яна исботини топган бўлур эди.

Ҳазрат қози Имом Фахриддин ал-Арсобандий Марв вилоятида барча имомларнинг раиси эдилар. Марвнинг сultonи бу зотни фоятда ҳурматлар эдилар ва:

– Фақатгина устозимнинг дуолари шарофати билан бу мансабга эришдим. Ҳурматларини ўринлатишга ҳаракат қилдим. Ҳазрат устозим қози Имом Абу Язид ад-Даббусий (раҳимаҳуллоҳ)нинг хизматларида қуш мисоли учар эдим. Кийимларини ювиб, пойабзаллари ни тозалаб, таомларини ҳозирлар, устозим овқатланиб бўлгунларича, ўзим тановул қилмас эдим, – деб ёд эта дилар.

Яна бир улуғ зот ушбу воқеани айтиб берганлар. Шайхул Ислом буюк имом, шамсул аимма ҳазрат Халвоний маълум бир сабаб туфайли, Бухорои шариф атрофидаги қишлоқларнинг бирида бир неча кун яшаганлар. Шогирдларидан Шайхул Ислом, Қози Абу Бакр аз-Заранжий ҳазратларидан бошқа барчалари келиб, устозларини зиёрат этдилар. Кунларнинг бирида устоз бу шогирдни учратиб қолиб:

– Нега мени зиёратимга келмадинг? – деб, маломат билан кўнгилларидағи муҳаббатнинг дарз кетганига ишора қилдилар.

– Мен муnis онажонимнинг хизматлари билан машғул бўлиб, зиёратингизга кела олмадим, – деб узр сўрадилар.

– Умрингизнинг узоқ бўлишига насиба олибсиз, аммо илмингиз равнақи, дарсингиз ривожини ризқлантира олмабсиз, бу насибадан бебахра қолибсиз, – деган эканлар. Худди мана шу сўзларнинг исботи юз бериб, бу зот кўп вақтларини қишлоқларни кезиш, шу ерларда яшаб, дарс бериш ва дарс олиш имкониятларидан маҳрум бўлган эканлар.

Қиссадан ҳисса, ким устозини норози қилса, унга озор берса, илм баракотларидан маҳрум бўлади ва илмдан фойда топмайди. Агар топса ҳам, йўқ ҳисобида фойдаланиши мумкин.

*Иzzatталаб бўлмас муаллим, табиб,
Шу ишдан элда бўлдилар ҳабиб.
Иzzatu ҳурматинг қайтар бўлиб саодат,
Андииасиз қадаминг ўзингга қабоҳат.
Огоҳ бўлки, муаллим ва табиб,
Ҳеч қилмаслар талаби иззам,
Қилмаслар буни панду насиҳат,*



*Қадринг билгил, эҳтиромлар кўрсатиб,
Устоздан ноил бўл икки олам саодатин,
Табибдан ол дардинг давосин.*

*Гар жоҳиллик ва кибр ила жафолар берсанг, эй, азизим
Бахтинг қаролигига ва дардинг аламига сабр косасин ол.*

– Эй, шогирд! Эй, bemor! Мени ҳурмат қил, одобахлоқингни тузат, – деб насиҳат қилмайдилар.

– Эй инсон, ахир ҳаётинг, дунё ишларинг, охиратинг, келажагинг менинг қўлимда, унга мен туфайли эришсан, ишларингни оқибатини ўйлаб қилгин, – деб ва шу каби кўрсатмаларни бермайдилар. Беодоблик қилиб, уларни ранжитдингми, қўполлигинг билан уларга азият етказдингми, ўз дардингта, касалингта сабр қил, оғриқла-рига чида! Ёки, ўзингни жоҳиллигингта қаноат қил!

Хикоя қилибдурларки, ҳазрат Ҳорун ар-Рашид ўғилларини имом Асмоъий (раҳимаҳуллоҳ) ҳузурларига илм ва одоб ўрганмоғи учун юбордилар. Бир куни устоз ҳазратларининг таҳорат олаётганларини кўриб қоладилар. Ўғиллари эса оёқларига сув қуяр эди. Шунда халифа ҳазратлари имом Асмоъийни итоб (уришиб) ва ма-ломат қилдилар.

– Мен сизнинг ҳузурингизга ўғлимни илм ва одоб ўргансин деб жўнатган эдим, шундай экан нима учун бир қўли билан сув қуйиб, бошқаси билан оёғингизни ювишни буюрмайсиз?! – дедилар.

Демак, устоз ҳурматига риоя қилмоқ, хизматларига қоим бўлмоқ, унинг қўнглида муҳаббат ва ризолигини топиш ҳар бир талабанинг ҳаётий вазифасига айланмоғи керак экан. Бу эса, илмидан ўзи ҳам, бошқалар ҳам манфаат топишига асосий омиллардан биридир. Толиб бу юксак бурчни ихлос ва самимият билан ёндош-гандагина, самарасидан баҳра олишга эришади.

Энди илмни эъзозлаш, уни улуғлаш ҳақида фикр юритсак. Илмнинг булоғи ҳисобланган устоз, муаллим ҳазратларини ва уларнинг мақомларида бўлган ҳар бир кишини ҳурмат қилиш ҳам илмнинг таъзими бўлади. Албатта, илм булоғи ва манбаи китобдир. Демак, китобга аҳамият бериш, уни озода ва қўркам тутиш, фахр билан кўтариб юриш, покиза ва баланд жойларга қўйиш нафақат унинг ҳурмати, балки илмни улуғлаш ҳисобланади.

Шунингдек, китобни аста вараклаш, имкон қадар бир очища керакли саҳифани очиш ва зарур бўлганда китобни вараклаш ҳам илмни улуғлаш жумласига киради.

Китобни вараклашда китоб варакларини ғижимлаб, буклаб, бармоғига туфлаб вараклаш ношоиста ишдир. Китоб ва дафтар устига жилд ва ғилоф тутиш мўътабар амалдир. Зоро, китобни улуғлаш илмни улуғлаш экан, талаба китобни ҳар вақт таҳорат билан ушламоғи керак бўлади. Бу ишга одатланиши ўзига фойдадир.

Шайхул Ислом, имом Халвоний ҳазратларидан ҳисоя қиласиларки, ул зот:

– Мен бу илмга фақат уни ҳурмат қилиб эришганиман! Коғозни доим таҳорат билан олар, бетаҳорат китобга яқин келмас эдим», – деганлар.

Шайхул Ислом, Шамсул аимма, имом Сарахсий ҳазратлари кунларнинг бирида қорин оғриғи касаллиги билан оғридилар. Ўша кечаси таҳоратларини такрор-такрор янгилаганлар. Хуллас, ўн етти бора таҳорат олган эканлар. Чунки бу зот илмларини фақат таҳоратда қайтарар эдилар. Зоро, илм нурдир, таҳорат эса поклик ва нурдир. Йкки нур бир-бирига қўшилиб, нурлар янада зиёда бўлади. Таҳоратнинг нури илм нурининг зиёсини қўпайтиради.

Риоя этилмоғи ниҳоят зарур бўлган амаллардан:



– узрсиз қиблага ва китобларга оёқ узатмаслик;
 – тафсирга оид китобларни барча китобларнинг устига қўйиш ва уларнинг устига бошқа китоб ва бирон нарса қўймаслик ҳисобланади.

Шайхул ислом, устоз Бурхониддин Марғиноний ҳазратлари ҳикоя қиласидилар:

– Бир факих, олим киши сиёҳдонини китоб устига қўяр эдилар. Шунда ул зотга форс тилида «Бар на ёбий, яъни ўсмайсан, камол топмайсан», – деган эканлар.

Мазкур масалада Фахри ислом, Қозихон номи билан машҳур, устоз Алийюл қори ҳазратлари шундай деганлар:

– Агар бу иш билан китобни хорлашни, менсимасликни ирода қилмаган бўлса, унда зарари йўқ. Лекин бу ишдан ҳам сақланмоқ яхшироқдир.

Илмнинг улуғланишига юз тутадиган амаллардан яна бири – ёзувини озода, кўркам ва ҳусни хат билан ёзиши саналади. Бундан мақсад, ёзган ёзувларидан келажакда ўзи ҳам, бошқалар ҳам ўқиб фойдаланишларини таъминлайди.

Шунингдек, майда ёзмаслик, қисқартмаслик, фақат ўзига маълум бўлган белги ва ишоралар қўлламаслиги ҳам илмни ҳурматлаш ҳисобланади. Ёзганда эса, баъзи ишора ва аниқликларни киритиш учун ва майда ёзувлар қилиш учун ҳошия қолдиради.

Имом Аъзам Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратлари майда ҳарф билан ёзаётган бир котиби кўриб, насиҳат қилган эканлар:

– Эй котиб! Майда хат билан ёзма! Ўзингтина биладиган қисқартмаларни киритма! Агар узоқ яшаб, ўз хатингни қўлингга олсанг, надомат чекасан! Агар вафот этсанг, сендан норози бўладилар, қарғайдилар.

Бу сўзнинг маъноси, агар улуғ ёшга етишни Аллоҳ, насиб этса, қарилик неъмати ўз ҳикмати билан қўзинг-

нинг нурини заифлаширади ва ўзинг билган қисқартмаларингни ҳам ёдингдан кўтаради. Шунда ёзганларингни ўқий олмай, ўзингни маломат ва мазаммат қиласан. Бу ишингга надомат чекасан. Вафотингдан кейин, хатингни ўқий олмаган кишилар сени сўқадилар ва мазаммат қиладилар.

Шайхул ислом, Мажидиддин, имом Сарахсий (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратлари:

– Нимани майда ва қисқартириб ёзган бўлсак, кела жақда унга надомат ва ҳасрат чекдик. Нимани ўзимизга танлаб олган бўлсак, унга ҳам ҳасрат ва надомат чекдик. Ниманинг қадрига етмаган бўлсак, шунингдек, нимани яхши-ёмонлигини фикрламаган бўлсак, шуларга ҳам кўп надомат чекдик, – деган эканлар.

Демак, илм толиби ўз ҳусни хати устида ишламоғи, хатига ҳамма вақт бошқалар ҳам тушуна оладиган бўлишига эришиши керак. Ниҳоят ёзишда турли қисқартмалардан сақланмоғи, илм ва аҳли илмни ҳурматлаши ва улутглаши ҳисобланади.

Китобнинг кесими тўртбурчак бўлмоғи керак, чунки тўртбурчак кесим ҳазрат Имом Аъзам Абу Ханифа (раҳимаҳуллоҳ)нинг кесимлариdir. Тўртбурчак кесимили китоб кўтаришга, қўйишга, мутолаа қилишга енгил ва қулайдир.

Илм толиб шерикларини ва бошқа талабаларни ҳам ҳурмат қилмоғи, уларга раҳм-шафқат, иззат-икром ва ёрдамини кўрсатиши қерак бўлади. Зоро, мазкур ишлар ҳам аслида илмни ва илм аҳлини ҳурматлашга киради.

Шерикларининг қатъийликлари билан қилинган дарс ва муколамаларнинг самараси ўлароқ, илм писишиди, уни пухтә эгаллайди.

Китобни бекордан-бекорга вараклаш мазмум (ёмон кўрилган) ва макруҳ амалдир. Аммо китобини устозига



ёки шерикларига очиб бермоғи, фойдаланиш учун бўлса керак ва лозим бўлади.

Талаба олаётган илмини ва ҳикматларини чуқур эҳтиром билан эшитмоғи лозим. Агар бир масалани минг маротаба эшитишга тўғри келса, ҳар вақт бутун вужудини қулоқ қилиб, жони билан эшитмоғи керак бўлади. Бу ҳақда донишмандлар нақл қиласидилар:

– Агар толиб бир масалани минг марта эшитганда ҳам уни биринчи эшитгандек, таъзим билан эшитмаса, у аҳли илм бўла олмайди.

Чунки илм такрор билан пишиқ ва пухта бўлади. Араб мақолларида: «Ҳамма нарса сарфлаш билан завол топади, фақат илм қанча сарфланса шунча зиёда бўлади», – дейилади.

Толиби илмни бирор илм турини ўзи ихтиёр қилмоғи дуруст эмас. Масалан, устоз ҳузурларига келиб: «Менга мана бу китобдан таълим беринг», – дейиши тўғри эмас. Балки, қайси илмни таълим олишини устознинг ўзларига топширмоғи энг афзал йўл бўлади. Чунки устоз бу соҳада анча тажрибали бўлиб, талабага қандай илм, қандай китобни ўқиш лойиқлигини яхши билади. Шунинг учун ҳам толибнинг мақсадлари рӯёбга чиқишида фойдаси аникроқ таълимни амалга ошира билади.

Шайхул ислом, ҳақ таолонинг ва диннинг ҳужжати, устоз Бурҳониддин Марғиноний ҳазратлари (раҳи-маҳуллоҳ):

– Аввалги замон толиби илмлари мазкур ишларни устозга топширар эдилар. Шул сабаб ўз мақсаду муродларига эришар, устозларининг илму урфонларидан ўзлари ҳам, ўзгалар ҳам баҳраманд бўлар эдилар. Ҳозир эса, талабалар қайси илмни ўқишини ўзлари ихтиёр қиласидилар. Ҳудди танлаган илму китоблари уларга кўпроқ фойда ва наф беришини ўзлари яхшироқ биладиган-

дек, бу соҳани ўргатинг, деб илм навини танлайдилар. Шунинг учун ҳам илм ва фикҳ соҳасидаги мақсадлари ҳосил бўлмайди. Илмлари фойда берувчи, манфаатли бўлмайди.

Ҳикоя қилишларича, барча муҳаддис олимлар пешвоси, буюк ватандошимиз имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ҳазратлари машҳур фикҳ олими имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасан ҳазратларида фикҳ илмидан таълим олганлар. Намоз аҳкомлари баён қилинган китобга келганларида, устозлари:

– Сиз ҳадис илмини ўқинг, ҳадисга оид илмларни ўрганинг! – деган эканлар.

Тажрибали, шогирднинг келажагига ёрқин назар сола оладиган устоз сифатида унинг табиатига мос ва иқтидорига лойик келадиган илм ҳосил қилишни тавсия қилдилар. Ҳазрат Имом Бухорий (раҳимаҳуллоҳ) шундан сўнг ҳадис илмини талаб қилдилар ва келажакда ҳадис илми олимларининг пешвоси ва амири дараҷасига етдилар.

Дарс олиш, сабоқ вақтида шогирднинг устозига жуда яқин ўтириши яхши эмас. Балки, устоз ва шогирд ўртасидаги масофа бир камоннинг узунлиги микдори-ча бўлиши керак. Бу улуғлашга лойикроқдир.

Барча аҳлоқи замималардан, ёмон хулқу ҳаракатлардан толиби илм сақланмоғи керак. Безбетлик, бад-феълик, фаросатсизлик, дангасалик, кибр, манманлик, қўпол муомала, нопоклик ва бошқа барча ношоисталиклар, киши кўнглида нафрат, ёмон таассурот қолдирадиган хислатлардир. Чунки бундай кишиларда фаришта, юзида нури бўлмайди. Ваҳоланки, жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳазратлари:

– Аллоҳнинг раҳмат фаришталари сурат ва ити бор хонадонга кирмаслар, – деб огоҳлантирадилар.

Ит ва сурат туфайли уйга фаришта кирмаса, ахлоқсиз кишиларни маънавий қашшоқ, ички дунёси тубанлашган, ўзлигини билмаган итларга ўхшатишлари бежиз эмас экан.

Айтишларича, илм ҳам, касбу ҳунар ҳам толибига фариштанинг воситасида ҳосил бўлар экан. Бу нуроний зотлар эса, инсон ҳар жиҳатдан – моддий ва маънавий покиза бўлсагина, унга қўнадилар. Инсоннинг муродига етказишда ўз файзу футухлари билан ривож берадилар.

Ахлоқи замималарни ахлоқ-одобга оид китобларидан билиб олиш мумкин. Улардан сўз очсак, китобимиз чўзилиб кетади. Аммо, кибрุ ҳавога, манманлик, гердайишу кеккайиш тўғрисида тўхталамиз.

Маълум бўлсинки, кибр билан илм зинҳор ҳосил бўлмайди. Донишмандлар бу ҳикматни шундай баён қилганлар:

– Илм олийликка интилувчи учун гўё жанг қуролидир. Жанггоҳда эса, қуролни моҳирона ишлата олмасанг, ҳалок бўласан. Яъни мақсадинг ҳам ҳосил бўлмайди.

Сел баланд жойларни хароб қилиб, текислаб юборганига ўхшайди. Илм ҳам инсондаги кибрни сел баландликни бўйсундириб, текислаб юборгани каби йўқотиб юбориши керак.

Ҳар шону шараф, шавкатга жидду жаҳд, меҳнат билан эришилади. Унга ота-боболарнинг хизмати билан ҳеч қачон эришиб бўлмайди. Шон-шарафга, улуғликка жиддийлик-ла эътибор бермаса баҳт бўлурми?! Қанча баҳт-саодат топган қуллар борки, улар ҳур инсонлар даражасида, яна қанча баҳтини топмаган, омади чопмаган озод кишилар борки, ўзларини қулдек тутадилар ва улар қулнинг даражасидадирлар.

Талаба илму хунарга ноил бўлишида турли кишиларнинг муносабатини аҳамияти бор. Аввало ота, сўнг онанинг ризолиги, дуолари ва албатта, фарзандини қўллаб, қизиқтириб боришлари билан, учинчидан устознинг меҳру муҳаббати, самимий таълими ва ўзининг шогирддан ҳам, берган билимидан ҳам рози бўлишида келажак учун зарур асос бор. Қолаверса, шогирд ҳаққига қилган хайрли дуоси шарофати билан мақсад-муродлари ҳосил бўлади. Тўртинчи, толибнинг ўзидан бўладиган жидду жаҳд, астойдил ҳаракати, юксак савиядаги одоби билан ният қилган манзилига бардам қадам ташлайди.

Ҳаёт тажрибалари кўрсатадики, ҳар бир илму хунар изловчи мана шу фойдали кўрсатмаларга амал қилиб, орзу ва умидларига етиши шубҳага қолмайди. Шунинг учун уларни ўз аҳамияти, мақоми бор ва буларга жиддийлик изҳор қилиш қиймати беназирдир. Кейинги фаслда бу ҳақда кенгроқ сўз юритамиз, иншааллоҳ!



5-ФАСЛ

ЖИДДУ ЖАҲД ЭТИШ, ТАЪЛИМУ РИЁЗАТГА БАРДАВОМ БЎЛМОҚ ВА ҲИММАТУ ҒАЙРАТ ҲАҚИДА

Бир мاشаққатга икки енгиллик бераман, – деган маънода Куръони каримда Аллоҳнинг ваъдаси бор.

Шубҳасиз, талаба илмга жиддийлик билан ёндошиши ва таълим олиш ҳамда риёзатга берилиши, унда бардавом бўлиши, ҳиммат-ғайратлик, чаққон ва ҳаракатчан бўлиши керак. Ушбу сифатларни эгаллаш кераклигига мана бу ояти карима ишора қиласи:

– «Бизнинг кўрсатмаларни амалга оширишда биз учун (Аллоҳ розилиги йўлида) жидду жаҳд қилганларни, самимий ҳаракат қилганларни ҳақ йўлларимизга ҳидоят қилиб қўямиз». Яъни, Аллоҳ бу оятида Ўзининг розилигини ният қилган ҳолда саъй-ҳаракат қилганларни мақсадларига эришираман, – деб ваъда қилди.

Фақат шайтон ноумид, инсон эса саъй-ҳаракатларининг натижасига албатта эришади. Машойихларимиз бу ҳақда шундай деганлар:

– Ким бирон нарсани талаб қилса, унга эришиш йўл-йўриқларини изласа ва бу ишида жиддий киришса, талаб қилган ниятига эришади. Ким эшикни тақиллатса ва қатъиятлик кўрсатса, шу эшикдан киради. Яъни, охиро жавоб олади. Чунки ҳар ишга жиддий киришилса, унинг самарасига эришилади.

Яна дебдиларки, орзу-умидларга чеккан машаққатларнинг миқдорича етасан. Доно халқимизнинг:

«Жон куйдирмасанг, жонона қайда,
Тоқقا чиқмасанг, дўлона қайда?!»

– деган пурҳикмат сўзлари ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлайди. Инсон орзулари сари интилмоғи, йўлидаги тўғаноқ, азият ва қийинчилекларни енгиш учун енг шимариб, саъй-ҳаракатта киришмоғи керак бўлар экан.

Баъзи манбаларда, ҳар қандай мақсад сари қадам босишда ва комил сифат эгаси бўлиб етишишда уч тоифа кишиларни саъю ҳаракати, сабру матонати ва қизиқиши, интилиши зарур бўлади, – дейилган. Биринчиси мутааллим – ўрганувчи, яъни шогирдга ва иккинчи устозга ҳамда учинчиси ота-онасига боғлиқдир. Модомики, улар ҳаёт бўлсалар, ҳаммаларининг эҳтимомлари билан киши ўзининг мақсадларига эришиши мумкин. Зеро, илму-хунар ўрганмоққа завқ, интилиш борлиги, муносиб устозни топа билиши, ота-онанинг ҳаёт бўлишлари Аллоҳнинг баңдага берган жуда улуғ неъматлариданdir.

Шайхул Ислом, буюк имом, устоз Садидуддин Шерозий аш-Шофийй ҳазратлари:

Қимиrlаган қир ошар, дерлар
Ҳам тинмаган тинар, дерлар.
Мушкилотни жиддийлик кеткизар,
Ҳар узокларни узоғин кеткизар.
Ҳақ, – дедилар: интилганга толеъ ёр,
Ҳар маконда очиқ эшик бор.

Жиддийлик, қатъийятлик ҳар қандай ва ҳар бир узоқ, мушкул ишни амалга оширади, уни яқинлаштиради, ёпиқ эшикларни очади.

Дарвоҷе, ҳаёти торлик, қийинчилеклар билан синалаётган киши, Аллоҳ таолонинг баңдалари ичida ҳиммат



ва ҳайрат соҳиби бўлишга ҳақлироқдир. Ақлли, олиму фозил инсонлар ночор, камбағал бўлиб, камтарона ҳаётлари ва шу билан нодон кишиларнинг майшатларининг бекаму кўстлиги, Аллоҳ таолонинг ҳикмат билан хоҳланган ишини бажаришига далил ҳисобланади. Ким илму фаҳм неъмати билан ризқланган бўлса, баҳоси йўқ неъмат эгаси бўлибди. Ҳикмати илоҳийга кўра, бундай бебаҳо неъмат соҳиби кўпинча, моддий бойлик, мол-дунё кенгчиликларидан маҳрум бўлади. Демак, ақл билан нодонлик, бойлик билан камбағаллик ҳеч жамланмайдилар. Бири бошқасини албатта сурив чиқаради. Шеър:

*Меҳнат ила машаққат жонга ҳузур,
Адною олий мақсадларга еткузур.
Меҳнат қилмай мақсадга интилмоқ,
Йўл аввалида орқада кўп қолмоқ.
Умидсизлик даشتida ўзин топар
Ҳар ўткинчи им ҳам уни қопар.*

Бемашаққат, меҳнат қилмай, қийинчилик қўрмай чуқур билим эгаси, мунозара ўтказа оладиган етук олим бўлишни истайсанми?! Билгилки, жинниликтин турлари ҳам жуда кўп. Яъни, бундай йўл билан илм талаб қилиш ақлсизлик ва жинниликтан далолатдир. Ҳатто дунё матосига эга бўлиш учун ҳам қанча қийинчиликни, ғам-ташвишларни бошдан ўтказиш керак. Илм қийматсиз бойлик бўлса, қандай bemashaqkat bular ekans?! Зоро, машойхларимиз:

*Бемашаққат топилса ҳар нимарса,
Анинг қадрин билмас ҳеч кимарса,*

– деб, мол-дунё ва айниқса, илмнинг қадрига етмоқ учун, албатта машаққатини, қийинчилигини бошдан ўт-

казиши зарурлигини билдирияптилар. Акс ҳолда, ношукрлик либосига ўраниб, хорлик күчаларида изғиб юради.

Абу Тоййибнинг шеъри:

*Мункар ишдан қайтар, деб иймон айтади,
Ўз ишингдан нари кетма, деб шайтон айтади.
Билгил, бу ишлар мисли олов,
Бепоён тор йўл, юрарсан vale яёв.
Иғвогар, чақимчи ва аҳли ғийбат
Дигар йўл тополмай, қолур абад.
Шаштидан бур, иккиланмай, било шак,
Қайтармасанг йўлу гуноҳга сен шерик.*

Ғийбатчи, чақимчи, иғвогар кишини босиб қўйишга, унинг бузук, фосиқона ҳаракатлардан қайтариб қўйишга қодир бўла туриб бепарво, ҳамиятсизлик или қарашларидек кишининг ўзидағи айни кўрмадим.

Шоир байтлари билан инсоннинг улуғ айби ўз камчилигини кўрмаслигидир, – дейдилар. Киши доим ўзига огоҳ бўлиб, ғийбат, чақимчилик каби ёмон иллатлардан сакланиши керак. Бу уни гўзал ахлоқ сохиби ва илм эгаси бўлишига эриштиради.

Кечаларини бедор ўтказиш – толибининг мақсадларини рӯёбга чиқаришда ўз аҳамиятига молик бир омилдир. Шеър:

*Қанча машаққат тортсанг
Шунчалик мартаба топарсан.
Бир бирига чамбарчас боғлиқ,
Бепарвонинг тонгла юзи доғлиқ.
Кечалари бедорликни одат қил,
Хулус ният ила тоат-ибодат қил.
Кечаларда такрор қил илмингни,
Кунлари ошир кишига ҳилмингни.*



*Зеҳн қайроти тиловатдир ҳам муколама
Вақтни берма бой, эртага ох-войлама.
Эй, ғофил! Бу орзуларинг кўп дуруст,
Лек қай холингга уйқуни айладинг дўст.
Кўп уйқуни зўр душман бил,
Ухламай кечалар бағрин тил.
Дурру гавҳар кони денгиз эрур,
Ғаввос унга етишиша тенгсиз эрур.
Унинг амалидан сен ҳам ўрнак ол,
Ҳумо қушинг маконига қадам сол.*

Шубҳасиз, олий мартабаларга қилган меҳнатинг миқдорига қараб эгаллайсан. Бас, ким олийликни талаб қилса, кечаларни бедор ўтказсин. Бедорлиги илм ўқиши, такрор билан, ибодатлар билан, тиловату муколама қилиш билан бўлсин.

Эй ғофил! Эй, ҳаёлпарат! Иzzату обрўлик бўлишни орзу қилиб, кечаси уйқуга кетасанми? Огоҳ бўлким, дурру гавҳар излаган денгизга шўнғийди, ғаввослик қилади. Яъни, кеча-кундуз меҳнат ва риёзатни ўзига ёр қилмоқ керак.

Кишининг шухрати, мартаба топиши қобилияти, олий ҳимматлиги, ғайрати билан бўлади. Ваҳоланки, киши Аллоҳ ҳузурида ҳақиқий ҳурматта кечаларни бедор ўтказиш билан эришади.

Ким мاشаққат чекмасдан олий мартабани талаб қилган бўлса ҳаётини, амри муҳол иш талабида бекорга ўтказибди. Парвардигоро! Илм, касбу ҳунар олмоғимга ўзинг тавфиқ бер! Олий мартабаларнинг улуғ нуқтасига мени етказ!

Донишмандлардан нақл қиласидилар:

– Муродингни ҳосил қилиш учун, кечаларни ўзингга тую карвони қилиб ол! Шеър:

*Амалга оишинг десанг барча умидлар
Мақсад сари етакловчи карвонга мин,
Гүё оқшомлар карвондирлар,
Уларни минмоқ оқшомни бедор кутмоқ.*

Ким барча орзуларини бирданига рўёбга чиқишини хоҳласа, уларга эришиш йўлида кечаларини манзилига етказадиган тия карвони қилсин!

Кечаси бедор бўлиш ва ухлаб қолмаслик учун таомингни камайтиргин. Эй азизим! Агар камолот истасанг, бедорликдан қолмагин!

Ким кечаларни ўқиган ва билганларини такори билан ўтказса, тонгла кундузлари қалби шодликка тўлади. Чунки келажакда бу ишлари фойда келтириб, кечаларини бекор ўтказмагани учун афсусланмайди. Демак, Аллоҳ неъматлари ичида кечанинг ўз ўрни бўлиб, талаба уни ғанимат билмоғи жуда зарур. Зеро, кечалари қилинган дуо ва риёзатларнинг аҳамияти бениҳоядир. Улуғларимиз бу ҳақда ўз манзумаларида қимматлик кўрсатмалар берганлар:

*Егил кам кеча турмоқдин есанг ғам,
Бўлур иш кам агар кўп тўйса ишкам!
Эгам аҳд этса «Фатлубни тажидни»¹
Кўюрми бандалар бу жаҳду жидни.*

– дея Сўфий Аллоҳёр (раҳимаҳулоҳ) ҳазратлари таомни озайтириб, қатъий ҳаракатни кўпайтиришни таъкидлаяптилар. Ҳазрат Бобораҳим Машраб (раҳимаҳулоҳ) ҳам жиддийликни ҳамма ҳолатларда мўътабар эканини айтадилар:

*Чин ошиқ эрсанг, берма кўнгил нафси ҳавога,
Кўп ётма саҳар, уйғона кўр зикри Худога,*

¹ “Мени талаб қил, мени топасан”.



*Гоғил юрма, бўлма гирифтори балога,
Машраб ўзингни солма неча жавру жафога.
Тўғри юрусанг эл сўзидан санга на ғамдир?!*

Илм талаб қилишга тарғиб қилинган ҳадиси шарифларда айтилишича, илмнинг ҳар сонияси ибодат, ҳар сонияси истиғфор бўлиб, фазилати улуғ неъматлар эшикларини кенг очилишига боисдир. Ибодат, тавбаю истиғфорнинг султони сахар вақтида эканига Куръони карим оятлари далолат қиласди. Чунончи, Аллоҳ солиҳ бандаларининг феълларини, уларнинг хулқларини баён этиб:

Тонгу сахарларда тавба ва истиғфор айтгувчи ҳамда ибодатлар билан Парвардигорларига ёлворадиган банданинг камчилик ва гуноҳларини авфу иноятимизга олиб, мағфират дарёсида ғарқ этиб, уларни баҳт-саодатта ноил қилурмиз! – дейди. Шеър:

*Кечаси уйқуни юз тутқазсанг барбодга,
Келажакда албатта етарсан муродга!*

Толиби илм кечанинг аввалида ҳамда охирида дарсларини такрор қилишга одатланмоғи керак. Ушбу икки вақт – шом ва хуфтон ҳамда сахар вақтлари баракотлик, файзлидир.

Ҳаким зотлардан бири дейдилар:

Эй, толиби илм! Парҳезкор ва тақволик бўл, яъни ишларингни тақво ва парҳез риштаси ила боғлаб бошқаргин. Кўп ухлашдан узоклаш, чунки кўп уйқу кони зиёндир. Таомни тўйиб-тўйиб ейишдан сақлан! Қорин тўқ бўлса, киши ишёқмас, дангаса ва бошқа салбий сифатлар соҳиби бўлиб қолади. Юқоридаги мазкур бир байтда:

Бўлур иш кам агар, кўп тўйса ишкам, – деб кейинги келтирилаётган «ишкам»дан мурод «қорин» бўлиб, байтнинг маъноси: «Агар киши қорини тўйдириб юборса,

ўзи учун фойдали ишларни кам қилади ёки ҳеч қила олмайди», – демакдир.

Дарс ўқимоққа ва уни тақрорлашга бардавом бўл ва зинҳор бу ишларингдан ажралма, ташлаб қўйма! Чунки илм дарс ўқиши ва тақрор билан қоим бўлади, ривож тоғади. Умрининг «ёшлик» деган бекатидаги ҳар бир кунларини талаба ғанимат билмоғи керак, келажаги учун мустаҳкам замин тайёрламоғи керак. Ёшликка хос бўлган беғубор тонгни, уни қизиқувчанлигини-ю, қизиқувчанлигини ҳам ғанимат билмоғи зарур.

*Белингни қуввати борда олиб бел,
Кўнгил боғин суғор кетмай туриб сел!*

Бу байтдаги «сел»дан мурод бирон нарсанинг етилган вақти, айнан ишлов берадиган даври, инсоннинг куч-қувватга тўлган, фаҳму фаросати, ақл-идроқи камол топган вақти демакдир. Байтнинг маъносини:

Эй инсон! Жисминг саломат, белинг қувватлик, қайси бир ишни қилмоқни хоҳласанг унга қўлинг етадиган, ўзинг бажара оладиган вақтингда, ҳар нарсани идрок этадиган кунларингни ғанимат бил! Қўлингга ҳиммат ва ғайрат белини олиб, кўнгил боғингни обод қил! Бу ишнинг охири роҳат келтиради. Мехнатингга қараб мақсадларинг ҳосил бўлади.

Ким олий фазилат соҳиби бўлишни хоҳласа кечаларни қоим қилмоғи керак бўлади. Илм ўқиши, тақрор билан, дуо-ю истиғфорлар билан кечаларни бедор ўтказади. Ёшлик – беғуборлик онларингни шундай ғанимат бил!

Зоро, ёшлик давринг узоқ давом этмайди, кўз очиб юмгунча катта бўлиб, бошингга турли хизмат, ғамташвиш ва рўзғор каби дунё юмушлари тушиб, умринг қандай ўтиб қолганини сезмай қоласан.



Араб ҳикматларида: «Ёшлиқда ўрганилган илм, гёу тошга ўйилган нақш кабидир», – дейилган. Бу ҳам ёшлиқни бир улуг неъмат эканини таъкидләяпти.

Ёшлигингда тоат қылсанг, қаригунча кўникасан.

Қариликда тоат қылсанг, кўниккунча кўмиласан, – дейиши билан нафақат ибодат, балки бошқа хайрлик ишларга ўрганиб боришнинг фазилати баён қилинмоқда.

Толиби илм тоқати келмайдиган даражада ўзини қийнаши, мاشаққатга солиши дуруст эмас. Чунки соғлифи кетади, иродаси ва интилиши сустлашиб қолади. Балки жидду жаҳдини аста, оз-оздан юмшоқлик билан, тоқатига мос истеъфода қилиши керак бўлади. Буни «рифқ» дейилади. Рифқ ҳамма нарсанинг асоси саналади. Жафокаш халқимиз ҳам «Мусулмончилик аста-аста», – деганларида мазкур рифқни назарда тутадилар. Бу тўғрида жаноб Пайғамбаримизнинг муборак ҳадислари бор:

– Огоҳ бўлингларким, бу дин жуда мустаҳкам диндир. Шунинг учун юмшоқлик билан, аста-секин муносабат ва муомала ўрнатинглар!

Яъни, динга юмшоқлик ва кенглик билан киришинглар. Ўз жонингизга ибодатларни мешаққатлик қилманглар! Динда мўътадил ўрин топингларки, агар тоатта чакирилсангиз ғазаб келмасин.

Зоро, барча нарсанинг ўз ўрни, услуби ва моҳияти бор. Шу ўрни, услуби ва моҳиятидан ажратиб, бошқа мақсадда ишлатиш жоиз эмас.

Яна жанобимиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) марҳамат қилдилар:

– Билки, бу нафс ва жасад ўзингни маркабингдир, яъни узоқ ва яқин манзилларга элтувчи аравандир. Шундай экан, унга юмшоқлик билан, мулоҳимлик билан, қуввати ва имкониятлари доирасидаги муомалада бўл!

Мазкур ҳикматли маъноларни халқ мақоли ҳам чи-ройли ифодалаган: «Аз зури беҳуда миёна мешиканад». Яъни, кучи етмайдиган, ақлу идроки ҳазм қилмайдиган ишга зўр бериб чиранишлик белни синдиради, кишини майиб-мажруҳ қиласди.

Олийхимматли, серғайрат, иродали, қатъий хулқ соҳиби бўлмоқ илм талаб қилишда зарур бўлган инсоний фазилат ҳисобланади. Киши ўз ҳиммату ғайрат қаноти остида қушдек учади. Яъни, озод қуш ўз маконига тўсиқсиз етиб олганига ўхшаш, инсон ҳам ўз ғайрат-шижоати билан ўйлаган орзу-умидига эришади.

Шоир Абу Тойийиб фикрларини шундай ифодалаб-дилар:

*Ҳаёт ишлари мисоли бир тарозу,
Ният қарорича бўлур умиду орзу.
Мумтоз бўлсанг муруввату саховатда,
Эгам устун қиласар иззату кароматда.
Донолик улуғ неъмат, ет қадрига ҳар соат,
Ношукрлик чақиругар шаноату маломат.
Кутлик бил ёшлардаги беғубор ёшликтини
Шу билан ёши улуғлар улуғлигин бил буюк.
Ёшларда бор қобилият, қуввату зўр интилиш
Бошқасида чуқур тажрибаю огоҳлик.*

Инсонга орзулари азму қарори, қатъиятлигига қараб берилади. Аллоҳ таоло инсоннинг саховат ва мурувватига қараб фазилат, иззат-икром ва бошқа яхшиликларни беради. Сен ёшлардаги ёшликтини улуғ бил ва катталарнинг улуғлигини ёшлар олдида арзимас бил! Ёшлиқдаги имконият, зехн, куч-қувват ва сиҳат-саломатлик бебаҳо бойлик сифатида инсонга улуғлигини намоён қиласди.

Ҳар қандай мақсадга эришиш учун инсонга жидду жаҳд қилиш, ҳимматли ва серғайрат бўлмиш асосий омилдир. Агар бирон киши Имом Муҳаммад ибн ал-Ҳасаннинг китобларини ҳаммасини ёд олишни ирода қилиб, бунга киришса, яъни ҳиммат ва ғайрат қўрсатиши керак. Ҳиммат, ғайратига мувозабат – бардавом ва изчил шуғулланишни ҳам қўшсин. Мана шунда мақсадига эришади. Аммо бу хислатларни жамламасдан ҳаракат қилса, мақсадларига деярли эришмайди ёки орзулари комил амалга ошмайди.

«Макоримул аҳлоқ» китобида шайхул ислом, устоз Ризоуддин ан-Нишопурӣ (раҳимаҳуллоҳ) ёд этурларки, ҳазрат Зулқарнайн бутун дунёни, мағрибу машриқ мулкини тасарруфига олишни ирода этганлар. Шунда атрофидаги олиму донишманделарга машварат қилган. Улардан:

– Бунчалик мулкка эга бўлиш учун қандай сафар қилсам экан? Дунё фоний ва бевафо, бокий эмас. Бунинг устига дунё ортидан кетиш, эгалик қилишга интилиш хорликнинг ўзи бўлса, шу нарсаларни билиб туриб, унга эга бўлишга интилиш олийҳимматлик ва аклдан Эмасдир. Қандай сафар тадориги менга муносиб бўлади? – деб сўраган. Донишманделар кенгаш ўтказиб, жавоб берибдилар:

– Сен икки дунё, яъни бу дунё ва ҳам охират мулки ҳосил бўладиган сафар қилгин. Мана шу ният ва ҳаракат сени фоний дунё мулкига эга қилиш билан бирга бокий охират мулкига, абадий саодатига эга қиласди.

Зулқарнайн:

– Бу яхши, бебаҳо маслаҳат бўлди, – деган экан.

Демак, жидду жаҳд ва ғайратимизга солоҳиятлик ниятни: охират, Аллоҳнинг розилигини қўшмоғимиз

керак бўлади. Жаноб Расулуллоҳ бу ҳақда шундай огоҳлантирадилар:

– Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло олий амалларни ва улут мақсадларни яхши кўради. Уларни амалга оширувчиларни ва рўёбга чиқаришга ҳаракат қилувчиларни дўст тутади. Сафсата, оғизда бажариладиган ишларни гапирилишини ёқтирмайди. Аҳмоқона ва бекорчи ишларни макруҳ кўур.

Донишманд аҳлидан бўлган киши бир одамга шундай маслаҳат берган экан:

– Ўз ишингни ижро этишга шошилма! Ҳовлиқма! Балки секин ва бардавомлик билан бажар! Кўлингдаги асога яхши бир назар солсанг, ундан бардавом бўлиш ҳақидаги ибратни илғайсан. Асадек Аллоҳга тасбеҳни тинмай айтадиган, ўз ишига давомли нарса йўқ экан. Яъни, сен ҳам ҳамиша ўз устингда ишла ҳамда орзулалинг рўёбга чиқадиган йўлларда сайъ-ҳаракатда бўлгин.

Ҳазрат Имом Аъзам Абу Ҳанифа шогирди Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратларига насиҳат қилганлар:

– Дангаса, ишёқмас, бир ландовур эдинг. Дарсларингта давомли бўлганинг, ўз устингда ҳамиша ишлаганинг сени дангасалик ва ландовурлик ботқоғидан чиқарди. Энди дангасалик, эринчоқлик ва ишёқмасликдан сақлангин! Чунки мазкур касалликларнинг барчаси илмнинг энг катта оғатидир.

Бу ҳақда яна шайхул ислом, имом Абу Наср ас-Сифорий ал-Анзорий (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратларидан шундай шеър бор:

Эй, нафсим! Айтай сенга насиҳат
Қабул айла било шак!
Эзгуликдан қолма бир нафас,
Халойиқ қилсин сенга ҳавас!



*Хайрли ишларга бел боғла,
Душманинг кўнглини доғла!
Халқ аро номинг қолса яхшиликда абад,
Ҳикмати Ризои Ҳақни соҳиби дир то абад.*

Эй нафс! Бирон сония ҳам адолат, яхшилик ҳосил қилишдан қолмағин! Зеро, хар бир эзгулик омили Аллоҳнинг раҳмати, ҳақнинг ва халқнинг ризоси билан ўралган бўлади. Аммо дангаса, боқимандалар офат ва гумон ичидаги бўлади.

Шеър:

*Эй, нафс! Гар бўлсанг дангаса ва ишёқмас,
Ҳам тақасалтанд ва заифу камҳаракат,
Қўй мени ўз ҳолимга, этгин мени тарк!
Магар эй, нафсим! Барча ишларда бўл собит!
Иродамни қил метину мустаҳкам!
Умидларим очилсин шул заҳот!*

Эй нафс! Барча ишларда собит ва мустаҳкам бўл!
Метин иродада тур!

Дангасанинг насибаси эса фақат надомат чекиш ҳамда эзгу умидларидан маҳрум бўлишдан бошқа нарса эмас.

Улуғ зотлардан нақл қилинишича, дангасалик инсонга ҳаёсизлик, ожизлик, айбу нуқсон келтиради. Қанча ҳасрат ва надомат ёғилади. Шунинг учун ҳам сен, гумонли нарсалар ҳақида баҳс юритишда дангасалик, эринишга йўл қўйма!

Тадқиқотлар кўрсатдиги, дангасалик, эринчоқлик каби иллатлар, асосан илм ва илм фазилати тўғрисида фикр юритмаслик ёки буларни йиғишириб қўйиш туфайли ҳосил бўлар экан. Демак, талаба илм ҳосил қилишда вазифаларига жиҳдий ёндошиши ва бардавомлик-



ни маҳкам ушламоғи ҳамда илмнинг файзу футухларини, баракотларини тафаккур қилиб бормоғи зарур экан.

Бунинг учун, албатта нафсини «қийнамоғи» керак. Зеро, илм мана шундай машаққат, қийинчиликлар билан ҳосил бўлгани учун ҳам боқий, у бебаҳодир. У ҳеч ким ўғирлаб ололмайдиган, ҳиёнат қила олмайдиган туганмас бойлиқдир. Мол-дунё эса қанча машаққат билан қўлга киритилса ҳам, у фоний, ишлатилган сайин камайиб бораверади.

Ҳазрат Али ибн Абу Толиб (карамаллоҳу важҳаҳул карим) айтадилар:

– Кудрат ва ҳикмат эгаси Аллоҳ таолонинг фойдамизга қилган тақсимига розимиз, шукр қиласиз, миннатдордирмиз! Ҳақ таоло бизга илмни, душманларимизга мол-дунёни тақсимлаб берди. Мол-дунё тез фурсатларда йўқ ва ном-нишонсиз бўлтур. Илм эса боқий қолади. Чунки илмни Аллоҳ таоло берса, уни ҳамишалик қилиб беради. Фойдалик илм туфайли инсонга хайрли ёднома, яхшиликда боқий ном қолади. Зеро, илм барча фазилатлари билан абадий бир ҳаётдир.

Имомлар раҳнамоси, улуғ шайхул ислом Захириддин, муфтий ва Марғиноний номи билан машҳур, ҳазрат Ҳасан ибн Али (розияллоҳу анхумо) бир байт айтганлар:

*Илм олимни ҳар оламда ҳаёт айлар,
Илмсизлик бу оламда-ёқ ўлик айлар.*

Жоҳилу нодонлар ўлмасларидан илгари ўлгандирлар. Улар тирикликларида ўлиқдирлар, Олимлар ҳаётдан ўтсалар ҳам ҳаётдирлар. Улар илм каромати ила барҳаёт бўлдилар.

Шайхул ислом, устоз Бурҳониддин Марғиноний (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратларидан бир байт:



*Ўлмай туриб мурдадир, жоҳилу нодон,
Чун илмни қалбга шифо деюрлар ҳамон.*

Шунинг учун ҳам, жасадлари қабрга кирмасдан илгари қоронғи қабрдир. Уларни ичлари зулматдир. Зеро, инсон илм билан тирилмаган экан, у маййит, тирик бўлса-да, мурдадир.

Илм соҳиби эса тирикдир, вафотидан сўнг ҳам ҳаётдир. Жасади тупроқ остида чириб кетса ҳам, илми билан бокийдир. Турли жоҳиллар ўзларини тириклардан санаб, ер юзида юрибдилар. Афсуски, улар илмсизлик билан мурда эканларини билмайдилар.

Устоз Бурхониддин Марғиноний шеъри:

*Билки, Отангга малоиклар,
Илми чун сажда қилдилар.
Илм неъматнинг олий мақоми,
Сажда бўлди бунга аломат.
Чун сажда амаллар маҳбуби
Илм энди унинг сардори.
Тангirim этса бандасин азиз,
Ҳар маконида ул азиз.
Илмнинг азизлигига шак йўқ,
Илсмиз ҳар ерида хўрликка тўқ.*

Илм – олий мартабаларни олийроғидир. Агар ўхшатиш жоиз бўлса, гўё олий мартаба жаноза кўтариб кетаётган жамоатдаги тобутнинг мартабаси кабидир. Тобутни авайлаб, елкалари узра кўтариб баланд тутадилар. Соҳиби илмнинг ҳурмати орта-орта, боқий қолур. Жоҳилу нодон эса туфроқлар орасида қолур.

Ҳайҳот! Илмнинг файзу фазилатини чегараси қандай ҳам бепоён экан! Ким илм билан ривожу тараққий

топса, мулку давлат ҳам унга келади. Тарих сахифаларида номи бокий қолади.

Мен шу улут мартабалар ҳосил бўладиган йўлларни бир-бир айтиб берай, қулоқ солинг! Менда бу улут манзиллар тадоригини қисқа ифодаси бор. Илм нур, соҳибини маънавий кўрликдан тўғри ва ҳақ йўлга ҳидоят қилур. Кўр кўзларини кўрадиган қиласди. Жохил умрини зулмату қоронғулик ичида ўтказади. Яъни, бефойда умри ҳаётини маънан зулмат ичида яширади.

Нур эса соҳибига паноҳ берадиган улут чўққи каби бўлиб, илтижо қилганни ўз химоясига олади. Мусибат ва ҳаёт сўқмоқларида унга қараб юрган, ўзини омон ва саломатликда сезади. Бу нур билан кишилар нажот то-парлар, аммо одамлар ундан ғафлатдадирлар. Бу нур Аллоҳ фазлини умид қилишга ҳақлик қиласди. Агар руҳинг, яъни жасадинг тупроқ остида қолса ҳам, бу нур фазлидан ноумид бўлишга йўл қўйма. Бу нур гуноҳкор кишиларга тўғри йўлни кўрсатиш билан шафоат қиласди. Шунингдек, бу нур Парвардигор итоатига қайта-риш, ибодатига мойил қилиш билан ҳам дунёда шафоат қиласди.

Бу қуёш нуридек равшандир, шунинг учун бу нур соҳиби рўзи маҳшарда шафоат қилишига шак йўқдир. Осийларни олим қуллар шафоат қилиши ҳақдир. Ҳатто олим қуллар энг қаттиқ азобга мустаҳик бўлганларни ҳам шафоат қилишга эришадилар.

Демак, ким бу нурни, яъни илмни эгаллашни қасд қилган экан, барча мақсадларни ният қилибди. Ким уни эгалласа ҳар бир истакларини қўлига киритибди.

Эй ақл соҳиби! Эй зийрак зот! Билсанг бу энг олий мансабдир! Агар сен унинг ҳақиқий соҳиби бўла олсанг, илм қалбингга кирган бўлса, дунёвий обрўю мансаблардан воз кечишинг осонроқ ўтади. Дунё учун ғам



емай, ташвишга ботмайсан. Ўз иззатинг билан жамоат орасида яхши мавқеъ эгаси бўласан. Зеро, ривоят қилишларича, аҳли илмларнинг ризқу насибалари доим оқиб туриши учун Аллоҳ таоло ўнта насиба эшиклари ни жорий қилган экан. Агар битта эшик ёпилса, дарҳол бошқаси, гоҳ бир нечаси баробар очилади.

Мабодо, қўлингдан мол-дунё кетса ҳасрат дастурхонини ёзма! Дунё неъматлари ёқимли бўлиб ўзига ром этса, ундан кўзингни юм! Зеро, илм Аллоҳ таолонинг бандаларига берган неъматларининг энг хайрлироғи ва афзалидир. Шеър:

*Ва фавқа кулли зи шлмин алим!²
Аҳли илм ҳурматин этди маълум.
Фикҳ илми илмлар узра ифтихор,
Соҳиблари ҳеч бўлмаслар хору зор.*

Ҳар қандай илм соҳиби иззат топмоққа лойикдир. Ҳар қанча фахрланишга муносибдир. Аммо фикҳ илми ва унинг соҳиби ифтихорга ҳамда иззат икромга кўпроқ лойикдир.

Ҳақиқатда фикҳ илми фазилати билан бошқаларидан кўра аълороқдир. Бу худди атторнинг растасида ранго-ранг хушбўй атирлар бўлса ҳам, мушку анбар олдида уялиб қолгани кабидир. Қанча қушлар ҳам лочин каби баланд учолмаганидек, фикҳ илми ҳам, лочин ёки мушк каби илмлар ичида ўз салмоғи ва мавқеига эгадир.

Зеро, фикҳ илми илмларни нафиси ва нозигидир. Сен уни ўрганувчи ва тўпловчиси бўлгин! Илм ўрганиш жараёнида инсон илм ифтихор ва ҳурмати тамойилла-

² “Ҳар бир илм соҳибидан кўра билимроқ ҳам бордир” (*Юсуф сураси, 76-оят*).

рини ҳам ўрганади. Шунинг учун сен, билмаганларингни ўрганишга ҳаракат қил!

Билгилки, илмнинг аввали ҳам, охири ҳам унга иқбол қилиш, унга юзланиш биландир.

Баъзи нусхаларда: «Ким илм олса, албатта, илм туфайли ҳосил бўладиган обрў-ҳурматдан маҳрум бўлмайди, – дейилган. Ақлли киши учун илм ва фикҳнинг лаззати талаби илмда доимо бўлишига тўлиқ кифоя қиласди.

Дангасалик ва боқимандалик гоҳо оғиз ва тамокда намни кўплигидан туғилади. Туфук ва балғамнинг меъёридан зиёдалиги киши ички дунёсига салбий таъсир қиласди. Буни камайтириш йўли таомни камроқ тановул қилиш билан бўлади. Бу билан оз бўлсада дангасалик шифоси ҳосил бўлади.

Улуғ донишманлардан ривоят қиласдилар, пайғамбарлар ёки буюк донишманлардан етмиштаси ёддан кўтарилиш, зеҳнни сустлиги фақат балғамнинг кўплигидан пайдо бўлади, – деб иттифоқ қилганлар.

Кўп балғам кўп сув ичишдан пайдо бўлади, сув ичишга талаб кўп таом ейишдан бўлади. Қотган нон ҳамда майизни ўз сўлаги билан ейиш балғамни кесади ва йўқ қиласди. Аммо майизни кўп ейиш ҳам тўғри эмас. Чунки сув ичишга эҳтиёж сездиради. Бу яна балғамни кўпайишига сабабдир.

Шунингдек, мисвок балғамни камайтирадиган омиллардан биридир. Мисвок балғамни камайтиради ва ёдда саклаш қобилиятини зиёдалаштиради. Нутқни фасоҳатлик, равон бўлишига ёрдам беради. Зеро, мисвок тутиш муборак суннати саниядир. Шунинг учун, ибодатнинг савобларини зиёда қиласди.

Балғам ва оғиздаги намнинг чораларидан бири қайт қилиб ташлаш ҳисобланади. Яна бир муолажа – таам-



Мул, яъни оз ейишнинг фойда ҳамда ҳикматлари ҳақида ўйлаш бўлади. Зеро, оз тановул қилиш саломатлик ва иффатдир. Покиза ҳам гўзал бўлишдир.

Кўп тановул ўзини ўз қўли билан касалликларга арз қилиш ва иззатидан айрилишдир. Ўз соғлигини, фойда ва иззатини афзал кўриш эса оз емоқда экани аниқ. Шеър:

*Ҳар иш меъёрида бўлса, хўб маҳбуб
Тановулнинг меъёри сенга дўсти хуб.
Овқат деб иззатингдан айрилма,
Мақоми жаннатингдан юз қайрилма.
Имон, эътиқод ва солиҳларга бўл оч,
Ўзгалардан шерни кўргандек қоч.
Таом деб ор-номусдан қолгунча,
Азиз ва беҳдир ўлганинг оч.*

Кишининг таом деб бадбахт бўлиши қандай оруномус, қандай шармандалик экан. Қорин ташвиши, очофатлик билан киши бу дунёда беобрў, охиратда эса бадбахт бўлиши қандай ҳам аянчлик, қандай ҳам ёмон экан.

Жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Уч тоифа бор, Аллоҳ таоло гуноҳи бўлмаса ҳам уларга ғазаб қилади, раҳматидан бенасиб қилади,
– деб марҳамат этадилар, – Кўп ейдиган, очофат, иккичи бахил, хасисни ва учинчи мутакаббирни Аллоҳ мурувватидан маҳрум этади.

Демак, бу тоифаларни гуноҳлари бўлмаса ҳам Аллоҳ азоблар экан. Чунки қорин тўқ бўлса, ибодатга ҳам, яхши амалларга ҳам киши дангаса бўлади. Бу таомнинг шукрини адо этмаслик бўлиб, ғазабни чақиради.

Кўп ейишликни зарарини ҳам ўйлаш зеҳнга ижобий таъсир қиласди. Турли касалликларни олдини олиш, жисмини зўриқтириш, тоқатидан ортиқ ишлатиб чарчатиш, шунингдек, бошқа зиёнларни ўйлаш ҳам зеҳнга фойда берувчи омиллардан ҳисобланади.

Донишманлар айтадилар:

– Қориннинг доим тўқ бўлиши, овқатга ўч, сертановул бўлиш зийракликни, зеҳнни ва мулоҳаза юритиш қобилиятини кетказади.

Улуг файласуф Жолинус шундай дейди:

Инсонга анорнинг ҳаммаси фойда, аммо балиқни ҳаммаси заарадир. Лекин, озгина балиқ кўп анордан яхшироқдир.

Билгилки, кўп таом ейиш мол-мулкни ўринсиз сарфлаш саналади. Тўқ қоринга яна эҳтиёжсиз ейиш айнан заарнинг ўзиdir. Бу иш кишини охират ҳовлисида уқубатга лойик қиласди. Ҳаётда ҳам бундай кишилар инсонлар кўнглида нафрат ва ғазаб уйғотади.

Кучли, ёғли, фойдали серқувват таомлардан истемол қилиш, маълум бир микдорни белгилаб олиш ва тановул вақтини таъйин қилиб қўйиш таом ейишни камайтирадиган омиллардан саналади. Тановул вақтида аввал иштаҳа очадиган, енгил ҳазм бўладиган таомлардан бошлиш керак.

Зинҳор очлар билан бирга овқатланмаслик керак, чўники шерикни тановули таъсирлик ҳисобланади.

Аммо рўза тутиш, оғир меҳнат, ибодатлар қилиш учун қўпроқ таом ейиши жоиз. Шунингдек, ўзиннинг қувватини мустаҳкамлаш, соғлигини тиклаш учун ҳам кўп таом ейиши дурустдир.



6-ФАСЛ

ДАРСНИ БОШЛАШ, МИҚДОРИ ВА ТАРТИБЛАРИ ҲАҚИДА

Устоз, шайхул ислом Бурҳониддин Марғиноний (раҳимаҳуллоҳ) сабоқ бошлашни ҳар вақт чоршанба кунига мувофиқ келтириар эдилар. Бу түғрида жаноб Расуллороҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)дан бир ҳадиси шарифни ривоят қиласидилар:

– Қай бир амал чоршанба куни бошланган бўлса, у камол топибди.

Бу муборак ҳадисда, ҳафтанинг учинчи куни бошланган амаллар охирига етказилиши билан хосиятли эканини билдиридилар. Улуғ устоз, ҳазрат Имом Аъзам Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ҳам оммавий равишда шундай қиласар, ва бу ҳадиси шарифни жалолатлик устозлари, шайхул ислом Қаввомуддин, ҳазрат Аҳмад ибн Абдурашиддан ривоят қиласар эдилар.

Ишончли манбаларга қараганда, шайхул машойих, ҳазрат Юсуф Ҳамадоний раҳимаҳуллоҳ яхши амалларнинг ҳар бирини, албаттa чоршанба куни қиласар эдилар. Бунинг сабаби шуки, бу нур яратилган кундир. Бу кун коғирлар шаънига нахс босган кун ҳисобланади. Мўминларга эса, фазилатлик ва баракотлик кун ҳисобланади.

Имом Аъзам Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратлари сабоқнинг миқдори тўғрисида устозлари, шайхул ислом, буюк имом Умар ибн Абу Бакр аз-Замахшарий (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратларидан ҳикоя қиласидилар:



– Сабоқни ёд олишга имкон берадиган, икки марта-ба такрор қилиб олиши мумкин бўладиган миқдорда ола бошласа, уни пухта ўзлаштиришга эришади. Демак, сабоқни миқдори ёд олишига етарли, такрорлаб олишига кифояли бўлмоғи керак. Сўнг енгиллик ва юмшоқлик билан даражама-даража зиёда қилиб боради. Ҳатто дарси қанчалик кўп бўлса ҳам, уни ёд олиши ва икки мартаба такрор қилиши мумкин бўлсин, – деб мен ўтган машойихлардан эшитган эдим», – дейдилар.

Аммо сабоқ кўп дарс олиш билан бошланса, ҳар дарсни ўн мартаба такрорлашга имкон бўлиши керак. Ҳар вакт дарс тайёрлаш аввалида ҳам охирида ҳам ўн мартадан такрорлашга одат қиласа, кейинроқ бу яхши одатни катта бир машаққат билан тарк этиши мумкин.

Баъзи машойихлар айтадилар:

– *Бир ҳарф сабоқ оласан,
Уни минг такрор қиласан.*

Толибнинг фаҳми етадиган, англаб олишига яқин, енгилроқ бўлган сабоқдан бошлаш керак бўлади.

– Агар ўтган машойихларнинг услубларини қўллаб дарс берилса, менимча, энг тўғри йўл ва фойдалироқ бўлур эди, – деган эканлар шайхул ислом, буюк имом, Шарафуддин, аллома, устоз ал-Уқайлий (раҳимахуллоҳ) ҳазратлари, – чунки улар таълимни бошловчига кичик-кичик, кенг ёритилган манбаларни ихтиёр қилгандар. Зоро, бу ёд олишга, тушуниб олишга ҳам енгил ва қулаги бўлиб, малол ва оғир келишдан узоқдир.

Дарс ўзлаштириб, пишиқ такрорлагандан кейин, янги сабоқни улаб кетмоғи шартдир. Дарсни узиб қўйишдан сақланиши зарур.

Талаба дафтарига ўзи тушунмайдиган нарсани зинҳор ёзмасин! Чунки бу толиқиши, кейинроқ эса,

Эринчоқликни келтиради. Зеҳнни кетказади ва вақтни зое ўтмоғига сабаб бўлади.

Толиб сабоқ ва такрорлаш вақтида ҳар бир нарсани яхши тушуниб олишга жиддий ҳаракат қилиши керак. Айниқса, устоздан таълим олаётгандан, чукур ўй билан фикр юритиб, мулоҳаза қилиб билиб олишга тиришиши керак бўлади. Зеро, сабоқ оз бўлиб, уни такрори, тафқури ва фаҳми кўпайса, у идрок қилинади.

Улуғ донишмандлар айтдилар:

– Икки ҳарфни ёд олиш икки оғир масалани тинглашдан хайрлироқ, икки ҳарфни тушуниб олиш иккита идрок қилишга вазмин келадиган нарсани ёдлашдан кўра хайрлироқдир.

Агар талаба ўз вақтида тушуниб олишга ҳаракат қилмай, сусткашликка йўл қўйса бунга ўрганиб қолади. Натижада оддий ва осон сўзни ҳам тушуна олмайдиган бўлиб қолади. Демак, талаба сабоқни олаётганида уни илғаб олишга, чукур англаб олишга бепарволик қилмаслиги керак экан. Балки, жиддуду жаҳд қиласин.

Аллоҳ таолога дуо қиласин, тазарру-шикасталик билан ялинсин! Зеро, Ҳақ таоло дуо қилганинг дуосини, сўраганинг сўраганини ижобат қиласди. Умид қилгани ноумид қўймайди.

Устоз, шайхул ислом, буюк имом, Қаввомуддин ҳазрат Ҳаммод ибн Иброҳим ибн Исмоил ас-Сифорий ал-Анзорий шогирдлари, жалолатли қози Ҳалил ибн Аҳмад Сарахсий (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратларига шундай васият қилганлар:

– Илмга хизматинг кўп фойда берувчи хизмат бўлсин! Дарсларга тиришқоқлик, жиддий ёндашиб билан бардавом бўл! Агар бирор фойдани ёдлассанг, уни тақрор қилгин! Сўнг уни аниқлаб, қайд қилиб қўйгин! Шунда хоҳлаган вақтингда ёдингга олишга имкон яра-

тасан. Қайд қилиб қўйиш билан ҳар қачон бу сабоқга қайта олурсан ва йўқотишдан омон бўласан.

*Одат қилгин бирон янги нарсани ўрганмоқни,
Ҳам одат қилгин ўтган дарсни тақрорламоқни
Мана шунда илминг бўлур зиёда,
Инсонларга илм билан музокара қил,
Бу йўл билан ҳаёт баҳш этмоқни одат қил,
Мана шунда илминг бўлур зиёда.
Бўлгин орифу оқил ва лек
Зинҳор бўлма инсонларга ёт!*

Яъни, одамлардан узоқ, уларга фойда бермайдиган илмли киши бўлишдан йироқ бўлгин!

Билгинки, илмни яширсанг, сўралган вақтда билганингни билдирилмассанг, уни унитасан. Кейин ўзингни илмсиз ва дангаса ҳолда кўрасан. Қиёмат куни эса, яширган илмингни оғзингга ўтдан юган қилиб солинади. Яна қаттиқ аламли, қизиган олов билан азобланасан.

Толиби илм учун, ўзлаштирган дарсларини пишиқ ва пухта бўлиши учун музокара, мунозара ва илмий баҳслар, яъни муколаманинг аҳамияти каттадир. Инсоф билан, англамаганини билиб учун бўлмоғи муколама қилиши керак. Уни чукур мулоҳаза билан баҳсларни шошилмасдан олиб бориши талаб қилинади. Шунда жанжал, носоғлом мухитдан ҳамда бир-бирини ёмон кўриш, ғазабланиш, ўзаро душманликдан сакланилади.

Зоро, баҳсу мунозара ва музокара машварат, маслаҳатдир. Машваратни эса, фақат тўғри жавобни топиш учун, муаммоларни ҳаққоний, рост йўлда ҳал қилиш учун ўтказилади. Бу инсоф билан, чукур мулоҳаза юритиш билан ҳосил бўлади, жанжал, адсовату хусумат қилиш билан, бир-бирига ғазаб қилиш, инсофсизлик ва такаббурлик билан асло ҳосил бўлмайди.

Шунинг учун, баҳсу мунозара ўтказишдан мақсади, бирон кишини мулзам, хижолат қилиш, ўч олиш ва шу кабилар бўлса, уни ўтказиш дуруст ҳам, ҳалол ҳам бўлмайди.

Зеро, Умари Одил (розияллоҳу анху)дан ривоят қилинишича, саволлар мазмунига кўра уч хил бўлиб, шундан иккитаси соҳибига нажот беради, бошқаси қаттиқ маломатга қолдиради. Нажот берадиган саволларни **аввали**, бу илмга, билмаганни билишга ташна бўлиб сўраш ва **иккинчиси** ўзи билади, аммо бошқалар ҳам билишлари учун, билганларини мустаҳкамлаш учун сўраш соҳибига илм талаб қилишдаги барча фазилатлардан баҳраманд бўлишни насиб этади. Аммо, **учинчиси** бирорни мулзам қилиш, уялтириш, беобрў қилиш учун, илми баландроқ эканини билдириш ва бошқа шу каби ғаразлар билан сўраш соҳибини укубатга мубтало этар экан.

Аммо ҳақиқатни исботлаш, ёлғон ва қалбаки нарсани фош қилиш бўлса, музокара ўтказиш тўғри ва ҳалол бўлади. Умуман баҳсда, айниқса, илмий мунозараларда хийла-найранг қилиш, ёлғон билан ҳақдан чалғитиш зинҳор мумкин эмас. Лекин, баҳс юритаётган киши саркашлиқ қилиб, ҳақиқатни тан олмаса, ҳақни талаб қилувчи бўлмаса, шундагина жоиз, балки зарур ҳам бўлади.

Мұҳаммад ибн Яхё (раҳимаүллоҳ) ҳазратлари бирор мушкил ишга ёки муаммога юзлансалар ва унинг ечимини топа олмасалар, дарҳол машварат ўтказар эдилар.

– Бу масала юзасидан дарҳол мунозара, музокара қилишни ўзимга маъқул кўрар эдим, – дейдилар, – зеро, ҳар бир илм соҳибидан кўра билувчироқ бор, – деб Аллоҳ таоло ўз Каломи мажидида огоҳлантиради.

Ваҳоланки, музокаранинг ва ўзаро фикр алмашишнинг фойдаси ёлғиз такрорлашдан кўра кўп ва афзалроқдир. Чунки фикр алмашиш, мунозара юритища са-



боқни такрорлаб олиш, баъзи нозик томонларига эътибор бериш, аҳамият қилинмаган ўринлари кўриниб уни эгаллаб олиш мумкин бўлади. Бу билан илм зиёда ва пишиқ бўлади. Шунингдек, билганини тили билан изхор қилиш, кейинчалик илмий сұхбат ўtkазиш истеъодини ривожлантириш каби хислатлари ҳам камол топади.

Донишмандларимиз айтибдилар:

– Бир соат фикр алмашиб, музокара ўтказиш бир ой такрордан хайрлироқдир.

Музокаранинг шарти шерикни инсофли, яхши ниятли, хулқу табиати мустақим, тўғри ва соғлом бўлишидир.

Сен қайсар, ҳақни қабул қилмайдиган, иродасиз, хулқи мустақим бўлмаган, мулоҳазаси тез ўзгарадиган, ҳужжатсиз ўз фикрини ғолиб қилиш, тан олдиришга ҳаракат қиласидиган кишилар билан баҳс боғламагин! Бундай кишилардан узоқ бўл!

Қозонга яқин юрсанг қораси юқар! – деганлариdek, бу ношоиста хислатлар сенга ҳам ўтиши мумкин. Инсон табиати заиф, шикаста ва ўзгарувчан, ҳар томонга мояил бўлувчи бир табиатдир. Шунинг учун ҳам, уни бундайларнинг таъсиридан эҳтиёт қилиш керак.

Ҳазрат Халил ибн Аҳмад (раҳимаҳуллоҳ)нинг юқорида зикр этилган сўзларида ҳам жуда кўп фойдали ўйтлар бор. Илм ўзи улуғ ва ғоят мўътабардир. Машоийхларимиз айтдилар:

– Ким илмга хизмат қилса, илм унга барчани хизматчи қилиб қўяди.

Ҳақиқатда эса, бу илм шартларидан биридир.

Толиби илмнинг яна бир зарурӣ вазифаларидан бири, илмнинг нозик, аҳамият талаб ўринларини доим ўйлаб, фикр юритишни одатланишидир. Зоро, мана шунда унга эришиш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам, ўйла эришасан, идрок қиласан! – деганлар.



Аввал ўйла, кейин сўйла, – деганлариdek, ҳар вақт гапиришдан олдин унинг оқибатини яхшилаб мулоҳаза қилиш керак бўлади. Токи, гап тўғри ва маъноли бўлсин, гап ўринсиз, бекор ва ҳижолат қиласиган бўлмасин. Жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Узр айтиб, ҳижолат бўлишингта сабаб бўладиган сўзни гапирма! – деб, ҳар бир сўзни эътибор билан гапиришга буюрадилар.

Айтилган сўз эса отилган ўқ, бошқа нарсалар каби қайтариб бўлмайди. Шунинг учун бу хикматларга фақат амал қилинса кифоядир. Фиқҳ олимлари усул китобларида бу қоидани асос ва энг катта аслдир, – дебдилар. У ҳам бўлса, олим сўзини мунозара ва музокаralар ҳамда бошқа вақтларда яхшилаб ўйлаб, ўлчаб-тортиб гапиришлигини зарурлигидир.

Утуғ донишмандлар: «Ақлнинг асоси ва манбаси гапни событлиги ҳамда уни тафаккур билан айтилмоғидир», – деганлар. «Агар маслаҳат қилувчини ўз туғишган акандек қабул қилсанг ва сўзларини жон деб қабул қилиб, унга амал қилсанг, менинг бу сўзларимга ҳам эътибор бер! – деб бир утуғ донишманд кўрсатма берган эканлар:

- аввало, каломнинг айтилган вақтига аҳамият бер;
- иккинчидан гапнинг сабабига назар сол;
- учинчи, гапнинг кайфиятига – қай ҳол билан, овознинг баланд-пастлигига, қандай гапирилаётганига;
- тўртинчи, гапнинг узун-қисқалиги, қанчалик маънолар билдираётганига эътибор қилгин;
- бешинчидан гапнинг айтилаётган жойига аҳамият бер! Эй, азиз инсон! Мана шу беш тамойилдан зинҳор ғафлатда қолмагин!»

Араблар ҳам, «ҳар сўзни ўз жойи ва ҳар жойнинг ўз сўзи бор», – деган нақлга кўп эътибор берадилар. Зеро, бу нақлнинг мазмунига яхшилаб қарасангиз, мазкур

беш тамойилга қатъий амал қилишга даъват қилинади. Шунда доимо ва ҳамма ҳолатларда фойдаланувчи ва фойда берувчи бўласан.

Жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) айтибдурлар:

– Ҳикмат мўминнинг йўқотган керакли нарсасидир. Уни қаерда топса дарҳол олади, қабул қиласиди.

Юқоридаги тавсияга асос ўлароқ, бу ҳадиси шариф ўз ҳукми билан имонлик кишини доно сўзларни ахтаришга, пурмаъно мақолларни ишораларига аҳамият изҳор қилмоққа буюриб, бу ишни вазифа қилишга кўрсатма беради.

Машойихлар:

– Неки покиза ва мусаффо бўлса, уни қабул қил! Неки ногок, лойка, шубҳали экан, уни тарк эт! – деганлар.

Шайхул ислом, жалолатли имом, устоз Фахриддин Кошоний (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратлари ҳикоя қиласидилар:

– Ҳазрат Абу Юсуфнинг бир чўриси бор эди. Тақдир тақозоси билан ҳазрат имом Мухаммаднинг ҳузурларига омонат қилиб топширадилар. Кунларнинг бирида имом Мухаммад чўридан:

– Сен имом Абу Юсуфдан бирон нарса ёд олганмисан? – деб сўрадилар. Чўри:

– Йўқ, у кишидан ҳеч нарса ёдламадим, лекин ҳазрат:

– Ўлчайдиган асбобнинг оғирлиги сокитдир, – деб, кўп такрор қиласидилар, – деб жавоб берди.

Қарангки, худди шу масала имом Мухаммадга ечими мушкул масалалардан эди. Бир оғиз сўз билан унинг ечимиға эришдилар. Мушкулликлари кўтарилди.

Бу воқеа шунга далолат қиласидики, ҳар кимдан илм ҳосил қилишда фойдаланиш мумкин ва ўз ўрнида зарур ҳам экан. Ҳазрат Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ)дан:



– Бундай имлга қандай ва нима билан етдингиз? – деб сүраганларида, ул зот:

– Истерьфода (фойда талаб этиш)дан ва фойда беришдан зинхор түхтамадим, баҳиллик қилмадим, – деб жавоб бердилар.

Ҳазрат Ибн Аббос (розияллоху анхумо):

– Илмни қандай топдингиз, нима билан эришдингиз? – деб сүраганларида, ҳазрат:

– Чарчамайдиган саволли тил ҳамда эшиятганини сақловчи қалб билан, – деб жавоб берганлар.

Мазкур ажыб хислатлар зеҳн, фахұму фаросатни камол топтиради. Аввалги талабалар:

– Мана бу масала түғрисида нима дейсиз? Бунга фикрингиз қандай? – каби саволларни күплаб берганлари учун ҳам толиби илм, яъни илмни талаб қилувчи деб исмланғанлар.

Имом Аъзам Абу Ҳанифа (раҳима ھуллох) ҳазратлари ҳам баззозлик қилғанларида дүкөнде күп мутолаа ва музокара ўтказғанлар. Натижада, фиқх илмининг чўққисига эришдилар. Зеро, бундан илму фикҳнинг таҳсили ва камолга етиши касб-хунарни жамлаш билан экани маълум бўлади. Ҳазрат Абу Ҳафс Кабир (раҳима ھуллох) ҳам косибчилик қилардилар. Шу билан илмларини такрор ҳам қиласар эдилар.

Демак, нафакаи аҳли аёл ва бошқалар учун касб қилмоғи керак бўлса, албатта касб-хунар қилсин ва илмини такрорини биргаликда олиб борсин. Бунда дангасаликка йўл қўймаслиги ҳамда масъулият билан қараб, панжа орасидан қараашдан эҳтиёт бўлиши шартдир. Ваҳоланки, ақли расо киши ҳеч бўлмагандага ўзини нафака билан таъминлашга ҳамда илмни тарк этишига узр йўқдир. Чунки ҳазрат Абу Юсуф (раҳима ھуллох)дан ҳам кўра фақир ва муҳтоҗроқ бўлолмаса керак.



Шундай қийинчилик ва эҳтиёжлар кўп бўлса-да, улар ҳазрат Абу Юсуфнинг фиқҳу илм таҳсилларига монеълик кўрсата олмади. Аммо кимнинг мол-дунёси бўлса, қимматли вақтини ғанимат билсин ва албатта, илм билан шуғуллансан, унинг йўлида молу мулкини сарф қилсин! Сарвари Коинот (соллаллоҳу алайхи ва саллам):

– Солиҳ кишига қандай ҳам яхши салоҳиятлик мол-дунё берилди (Молу мулкни ўз жойига етказувчи киши қандай солиҳ, моли ҳам қандай ҳалол экан), – деб, молу дунёсини хайрли ўринларга харажат қиласидилар. Бир улут аҳли илмдан:

– Сиз илмга қандай, нима билан эришдингиз? – деб сўраганларида, олим:

– Бой отанинг моли билан, – деган эканлар. Чунки ҳар доим сахийлар – оталар, онахон ва акалар илтифотларидан аҳли илмлар, аҳли фазллар фойдаланарадилар. Мол-давлат ҳам илмни зиёда, баракали бўлишига ҳамда заволга кетмаслигига сабаб бўлади.

Бу беназир ақл ва улут илм неъматларининг шукронаси, ҳаққининг риояси ҳисобланади. Шукронда барча нарсанинг баракали ва зиёда бўлмоғининг асоси экани сир эмас. Утуғлар ҳазрат имом Аъзам Абу Ҳанифа (раҳимахуллоҳ)дан нақл қиласидилар, ҳазрат:

– Фақатгина ҳамду сано ва шукр билан илму фазилатга эришдим. Ҳар вақт бирон фиқхий масалани фаҳмласам, бирон ҳикматни билсан, «Алҳамду лиллаҳ» деб, Аллоҳга шукр қиласар эдим. Шу сабаб Аллоҳ илмимни зиёда ва пишиқ қилди, – деб айтганлар.

Талаба тили, дили ва аъзолари билан миннатдорлик ва шукр изҳорини касб қилмоғи керак. Бунда мол-дунё билан шукр қилмоқнинг ўз ўрни бор. Фаҳм, фаросат,



илм, ҳидоят ва тавфиқни ёлғиз Аллоҳдан деб билмоғининг алоҳида ўрни бор. Ҳидоят, тариқи мустақимни Тангри таолодан илтижо қилиб, сўраши лозимдир. Зеро, «Дуо қилинг ижобат қиласман», – деб Аллоҳ ваъда қилган, факат ёлғиз ўзи барча эҳтиёжларимизга кифоя бўлувчиdir.

Худди мана шундай йўл тутиш аҳли ҳақларнинг, яъни аҳли суннат вал жамоатнинг йўли бўлиб, улар ҳақни, сиротул мустақимни Ҳодий, Мубин, Осим каби сифатлари бор бўлган Аллоҳдан талаб қиласмадилар. Ҳақ таоло ваъдасига биноан уларни ҳидоятга бошлаб, залолат ва хатога кетишдан ҳифзу ҳимоятига олди. Адашгандар, аҳли залолатлар эса ақлларига қойил қолдилар, ундан ажабландилар ва барча нарсани ақл ва фикр тарозусига соладиган бўлдилар. Бу ҳакиқатни махлукдан талаб қилишдир. Улар ожиз ва саёз ақл, камол топмаган фикр билан илмга эришмоқчи бўлдилар.

Ваҳоланки, ақл барча нарсани, масалан, кўздек идрок қила олмайди ва кўз кўрган нарсаларни эса ақл билан олиш мумкин бўлмайди. Натижада, ҳакиқатдан тўсилдилар, ҳижобга ўралдилар. Ожиз ва нотовон бўлдилар, ўзлари адашдилар ва бошқаларни ҳам адаштирдилар, йўлдан оздирдилар.

Жаноб Пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафо (соллалоҳу алайҳи ва саллам) огоҳликка даъват этиб, шундай деганлар:

– Ким ғафлат билан амал қилса, у ғофил инсондир. Оқил ўз ақли билан амал қилган, яъни нимага, кимга қилаётганини, ўзини мавқеини билган ҳамда ўзини ожиз ва доим раббисига муҳтоҷлиги ни билган кишидир.

Ушбу муборак ҳадисни бироз ўйлаб кўрилса, жанобимиз ақлни факат яхшилик, яъни Аллоҳни таниш,

шариат аҳкомларини билишга қаратилиши кераклигига ишора қылғанлари топилади. Яна бир ҳадиси шарифда:

– Ким нафсини билса, ўзлигини таниса, у Парвардигорини танибди, – деб марҳамат қылғанлар. Ҳар ким ўзига «Нима эдим? Энди нима бўлдим? Кейин нима бўламан?» – деб савол бериб борса, руҳини камол топишига йўл кўрсатган бўлади. Шундан, устоз ва бошқа аҳли илмлар ҳамда ўз жойини топиши зарур экан.

Ривоят қилишларича, ҳазрат Али (каррамаллоҳу важҳаҳул карим) халифалик даврларида катта жамоат ичидаги бир масалани ечиб берган эканлар. Шунда бир араб ўз одатларига кўра, ҳазрат Алини мақтаб, наслу насабларини ифтихор билан тилга олди. Ҳазрат Али бу муҳтарам зотни мақтовдан тўхтатиб:

– Азизим! Сиз мени аввалимни ва охиримни биласизми? Нимани бунчалик мақтаётганингизни биласизми? – деб сўрадилар. Ҳалиги киши жавобга қийналиб қолди. Шунда ҳазрат Али ўзлари жавоб бердилар:

– Менинг аввалим, бадан ёки бирон жойга тегса бенамоз қиласидиган, нутфа, оби манийдир. Охирим эса, сассик, чирик, қурт-қумурсқалар еб битказадиган жийфа, ўлимтиқдир. Бунинг орасида эса, бу жасад аҳлат ташувчи ҳаммолдир. Мана менинг бор ҳақиқатим, сен эса нималар деяпсан?!

Улуғларнинг камтарлигига тан берайлик, ўрнак олайлик! Токи, Аллоҳим бизга ҳам охиратда булар билан бирга бўлишни насиб этсин. Имом Ғаззолий (рахи-маҳуллоҳ) Юсуф сурасининг тафсирида ҳазрат Юсуф ва Зулайҳо ўртасида кечган ушбу воқеани ёд этганлар:

Зулайҳо муҳаббатини, ҳазрат Юсуфни жуда-жуда ёқтиришини изҳор қиласиди. Юсуф ҳазратлари уни ҳар қанча қайтарсалар ҳам, Зулайҳо:



– Менга сенинг сўзларинг, гўзаллигинг, умуман борлиғинг, сенинг муаттар ҳидларинг ёқади, – деб ҳоли жонига қўймайди.

Мана шунда ҳазрат Юсуф унинг ҳар бир яхши кўраман, деган сўзларига жавоб қилиб:

– Агар менинг ҳақиқий ҳидимни билмоқчи бўлсанг, уч кундан кейин қабримга кир. Мана шу менинг ҳақиқий ҳидим бўлади, деб айтган эканлар.

Албатта, бу тўғрида фикр юритиб, кибру ҳавога юзланувчи нафсимизни ўлдиришга ҳаракат қилайлик. Еб-ичиб, Худони ҳаёт деган неъматидан баҳра олиб, уни шукрини қила оляяпмизми, таҳсили илм ва ибодатларимиз бунга кифоями? Муносиб жавоб топиш, иншааллоҳ, ўз ихтиёrimизда.

Агар ақл расо бўлса, инсон ўз нафсини билса, Аллоҳ таолонинг қудратини, улуғлигини билади. Аллоҳни танийди. Шундай экан, у асло ожиз ва нотавон нафсига, айниқса, ақлига суянмайди. Балки, ишларини Аллоҳнинг ўзига таваккул қиласи, ўзини ҳам Яратгани даргоҳига топширади. Аллоҳ таоло ўз каломи мажидида:

Ким Аллоҳга таваккул, топширса, яъни унга ишларини тафвиз қиласа, Аллоҳнинг ўзи унга кифоядир. Мақсадларини зиёдаси билан беради, – деб вайда қилган.

Эй, инсон! Аллоҳ мол-дунё билан сийлаган бўлса, ўз ҳурматингни поймол қилиб, баҳиллик қилма! Молингни яхши жойларга ишлатишдан қизғаниб ўтирма! Талаба баҳилликдан, қизғанчиликдан сақланмоғи ва паноҳ тиламоғи керак бўлади.

Жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам): «Бахилликдан кўра оғирроқ қайси дард бор экан», – деб баҳилликдан қатъий сақланиш кераклиги ни огоҳлантирадилар.

Шайхул ислом, буюк имом, шамсул аимма ҳазрат Ҳалвоний (раҳимаҳуллоҳ)нинг падари бузрукворлари факир, камбағал киши бўлган эканлар. Ҳар доим ҳолва сотиб олиб, аҳли илмларга улашар эканлар ва: «Болам-нинг ҳаққига дуо қилинглар», – дер эканлар. Мехрибон отанинг шу арзимас эҳсони баракотидан ҳамда эътиқод, ихлосининг мустаҳкамлиги, мушфикалик ва шикасталик билан қилган илтижоларининг шарофати билан, фарзандлари мана шундай улуг мақомларга эришдилар.

Мол-мулк ва пулларга китоб сотиб олиш ва илм учун зарур бўлган аңжомларга сарфлаш керак. Агар китобларини кўриб ёзиб борса, ўз илмига мислсиз ёрдам қилган бўлади. Ҳазрат Муҳаммад ибн Ҳасаннинг кўп моли бор эди, бу молларининг ҳисобига ва бошқа ишларга уч юз кишини вакил қилиб олган эди. Ҳамма молларини илм ва фикҳ йўлида инфоқ қилди, хатто ўзи учун бир дона бўлса ҳам чиройли, нафис ва қийматбаҳо кийим қолмади. Ҳазрат Абу Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) у кишини бу ҳолда кўриб, яхши кийим ҳадя қилдилар. Лекин ҳазрат Ибн Ҳасан қабул қилмадилар.

– Нақди сизга, насияси бизга, – дедилар. Яъни, билганига амал қилиб, ҳазрат ибн Ҳасан, бу иш билан охират, Аллоҳнинг розилигини хоҳлаганларини изҳор қилдилар. Зоро, қабул қилмаганининг сабаби, ҳадя олиш суннат бўлса ҳам, бу иш билан ўзларини хорлашдан қочиш эди. Жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайхи ва саллам):

– **Мўмин киши зинҳор ўзини хор ва залил қилмас,** – дедилар.

Ҳикоя қилишларича, шайхул ислом, фахрул ислом Арсобандий (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратлари ташлаб юборилган қовун ва тарвуз пўчоқларини тўплаб, холи жойда ювиб, тозалаб ер эдилар. Кунларнинг бирида бир



чўри бу зотнинг ишларини қўриб қолди ва хожаларига гапириб берди. Шунда ҳалиги хожа уйида атайлаб хайру эҳсон уюштириди ва у кишини келишини илтимос қилди. Лекин чақириқни қабул қилмадилар. Толиб ҳам мана шундай иродалик, олийхимматли бўлмоғи ва бирорвнинг молу дунёсига тамаъ назари билан қарашдан сақланиши шарт бўлади. Пайғамбаримиз Мухаммад (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Эй умматларим! Тамаъ қилишдан сақланинглар! Чунки у фақирик келтиради ва муҳтоҷликларни одам боласининг бошига ҳозирлаб қўяди, – деб тамаъдан қайтарадилар. Бир байтларида Сўфий Аллоҳёр (раҳимаҳуллоҳ) буни шундай ифодалаганлар:

*Бу меҳнат бирла тобсанг парчаи нон,
Кишини миннатидан улдир осон.
Тамаъ нонига лаб очгунча ўл оч!
Тамаъ бўйи кўринмай бўйидан қоч!*

Сўфий Аллоҳёр ҳазратларини Аллоҳ ўз раҳмату мағифиратига, жаннатининг энг олий мартабаларига муносиб кўрсин, қандай ҳам лўнда, содда тил билан шариат аҳкомлари, динимиз мақсадларини комил ифодаладилар.

Тамагирликнинг азобини қиёмат куни тортгунча, шу дунёда қийналишни афзаллигини ишора қилсалар, яна бошқа жиҳатдан маҳлукқа тамаъ қилиш оқибати, ҳар икки оламда хорлик ва хўрлик эканини ҳам билдирияптилар. Кейинги байтда чиройли сўз ўйинини ишлатиб, байт маъноларини янада кучайтирдилар. Байтда зикр қилинган биринчи «бўй»дан мурод бўйи, узунлиги, кўриниши ва иккинчи «бўй»дан эса ҳид, шабодаси маънолари тушунилади. Бу маънолар эса, тамаъдан мутлақо қочиш кераклигини муболага йўли билан ифодалайди.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, толиб моли ва бойлигини баҳиллик қилиб қизғанмасдан, ўзи ва бошқаларга керакли миқдорда инфоқ қилиб туриши зарурдир. Жаноб Рисолатпаноҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам) чукур ҳикмат билан:

– **Барча инсонлар факирликдан қўрқсалар ҳам, факирликдадирлар,** – деб айтганлар. Чунки муҳтожликдан қўрқиш ожизлиқдир, бу маънода ожиз бўлиш эса, инсонни факирликка етаклайди.

Аввалги вақтларда илм ўрганишга келган толибни олдин касб-ҳунар ўрганишга, пишиқ эгаллашга буюриларди. Касб-ҳунарни яхшилаб ўрганиб, кейин илм ўрганишга қўйилар эди. Шунда толиб тамагирликдан холий бўлар, одамларнинг қўлидаги молу бойликларига умидвор бўлишдан тийилар эди. Одамларни қўлидаги молларига қараб қолган киши, тана қилган, албатта, ўзини факир қиласи, – деб ҳикматларда баён қилинган.

Аммо олим киши тамагир бўлиб қолса, унда на илмнинг ва на шариатнинг ҳурмати қолади. Тамаъ орқасидан ҳамма нарсани поймол қиласи ва мол-мулк ундириш учун ҳақиқатни гапирмайди, балки шариат ҳукмларини нотўғри талқин қилиб, уни дунё топиш учун касб қилиб олади. Мана шунинг учун, соҳиби шариат жанобимиз (соллаллоҳу алайхи ва саллам) тамадан паноҳ тилаганлар:

– **Парвардигоро! Инсонни пасткашлиқ ва разиллик, қабоҳатларга яқинлаштирувчи ва унга гирифтор қилувчи тамаъдан паноҳ сўрайман!** – деб дуо қилиб, умматларга ҳам бу ҳақда таълим берганлар.

Демак, имонли киши ёлхиз Аллоҳдан умид қилмоғи, фақат Ўзига умид қилмоғи керак экан. Яна Аллоҳдан қўрқув, хавфда бўлиши зарур. Бу, шариат чегараси-

да мустаҳкам туриши билан билинади, агар чегарадан ўтса, унда Худодан қўрқмаган бўлади. Яъни, бирорвинг фикри билан гуноҳга қадам қўйса, хавфини йўқлиги исбот бўлади. Шунинг учун ҳам, агар Худодан қўрқиб унга осий бўлмаса, маҳлуқига итоат қилмаса, Худонинг ҳудудидан чиқмаса, у Аллоҳдан қўрқсан бўлади. Умид қилишда ҳам, мана шундай йўл тутиш керакдир.

Талаба сабоқнинг маълум миқдорини белгилаб олиб, уни такрор қилишга одатланиши керак. Шундай қилса, қалби бу одатга қарор топиб, ўйлаган мақсадига етишади. Такрорни ушбу тартибда амалга ошириш маъқул бўлади:

- кечаги сабоқни беш марта;
- ўтган кунги сабоқни тўрт марта;
- ўтган кундан аввалги кун сабоқини уч марта;
- уч кун олдин олган сабоқини икки марта;
- тўрт кун олдин олган сабоғини эса бир марта такрор қилиши мақсад сари олиб боради. Мана шу одати такрорлашга ҳам, ёдда сақлашга ҳам мос ва енгилроқдир.

Толиб такрор ва ёдлашларини бўшашиб, паст овоз билан ва мажолсиз қилмаслиги керак, бунга одатлан-маслиги жуда лозим. Дарсни ва такрорни ғайрату кувват, тетиклик билан, зийрак бўлиб қилиши шартдир. Лекин ўзини қийнаб, зўрлаб баланд овоз билан ҳам қилмасин! Чунки ўзини қийнаб қўйса, тетиклиги ҳам бўшашиб, кейинчалик такрордан безиб кетади. Кейин такрорни тўхтатиб қўяди. Зоро, жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

- Амалларнинг хайрлиси ўргачасидир, – деб айтганлар. Ҳикоя қилишларича, ҳазрат Абу Юсуф (рахи-маҳуллоҳ) доимо шундай қувват ва зийраклик билан музокара ўtkазардилар. Бу зотнинг куёвлари куч-куват, тетик ва ҳушёrlигидан ҳайратланар эдилар.

– Мен бу зотни беш кундан бери туз тотмаганини яхши биламан, у киши оч, аммо бундай қувватларига мен зўр таажкубдаман, – дер эдилар.

Толиб бўш қолиш, дангасалик ва заифликдан сакланниши керак. Чунки буларнинг барчаси илм оғатидандир. Шайхул ислом, устоз Бурҳониддин Марғиноний (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратлари:

– Мен илм таҳсил қилиш давримда шерикларимдан кўра пешқадам эдим. Чунки ўзимга ҳеч бўш вақт ажратмадим, сусткашлик ва дангасаликдан узоқ бўлдим, – деганлар.

Шунингдек, шайхул ислом, ҳазрат Имбижобий (раҳимаҳуллоҳ) хикоя қиласидилар:

– Илм таҳсил қилиш ва ўрганиш давримда ўн икки йил бирон бир муддат фориғлик ва ҳам дангасалик менга рўй бермади. Мол-мулк кифоялиги учун ҳам, шеригим билан чиқиб, мунозара ва музокара қиласидилар. Узлуксиз ҳар куни мунозараага ўтиради эдик ва бу тинмай ўн икки йил давом этди. Натижада шеригим шайхул ислом мартабасига муносаб бўлди ва у зот имом Шофиый эдилар.

Шайхул ислом, устоз Фахриддин Қозихон (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратлари талабаларига шундай кўрсатма берар эканлар:

– Агар фикҳ китобларидан биттасини яхшилаб ёдлаб олсанг, бошқа фикҳий масалаларни хифз, зеҳнингда саклаб қолишинг осонроқ кечади.



7-ФАСЛ

ТАВАККУЛ ҚИЛИШ ТҮГРИСИДА

Таваккул қилиш барча иш, фикридан ўтган нарсаларни Аллоҳга топшириш, тафвиз қилишдир. Дунё ишлари, ризқ-насибасига ғам-ташвиш чекмаслик ва бу ҳақда хафа бўлиб юрмаслиқдир. Балки, қалбини булардан ҳолий қилиб, илм билан ва шу каби заруратлар билан шуғулланишини талаб қила боради. Шубҳасиз, таваккал қилиш талабанинг асосий вазифаси бўлиши керак.

Ҳазрат Имом Аъзам Абу Ҳанифа (раҳимаҳуллоҳ) жоноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг соҳибларидан ривоят қиладилар:

– Ким Аллоҳ динининг илмини ўрганса, Аллоҳ уни ризқи ва дунё ҳожатларига кифоя бўлади. Насибасини ўйламаган жойлардан етказиб қўяди.

Таваккул қила олиш инсонга улуғ баҳт-саодатдир. Агар талаба кўнглини ризқи ва кийим, дунё матоларига машғул қиласа илмга кам вақт қолади. Натижада илм ва гўзал хулқу одоблардан бебахра бўлиб қолади. Энг асосий мақсади илм талаб қилишдан узоклашади. Дошишманлардан бири шундай деганлар:

– Гўзалликни ўзингга чақир ва гўзал хулқлар даъватини қабул қил! Зинҳор боғийлик³ карвонига минма! Беадаблик ва барча ҳунук ишларни тарк қил! Ҳар вақт ва жойда ўзингни ҳамма маънода тўқ кўрсатгин!

³ Боғий – Аллоҳ таолонинг тоатидан чикувчи, бўйсунмаган одам. Шариат аҳкомлари ва хоссатан ўз амирининг фармонларига итоат қилмаган ва қарши чиққан кишилар ҳам боғий дейилади.

Қорни түқ, кийими бутун ҳолда юр! Бош кийимга аҳамият бер!

Салла бош кийимлар тожи ва улуғидир. У жаноб (соллаллоху алайҳи ва саллам)нинг муборак суннати санияларидир. Аллоҳ динининг шиоридандир.

Аммо таом тановул қилишда, ибодатда, сабоқ ўқиётганда, уйқуга ётганда ва ҳожатхонага кирганда, албатта, бош кийимда бўлгин!

Бир киши ҳазрат Ҳусайн ибн Мансур ал-Ҳаллож (раҳимаҳуллоҳ)га:

– Ҳазрат менга насиҳат қиласангиз! – деб мурожаат қилди. Шунда ҳазрат:

– Ўз нафсингга ишлов бер, уни яхшилаб тайёрла! Уни машғул қилиб қўй! Агар нафсингни машғул қилмасанг, у сени ўзи билан машғул қилиб қўяди, – деб насиҳат қилдилар.

Демак, ҳар бир инсон ўз нафси билан шуғуланиши керак экан, хайрли амалларни қилишга жалб этиши зарурдир. Токи нафсу ҳавосини розилигига қараб қолмасин! Шайтони лаъиннинг инсонни чалғитадиган, осий қиладиган энг биринчи қуроли нафсdir. Оқил инсон дунёга ва дунё ташвишларига аҳамият ва эҳтимом бермайди. Чунки дунё матолари учун ғамга тушиш, хафа бўлиш ва надомат чекиш ақлли кишига лойиқ эмас. Балки, буларнинг ҳаммаси мусибатни қайтармаган, фойда ҳам бермаган. Инсон қалби, асабларига зарар ва зиён келтирган. Шунингдек, солих амалларга, яхшиликларга халал беради. Ақли расо киши охират ишларига аҳамият беради.

Пайғамбаримиз Мұхаммад (соллаллоху алайҳи ва саллам):



– Инсоннинг баъзи гуноҳлари борки, уларга фақат дунё тирикчилигини ўтказиш учун чекилган қайғу ва ҳалол меҳнат каффорат бўлади, – деганлар.

Бу, дунё ишларига ҳам керак миқдорда аҳамият қартиш зарурлиги ҳамда бу ишларга чуқур кетиб қолишидан эҳтиёт бўлишни билдиради. Ҳадиси шарифдаги дунёвий ғам ва безовталиқдан мурод, амали солихларга, хайрли ишларга ҳалал бермайдиган, қалбни машғул қилмайдиган миқдорда бўлишдир. Намоз ва бошқа ибодатлардан чалғитадиган, кўнгилни ўраб оладиган даражада бўлмаслиги лозимдир. Толиб қудрати етганча дунё матоларига бўладиган алоқасини камайтириши шартдир.

Шундай қилиб, улуг зотлар бу йўл орқали Аллоҳга яқинликни ўзларига ихтиёр қилганлар. Узоқ юртларда таҳсили илм қилганлар. Илм талабида сафарга чиққанларида, барча машаққат, беморлик, муҳтоҷликларни таҳаммул қилганлар, сабр-матонат кўрсатганлар.

Аллоҳ таоло Куръони каримда ҳазрат Мусо (алайхиссалом) тилидан ҳазрат Хизр (алайхиссалом) билан қилган илм сафарлари ҳақида шундай хабар қиласи:

Бу сафаримизда кўп машаққатлар ва қаттикликтарга учрадик.

Ҳазрат Мусо кўп сафарларга чиққанлар, аммо фақат илм сафарида гина машаққатлар тортдим, – дейишлиари, илм учун сафар ҳар вақт қийинчиликлар билан эканига ишорадир. Чунки илм талаб қилиш энг улуғ амрдир. Олимлар наздида энг афзал икки олам озуқасидир. Ажру мукофот эса чекилган машаққат, оғирликларга қаноатнинг миқдорига қараб бўлади. Ким сабр қилса, барча лаззатлар устидан баланд келадиган мумтоз ва мислсиз баҳрамандликка эга бўлади. Шундан бўлса ке-

рак, ҳазрат Мұхаммад ибн Ҳасан (раҳимаҳуллох) ҳар вақт кечани бедорликда ўтказсалар, мушкуллікleri ҳал бўларди. Шунда:

– Мол-давлат лаззати қаёқда-ю, бу лаззат қаёқда, – дер эдилар.

Талаба бўлғандан кейин, илмдан бошқа нарса билан шуғулланмаслиги керак. Зинҳор фикҳдан ҳамда бирор масала ечимидан юз ўгирмаслиги зарурдир. Имом Мұхаммад (раҳимаҳуллох) ҳазратлари:

Бизнинг бу ишимиз бешикдан лаҳадгачадир. Ким уни, бир соат тарқ этишни хоҳласа, уни қиёмат тарқ айласин! – деб, қатъяян илмга машғул бўлишга даъват этганлар.

Имом Абу Юсуфнинг охирги дамларида шогирдларидан бири, зиёрат қилгани кирди. Имом Абу Юсуф ўзи билан ўзи бўлган ҳолда эдилар. Шунда шогирдидан:

– Ҳожилар тошни уловга минган ҳолда отганлари афзалми ёки пиёда отганларими? – деб сўрадилар. Шогирд жавобни билмагач, ўзлари жавоб бериб:

– Пиёда отгани менга маҳбуброқdir, – деб айтганлар.

Улуғ зотларнинг ҳаёти қандай чуқур ўгит ва ҳаётга иршод экан. Шу зотлардек ҳаётда ўрин топишни бизларга ҳам Тангри таало насиб этсин!

Фақиҳман, олимман деганлар мана шундай умр ўтказсалар, илм ва меҳнатлари лаззатини топадилар. Ривоят қилишларича, ҳазрат Мұхаммад ибн Ҳасаннинг вафотидан кейин бир солиҳ инсон тушида кўрган экан:

– Ул зот бир қанча улуғлар даврасида сухбат қуриб ўтирас эди. Шунда ундан:



– Жон топширар вақтда қандай ҳолда әдингиз? – деб сүрадилар.

– Мен мукотиб ҳақидаги масаланинг ечимини ўйлаб турган эдим, жоним чиқиб кетганини билмай қолибман! – деб жавоб бердилар.

Баъзилар ул зот:

– Бу улуғ кунга ҳозирлик кўришдан мукотибнинг масаласи чалғитиб қўйибди, – деган жавобни айтгандар, деб келтирадилар. Асли бу жавоблар ҳазрат Муҳаммаднинг камоли одоб ва камтарликлари экани ақли расогагина маълумдир.

8-ФАСЛ

ТАҲСИЛ ВАҚТИ ҲАҚИДА

Ҳадиси шарифлар мазмунини фикр қилиб, улуттимиз илм ва қасбни таҳсилини вақти бешикдан лаҳад-гаҷадир, деб белгилаганлар. Демак, инсон умри борича ўрганиш, ҳаракат қилишдан тўхтамаслиги керак. Ҳазрат Ҳасан ибн Зиёд (раҳимаҳуллоҳ) ёшлари саксонларга борганда илм олишга, фикҳни ўрганишга киришган эканлар. Шундан сўнг қирқ йил ёнбошлари кўрпача кўрмади. Қирқ йилдан кейин фатво бера бошлаган эканлар. Сўфий Аллоҳёрнинг ушбу байтларининг мазмуни эътиборга моликдир:

*Агар нафсинг сани етмиш бошингдин,
На бўлғай фойда етмиш ёшингдан.
Агар нафсинг муродин изламасанг,
Агар саксанга умринг етса саксан.*

Қасб ва илм олишнинг энг фазилатли вақти аввало ёшлиқ даври ҳисобланади. Саҳар вақти, ҳуфтон ва шом намозларини орасидаги вақт ҳам яхши вақтлардан ҳисобланади.

Толиб таҳсил меҳнатига ўзини ғарқ қилмоғи керак, бирор илмни ўқиши малол келса ёки зерикса, бошқа илм билан шуғуллансин. Бошқа фойдали нарсага ўзини жалб қилсин.

Ҳазрат Муҳаммад ибн Ҳасан кечалари ухламасдилар. Атрофларига китоб ва дафтарларини қўйиб олар-

дилар. Биридан зериксалар бошқасини олардилар ва ёnlарида доим сув турар эди. Юзларини ювиб, уйқуни кетказар эдилар.

– Уйқу иссиқлиқдан келади, – дер эдилар.

Ҳазрат Ибн Аббос (розияллоҳу анҳумо) ҳам гапиришдан зериксалар ёки чарчасалар:

– «Шеърлар девони»ни келтиринглар, – деб буюрардилар.



9-ФАСЛ

НАСИҲАТ ВА МЕХРУ ШАФҚАТ ТҮҒРИСИДА

Соҳиби илм шафқатли, меҳрибон ва насиҳаттўй бўлиши керакдир. Зинҳор ҳасадгўй ва бемехр, бағритош бўлмаслиги керак. Чунки бағритошлиқ, ҳасад каби хислатлар соҳибига ҳеч қачон фойда бермаган, кичикми, каттами зарар, заҳмат бериши бирорга сир эмас. Шайхул ислом, устоз, ҳазрат Бурҳониддин Марғиноний (раҳимаҳуллоҳ):

– Муаллимнинг фарзанди албатта олим бўлади, – дер эканлар. Чунки ҳар бир устоз, муаллим шогирдларини осмон остининг ҳамма жиҳатларида олим бўлиб етилишларини орзу қилади. Шу эзгу ниятнинг баракаси билан, ишончининг мустаҳкамлиги ва шафқату марҳаматининг юксаклиги билан Аллоҳ ўз фазли билан фарзандини олим қилиб етиштиради.

Ҳазрат Абу Бакр (розияллоҳу анҳу) ҳикоя қиласидарки, ҳазрат Садрул Ажалл бурҳонул аимма (раҳимаҳуллоҳ) ўғиллари Садри Шаҳид Ҳисомиддин ҳамда Садри Саъид Тожиддинлар учун сабоқ олиш вақтини катта чоштгоҳ вақтида ажратган эканлар. Кун исиб, чоштгоҳ бўлганда, фарзандларига сабоқ беришга киришар эканлар. Ўғиллари эса:

– Бу вақтда биз чарчаб қолардик. Падаримизга бу вақтда чарчаб қолаётганимизни ва кун исигандага дарс ўқиш малол келаётганини айтганимизда, падари бузрукворимиз:

– Мана бу ғариф ва мусоғирлар улуғ-улуғ инсонларининг фарзандлариидир. Мендан илм ўрганиш учун



қанча мاشаққат чекиб, узоқ юртлардан келгандар, шунинг учун сабоқларини олдин беришим зарур, – дер эдилар, – деб ёд этадилар.

Мана шу шафқатларининг баракоти билан, ҳар иккала ўғиллари ўз замонасининг етук илм аҳлларидан бўлдилар.

Толибга бирор киши билан аразлашиш ва душманлик, ғаразгўйлик қилиши мумкин эмас. Чунки бу ишлар инсон умрини зое кетказадиган ишлардан саналади. Аҳли донишлар:

– Мұхсин – яхшилик қилувчи, эзгу ниятли инсон ўз яхшилиги билан тезда мукофот топади. Аммо ёмонлик, гуноҳ қилувчи эса, унга ўзининг ёмонлиги тезда кифоя бўлади, – деганлар.

Ёмонлик гуноҳларининг касофати ўзига уриб, қаттиқ зарар кўради. Имом, Хоҳарзода номи билан машхур, шайхул ислом, буюк имом, зоҳид, ориф, Рукнул ислом, ҳазрат Мұҳаммад ибн Абу Бакр (розияллоҳу анху) тариқат сultonи, буюк шайхул ислом Юсуф Ҳамадоний ҳазратларидан шеърни ёд олган эканлар:

*Улки, зарар шевасини тавр этар,
 Элга демаким, ўзига жавр этар.
 Улки, ушатур босибон шишани,
 Қилмас оёқ заҳмидин андешани.
 Кимки, фалак сори отар тошини,
 Тош ила озурда қилур бошини.*

Ёмонлик ва гуноҳ қилган кишини ўз ҳолига қўй, унга жазо берма! Чунки ёмонлиги ўзига ҳам, ёмонлигидан пайдо бўладиган нарсаларга ҳам кифоя бўлур. Яъни балою-касофатига ўзи қолар.

Яна дебдиларки: «Ким душманининг бурни ерга ишқаланишини, мазкур шеърни такрор қиласин! Маъносини чақсин!»

Яна дебдиларки, агар душманингни шарманда бўлишини, уни ғам-ғусса билан ўлдиришни, ёндиришни хоҳласанг, ҳамда олий мартабаларни орзу қиласанг илмингни зиёда қил! Чунки кимнинг илми зиёда бўлса, билганига амал қиласа душманлари кўпаяди, ғамташвишлари ҳам ортади. Айтибдиларки, ўз нафсингни тарбияси билан шуғуллангин, унинг фойдалик жиҳатларини ривожлантиргин! Зинҳор душманингга қаҳр қилиш билан амалга оширма! Зеро, ўз тарбиянг билан шуғулланишинг, чиройли қирраларингни намойиш қила боришинг, душману ҳасадгўйларинг устидан қаҳр қилишингга, уларга ғолиб келишингга замин бўлади. Хотиржам юрасан, улар эса ўз ёғларига қовурилиб юра-верадилар.

Душманликдан сақлан! Чунки асабларингни бўшашиши ва вақтингни зое кетишига сабаб бўлади. Сабру қаноатни ва матонатни лозим тут! Бу улуг сифатларни ҳавою сувдек хулқингга сингдир!

Айниқса, аҳмоқларнинг ишларига сабр қилишни одат қил! Ҳазрат Исо ибн Марям (розияллоҳу анҳо):

– Ўнта яхшиликка эришиш учун, битта аҳмоқнинг зиён ва заҳматларига сабр қилинглар, – деганлар.

Доно ҳалқимиз: «Жиннини «жинни» десанг, арпа бўйи қўшилади», – деб, аҳмоқ ва нодон кишилар билан қандай муносабатда бўлишни билдирганлар. Шеър:

Кимки ўзи айлади ёлғон сўзин,
Кизб дер эл, чин деса, қолған сўзин.
Ким эгри эса тузлук эмас пояси ҳам,
Бори ўзидек эгри суду сармояси ҳам.



*Хар кимгаки эгриликка овозадур,
Туз жода ичра йўлидин озадур.
Норостқа кўп уёт эрур тузлукдин,
Лек эр кишига нажот эрур тузлукдин.*

Асрлар ортидан асрлар ўтар, инсонлар эса ҳар вақтларда турли офат ва балолар билан имтиҳон қилинадилар. Аммо ёлғончидан кўра офатлироғини кўрмадим. Ёлғон ишлатиб баҳт ва омадини, тинчлигини кўпроқ йўқотган кишини кўрмадим. Бир-бирини ёмон кўриш, душманликдан кўра оғирроқ бошқа нарса, зинҳор кўрмадим. Барча нарсанинг аччиқлигини тотдим, лекин тиланчиликдан ҳам кўра аччиқроғини кўрмадим.

Мўмин киши ҳақида ёмон гумон қилишдан қатъий сақлан! Чунки гумон душманликнинг манбаидир. Душманлик эса мўминга ҳалол эмас. Жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Мўминлар ҳақида факат хайрли ўйланглар, яхшиликка йўйиб фикр билдиринглар, – деб амр қилгандар.

Ёмон ўйлаш киши нияти бузуклиги ва феъл-авторини ёмонлиги, хулқу одоб кўрмаганлигини билдиради. Буни шоир Абу Тоййиб (раҳимаҳуллоҳ) чиройли ифодалаган:

*Дамингдин йироқ тутмагил ҳушни
Ки, юзланмагай ҳар дам офат сенга.
Ишинг поёники зиштдурун бўлғай,
Улдурки, ёмон иш била маўрун бўлғай.
Ким хўйи ёмон бўлса, машақатдур анга,
Ким хўйи анинг яхши, ғаниматдур анга.*

Агар кишининг феъли айниқса, ёмонликка юзланса, у ҳақдаги фикрлар ҳам ёмонлашади. Ваҳоланки, унинг

гумонлари тасдиқланади. Шунда яхши кўрган дўсти душман бўлиб қолади. Ҳатто душманлари ҳам, «Бу гумонининг кўплигидан кундузи ҳам қоронғу зими斯顿да юради», – дейдилар.

Сўралдиким, не нимадурким фойдаси барча хало-йиққа етар, дедиларким: «Ёмонларнинг йўқлиги».

Шеър:

*Не феълики келди биродин ёмон,
Ёмонлик кўрадин анга йўқ амон.
Голиб душмандин ҳар дам ғофил қолма,
Ўчиролмас исён ўтин ўз ҳарамингга солма.*

Қабоҳатдан юз ўтири! Уни кўпайтирма! Яхши дўст ва эзгу ишларингни кўпайтири! Душманингни ҳийла-макрларига яхшилигинг кифоя бўлади. Аммо душманинг макр қилганини билсанг, сен унга макр қилма!

Шайхул ислом Умайд Абул Фатх ал-Босний (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратлари шундай деганлар:

– Ҳар замон, ҳар маконда ақлли инсон жоҳил ва илм, касб ахлининг қадрига етмайдиганлардан саломат бўлмайди. Булар аҳли илм, аҳли касбларни зулм билан, мушкилотлар билан хорлайди, бехурмат қиласди. Ким ақл ва илм аҳли бўлса, жанг қилишни ўрнига тинчлик ҳамда муросани ихтиёр қилсин! Саломатлик ва эҳтиром йўлини танласин! Ўзига сукут, жим туришни афзал кўрсисин! Куръон карим оятларида Аллоҳ таоло мўминларни мадҳ этиб:

**«Улар ер устида камтарона юурулар ва агар жоҳиллар уларга гапирсалар: «Саломат бўлинглар!
Омон бўлинглар!» – дейдилар», – деб, бу ҳолда инсон ўзини қандай тутиши кераклигига иршод берди.**



10-ФАСЛ

ФОЙДА ТАЛАБ ҚИЛИШ ТҮГРИСИДА

Жаноб Пайғамбаримиз:

– Ҳикмат мўминнинг йўқотган керакли нарсасидир.

Уни қаерда топса дарҳол олади, қабул қиласи, – деганлар. Шу муборак ҳадис ҳукми талаба учун ҳаётий шиордир. Уни ҳаётига татбиқ этмоғи зарурлиги ва фойда талабида давомли бўлиши ҳамда фазилати, усуллари ҳақида сўз юритамиз.

Шубҳасиз, улут ниятлик талаба фойда талабини ҳамма вақт ва жойда қилиши шарт, яъни ўз манфаатини доим кўзлаши зарурдир. Уларни ёдда сақлаб ўз ўрнида истеъмол эта олиши билан файзи ошади. Жамиятда ҳам ҳурмат-эътибори пайдо бўлади.

Аммо истифода, фойда талаб қилишнинг усули ҳар вақт ёнида ёзув асбоблари бўлишидир. Ручка, қалам ва қоғоз, дафтар каби ашёлар толибнинг ҳамроҳи бўлмоғи керак.

Замона такомиллаши билан ўқув қуроллари ҳам камолга қараб юз бурмоқда. Китобнинг нусхасида сиёҳдон деб зикр қилинган бўлса, биз замонамиз кенг ишлатаётган ёзув ашёларини келтирдик. Агар ёнида бу асбобларни олиб юрса, эшитган фойдали, ҳикматли гапни ўзига қайд қилиб қўйиши мумкин бўлади. Ахли донишлар:

*Ким зеҳнига ишониб ёд олибди,
 Ёд олгани тезда ундан қочибди,
 Ким ёзиб, қайд айлади,
 Кетмас қилиб уни боғлади.*

Доим ўз ёнида қарор топади, – деганлар. Яна дебдилар:

– Илм – кишилар тилларидан олинган улуг маҳсул. Чунки улар энг яхши ва пурфойда эшитганларини ёдлаганлар, қалбларига муҳрлаганлар ва қўнгилларидағи тажрибадан ўтган, фойдалисини гапирганлар. Мана шулари илмдир.

Шайхул ислом, буюк устоз, Адибул Мухтор номи билан машҳур зот (раҳимаҳуллоҳ) айтар эдилар:

Ҳазрат Ҳилол ибн Ясир (розияллоҳу анху) жаноб Расулуллоҳнинг саҳобаи киромларга бир нарса деб турганларини кўрган экан. Шунда:

– Ё Расулуллоҳ! Жоним сизга фидо бўлсин! Ҳозирги саҳобаи киромларга айтган ҳикматли сўзларингизни менга ҳам айтиб беринг! – деди. Жанобимиз:

– Эй, Ҳилол! Ёнингда сиёҳдонинг борми? Ёзув ашёларинг борми? – дедилар.

– Сиёҳдоним йўқ, – деди. Жаноби Сарвари Коинот:

– Эй, Ҳилол! Зинҳор сиёҳдондан ажралма! Хайрнинг кўпи қаламда ва қалам аҳлларидаидир. Улар қиёматгача фазилат соҳиби бўлишда бардавомдирлар, – деб айтдилар. Жаноб с.а.в илмни қайд этиш, уни ёзиб қўйишнинг улуг ишлардан эканига ишора қилдилар.

Шайхул ислом, Садри Шаҳид Ҳисомиддин (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратлари ўғиллари Шамсиддинга ҳар куни илму ҳикматдан бирон енгил нарсани ёд олиб боришни буюрган эканлар. Чунки бу иш енгил ва осондир. Тез кунларда улар тўпланади. Умр ҳам зое кетмайди.

Ҳазрат Асом ибн Юсуф (раҳимаҳуллоҳ) бир динорга қалам сотиб олган эканлар. Бир динор жуда катта пул. Мақсадлари эшитган фойдаларини дарҳол ёзиб олиш эди. Зеро, умр қисқа, илм эса кўпдир. Умр тугайди, илм асло тугамайди. Умрининг ўтиб бораётган сонияларини ғанимат билмоғи керак.



Айниқса, кечани ва бўш вақтларни ғоят ғанимат билб, қадрлаш зарур. Машойихларимиз:

Кечалари узун ва у сенинг буюк ўлжангдир. Ундан ўринли фойдаланиб қол! Зинҳор уйқу билан кечани қисқартирма! Кундуз эса ёруғлик, зиёдир. Уни гуноҳ ва бекорчилик билан чангитиб, ифлослантирма!

Талаба улуғ ёшлик мўйсафид, илмли кишиларни ғанимат билмоғи керак. Бу зотлардан, илмидан фойдалансин. Илмлари бўлмаса, камоли одоби билан хушнуд қилиб, дуоларини олсин! Шундай фойдалана олмаса, ҳеч қайтариб бўлмас хатога йўл кўйиши мумкин. Зеро, қўлдан бой берилган нарсани ўрнини босадиганини топиш мумкин эмасдир. Бу ҳақда шайхул ислом, устоз Бурхониддин Марғиноний ҳазратлари ўз устози, шайхи ҳақида шундай деганлар:

– Қанча шайхлар, устозларга етишдим, қанчаларининг сухбатларида бўлдим. Кўнгилдагидек хизматларини қилиб, улардан фойдаланиб, дуоларини ола билмабман! Файзу футухли иршодларидан баҳраманд бўлолмабман!

Ҳазрат Али каррамаллоҳу важҳаҳул карим:

– Агар бир ишни бажаришга бел боғлассанг, ишни охирига етказ! Охирига етказишдан бош тортма! Аммо Аллоҳнинг илмидан юз ўгиришинг, хорланишинг ва ҳасратга тушмогингга кифоядир. Илм ўрганишдан бош тортишлик мусибатлар сўнгидан келадиган надоматларга етарлидир. Шунинг учун, ҳар дамда бундан Аллоҳнинг даргоҳидан паноҳ сўра! – деганлар.

Бир донишманд:

– Мен сенда ўзини азиз ва муҳтарам бўлишни хоҳлаётган нафсни кўрдим. Аммо, иззату икромга мана шу нафсни хор қилмагунча зинҳор эришмайсан! – деб айтган экан.

11-ФАСЛ

ИЛМ ОЛИШДА ПАРХЕЗ ВА ТАҚВО ҲАҚИДА

Жаноб сарвари Коинот (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

- Ҳикматнинг боши тақводир, – деганлар.

Ҳикматнинг аввалию охири, барчаси фойда, каттаю кичигининг қиймати йўқ бойликдир. Бу ҳадиси шариф ҳукми билан фойда ва бойликнинг қалитини қўлга киритиш йўлини билдирилар.

Ҳазрат Али каррамаллоҳу важҳаҳул қаримдан қуидаги ҳадис шариф келтирилган:

– Қайси бир инсон қирқ кун ҳалол таомлар тановул қилиб, қирқ кун намозларини жамоат билан ўқиса, парҳез ва ҳар қадамини тақво билан босса, Аллоҳ қалбига хотиржамликни нозил қилиб, тилига ҳикматларни жорий қилиб қўяди.

Жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) яхшиликлар асоси тақво ва парҳез эканини билдиргандар. Парҳез ва тақво деганда:

- шубҳа, макруҳ;
- қилса гуноҳ, беадаб бўладиган;
- оқибати ёмонликка келадиган;
- кўнгилда нафрат каби туйғуларни уйғотадиган;
- ҳамда Аллоҳ ўз Каломи мажидида, Пайғамбаримиз муборак ҳадисларида;
- қилмоқликка буюрганларни бажаришга зўр бериш;
- қилма, деб қайтаргандаридан;



– гунохлиги баён этилган ишлардан тиийилиш тушунлади.

Демак, тақво, пархез қилған киши Аллоҳга бўйсунган, жаноб Пайғамбаримизга тўлиқ эргашган бўлади. Бу барча фойдаларнинг тутганимас булоғидир.

Шунинг учун ҳам талаба, тақво ва пархезни ўзининг йўлдоши қилмоғи керак. Бир муборак ҳадисда:

– Ким илм талаб қилаётган вақтида пархез ва тақвога риоя қилмаса, Аллоҳ унга учта оғир бало юборади. Ўзи билмаган ҳолда қаттиқ имтиҳон қиласди:

Биринчиси, дунёни тоату ибодатсиз, солиҳ амалларсиз ва гуноҳлари мағфират бўлмаган ҳолда тарк этади.

Иккинчи, бой ва беҳожат қилиб қўяди. Дунёдан камчилик ва парвардигорини эслатадиган қийинчилик кўрмасдан, дунё лаззатига ғарқ бўлиб ўтади.

Учинчи, султону амалдорларнинг хизматига мубтalo қилиб қўяди. Шариатнинг ўзига эмас, балки Аллоҳнинг баъзи қулларига шариат номидан хизмат қиласди, – дейилган.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам толиб тақволик ва пархезкор бўлса, илму амали манфаатли бўлаверади. Таълими енгилроқ ва пухтароқ бўлаверади.

Толиби илм пархез ва тақво қилиши учун баъзан қўйидаги икки омилга риоя қилмоғи керак:

1. Ҳаддан зиёда тўйиб овқатланишдан;
2. Кўп ухлашдан ҳам сақланиши керак. Чунки ортиқча таом ва кўп ухлаш кишида ишёқмасликни, дангасалик келтиради ва тетикликни кеткизади. Шунингдек, кўп гапириш ва бошқа барча ахлоқи замималардан сақланмоғи зарур.

Бекорчи ва фойдасиз ҳар қандай гап-сўзлар қиёмат куни қаттиқ азобланишга, бу дунёда одамлар атрофи-

дан аста узоклашишлари ва нафратланишларига сабаб бўлади.

Бозор учун таёрган таомлардан ҳам сақланмоғи зарур. Чунки улуг зотлар бозор таомларини нажосатга яқин деганлар. Бир сабаби, бу овқатлар Аллоҳ зикридан йироқ ва тановул қилган кишини ғафлат ботқоғига туширади. Унга факир-камбағаллар, етим, беваларнинг кўзлари тушиб, ея олмаганлари учун кўнгиллари азият чекиб, кўп қийналадилар. Бу таомнинг баракотини кеткизади. Натижада шубҳали овқатлардан бўлиб қолади.

Ҳикоя қилишларича, шайхул ислом, буюк имом ҳазрат Муҳаммад ибн Фазл (раҳимаҳуллоҳ) талабалик йилларида бозорда ва бозор учун тайёрланган таомларни тановул қилмас эдилар. Оталари бадавлат кишилардан эди. Ҳар жума куни ўғилларининг таомларини ғамлаб кетар эдилар. Бир куни ўғилнинг хонасида бозор нонини кўриб қолдилар ва бундан қаттиқ ранжидилар. Ғазблари келиб бир неча кун гаплашмадилар. Ўғиллари кўп узрлар айтиб:

– Уни мен сотиб олмадим, бунга рози ҳам эмасман!
Уни шеригим келтирибди. Мени авф этинг! – дейди.
Оталари эса:

– Агар сен эҳтиёткор бўлганингда эди, парҳезлик ва тақводор бўлганингда, шеригинг уни сотиб олишга журъат қилмас эди. Бемаза тақвоингни белгиси бўлиб, уни емасанг ҳам хонангда турибди, – деб маломат қилдилар.

Аввалгилар шундай тақво ва парҳезкор бўлганлар ва бунинг шарофати билан илму фикҳга ва амалга муваффақ бўлганлар. Илмни ўз ўрниларига етказишга эришганлар. Шу сабабдан муборак исмлари рўзи қиёматгача боқий қолди.



Тақводор, фақиҳ бир зот васият қилган эканлар:

– Энг аввало сен ғийбатдан сақлан;

– Кўп гапирадиган кишининг мажлисидан зўр бе-риб узоқ бўл; Кўп гапирадиган киши умрингни, вақ-тингни зое қиласди. Кўп гапиравчининг барча гаплари ёлғон ва тўқима бўлади. Бу оғир гуноҳ бўлиб, ёнида бўл-ганинг унинг жиноятига шерик бўласан ва жазосини ҳам бирга оласан.

Барча бузғунчи, аҳли фожир, фосиқлардан ҳам эҳти-ёт бўлиш парҳез ва тақво ҳисобланади.

Гуноҳ ишларга чақирувчи, бекорчи ва дангасалар-дан нари бўлиш ҳам тақво ва парҳездир. Чунки «сухбат таъсирини ўтказувчидир», сухбатдош ўз асарини қол-диради. Бу тоифа кишилар билан муомала қилиш тез фурсатларда уларнинг доирасига кириб бориши билан якунланади. Кейин бундан қутилишнинг иложи бўл-майди.

Шунингдек, дарсни қиблага юзланиб тайёрлаш ҳам парҳез ва тақводандир.

Жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нинг муборак суннати, одобу ахлоқлари билан ахлоқ-ланган бўлиши тақво ва парҳезнинг асосидир.

Толиби илм солиҳ инсонлар, дуогўй, ёши улут отахо-ну онахонларнинг дуоларини олиш, назарларини то-пишни ғанимат билиши керак. Албатта мазлум ва бош-қаларнинг қарғиши ва ёмон дуоларидан сақланмоғи шарт бўлади.

Ҳикоя қилишларича, икки киши ёшлиқ чоғларида илм талабида узоқ юртларга кетган эканлар. Узоқ юртларда ғариблик ва қанча машаққатлар чекиб бир неча йиллардан сўнг ўз ватанларига қайтиб келган эканлар. Бу вақт давомида бир бирларидан ажрал-мабдилар. Аммо бирлари етук олим даражасига етиб-

ди, шериги эса илм әгаллай олмабди. Шунда диёрларининг олимлари бу ҳолдан ҳайрон бўлибдилар. Кейин ўзларидан қандай ўқиганлари, такрорлари қай ҳолда бўлгани ва қандай ўтириб таълим олганлари ҳақида сўрабдилар.

Илмга ноил бўлган йигит доим қиблага юзланиб ўтиргани, таҳорат билан ўқиганини, такрорлари ҳам мана шундай бўлганини айтиби.

Шериги эса, қиблага орқа қилиб ўтириб дарс ва такрор қиласар экан. Шунда шаҳар олим ва улуғлари шундай хулосага келибдилар:

Каъбага юзланмоқлик ва ҳурматини эътироф этганининг баракоти билан унга илмдан насибаси мустаҳкам етган. Шундан олим ва фақиҳлик даражасига эришган. Хулқу одоби билан кишиларнинг самимий меҳр ва эҳтиромларини қозонган. Дуолари фазилати мана шу мақомга соҳиб қилган, – дебдилар. Каъбага юзланиш, уни улуғлаш суннат амаллардан ҳисобланади. Фақат зарурат вақтдагина бошқа томонга юзланиш жоиздир.

Айтишларича, бир дуоси мустажоб инсон ҳалиги йигитни ҳаққига дуо қилган экан.

Толиби илм суннат ва одоб ҳисобланган амалларни бажаришга қаттиқ туриши керак.

Ҳаётий тажрибалардан маълумки, ким суннат ва одоб амалларини писанд қилмаса, уларни ихлос билан бажармаса суннат ва унинг баракотларидан маҳрум бўлади. Суннатни менсимаган ва фазилатларидан маҳрум киши, фарзлардан ҳам, яъни савобу ажрларидан бенасиб бўлади. Ким фарз амалларига аҳамият бермаса, ихлос ва эътиқод билан адo этмаса ўз охиратидан маҳрум бўлади. Мўминларга берилажак имтиёз-



лардан насибаси узилади. Баъзилар ушбу сўзларни барчасини жаноб Расулуллоҳнинг ҳадиси шарифларидир деганлар.

Фарз ва суннат намозлар қаторида, нафлларини ҳам кўпайтириш толибнинг парҳез ва тақвосига омиллардир. Намозни хушуъ, ховф билан ва шикаста бўлиб ўқимоги керак бўлади. Бу ҳол илмига беназир туртки бўлишига шубҳа йўқдир.

Шайхул ислом, буюк имом, зоҳид, обид, кўп марта ҳаж амаллари бажарган Нажмиддин Умар ибн Мухаммад ан-Насафий (раҳимахуллоҳ) ҳазратларидан шеър айтганлар:

*Камол эт қасбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак-биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.
Олим агар қатъий амал айласа,
Илмиға шойиста амал айласа,
Ани шараф гавҳарини кони бил,
Гавҳару кон, ҳар не десанг они бил!..
Кимки, бу иқбол анга бўлғай насиб,
Солмаса дунё сари кўз, не ажиб,
Эгнида гар хирқаси юз чок эрур,
Гулга тўни йиртуғи не бок эрур,
Кунгаки, урёнлиқ эрур зийнати,
Тийра бўлур, бўлса булут хилъати.*

Шариати кўрсатмалари, буйруқ ва қайтариқларига қатъий амал қилувчи, шариат чегарасини мухофаза этувчи бўл! Беш вақт намоз ва бошқа ибодатларингга мустаҳкам ва бардавом бўл! Шу ҳолингда шариат илмларини талаб қил! Яхшилар ва яхшиликларга сுян!

Покликдан қувват, мадад ол! Мана шунда камол топасан, илму ирфон денгизида балиқ каби сузасан, олиму факих бўлиб етишасан! Ёлғиз Аллоҳнинг фазлу иноятига умидвор бўл! Зеҳнингни ўзи муҳофаза қилишини шикасталик билан сўрагин! Аллоҳу хойрун ҳофизан!

Яна дебдилар:

– Эй, фарзандларим! Аллоҳ ва унинг пайғамбариға ҳамда устозларингизга итоат қилинглар! Уларга сўзсиз бўйсунинглар! Ўз мақсадингиз йўлида жидду жаҳд қилиб тиришинглар! Зинҳор дангасалик ва бепарволик қилманглар! Бизларни йўқдан бор қилган парвардиго-рингиз ҳузурига қайтишингизни ёдингиздан чиқарманг! Кечалари бамайлихотир ёнбошингизни кўрпага қўйиб уйқуга ётманг! Зеро, яхши инсонлар кечалари кам ухлаб, уни раббиларига тазарру, ибодат ва дуюю истиғфор билан ўтказадилар.

Талаба доим кичик дафтарча (блокнот) ва ёзув куроллари олиб юришни одат қилсин! Зарур маълумотларни дарҳол ёзиб олиш имконияти ҳосил бўлади. Баъзи донишмандлар:

– Кимнинг чўнтагида дафтар юрмас,
Қалбига хикмат ҳам кирмас, – деб огоҳлантирганлар.



12-ФАСЛ

ЗЕХННИ МУСТАҲКАМЛАЙДИГАН ВА ЁДДАН КҮТАРИЛИШНИ ҚОЛДИРАДИГАН ИЛЛАТЛАР ТҮҒРИСИДА

Талаба ўз устида доим ишлаши, илмини тарақкый эттириши керак. Бунинг учун фахм-фаросат ҳамда зеҳнининг ўсишига ва мустаҳкамланишига киришмоги зарур бўлади. Қувваи ҳофизани кучайтирадиган омиллардан бири ўз вазифасига жиддийлик ҳамда бардавомлик билан ёндашиши ҳисобланади.

Толиб ўз зеҳнини ўстириш учун таомини ҳам бироз камайтириши керак. Кечаларидағи намозлар, Куръони каримга қараб ўқиш ҳифзни оширадиган амаллардан саналади.

Улуғлар жаноб Пайғамбаримиз ҳадис шарифларига биноан, инсон зеҳнини ва фахму фаросатини зиёда қиладиган асосий манба – китобга қараб Куръони каримни тиловат қилиш, деб башорат берганлар. Чунки Жаноб (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Умматимнинг энг афзал амали китобдан Куръони каримни тиловат қилишларидир, – деганлар.

Улуғ валийлардан бўлган Шаддод ибн Ҳаким (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратлари тушларида замондош ўтган бир улуғ зотни вафотидан кейин кўрган эканлар. Шунда ундан:

– Қайси қилган амалингиз фойдалироқ экан, кўпроқ баҳра олдингиз? – деб сўраганлар. Ул зот:



– Китобдан Куръони каримга қараб ўқишиң бизга кўп баҳра етказди, – деб жавоб берган.

Чунки қараб ўқилганда киши шошилмайди, ояти карима маъноларини яхшироқ тафаккур қилишига имкон бўлади. Бу, шубҳасиз, зеҳнни ривожлантирадиган омиллардан биридир.

Толиб дарслигини, китоб-дафтарини қўлига олаётгандан ушбу калималарни айтмоғи керак:

Бисмиллаҳи ва субҳаналлоҳи вал-ҳамду лиллаҳи ва ла илаҳа иллаллоҳу валлоҳу акбар, вала ҳавла вала қуввата илла биллаҳил алиййил азиймил азизил алим. Адада кули ҳарфин кутиба ва юктабу абадал абадина ва даҳрад-даҳирин.

(Аллоҳ исми билан бошлайман. Аллоҳ барча нуқсондан пок зот. Ҳамд, чексиз мақтов Аллоҳга хосдир. Аллоҳдан бошқа ибодат қилишга лойик маъбуд йўқ. Куч-қудрат, қувват Аллоҳники, ҳар ишга қодир бўлиш фақат Аллоҳ билан бўлади. У жуда улуғ, бекаму кўст қодир, ҳамма нарсани билувчи зот. Ёзилган ва ёзилажак ҳарфлар сонича абадий, доимий (шу зикрларни айтаман.)

Дарсни туттагандан мана буларни айтмоғи керак:

Аманту биллаҳил вахидил аҳадил ҳаққи вахдаҳу ла шарика лаҳу ва кафарту бима сиваҳу.

(Ҳақ бўлган, яккаю ягона, мулку тасаррӯфотида ёлғиз, шериги йўқ Аллоҳга имон келтирдим, унинг бору бирлигига, қудратига ишондим. Аллоҳдан бошқа барчасига, ишончимни бермадим, куфр келтирдим.)

Талаба жаноб Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайхи ва саллам)га салавот айтишни зиёда қилмоғи ҳам зеҳнига ижобий таъсир кўрсатади. Чунки улар Сарвари Коинот, ўн саккиз минг оламга раҳмат қилиб юборил-



ганлар. Ҳақ таоло у зотни “Рахматан лил ъаламин” яъни, бутун оламларга раҳмат пайғамбари қилиб юбордик, деб мадҳ этган. Салавотнинг фазилатига бу ояти карима ҳам далолат қиляпти.

Шунингдек, мисвок тутиш, яъни тиш тозалаш, оғзи-ни бадбўй бўлишдан сақлаши ҳам зеҳнни чархлайдиган омилдир. Ҳазрат Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) мисвок фазилатларини баён қилиб, зеҳн учун фойдасини алоҳида таъкидлаганлар.

Асал еб туриш, ёнғоқни шакар билан аралаштириб ейиш ҳамда ҳар куни йигирма бир дона қизил майизтановул қилиб туриш зеҳнни мустаҳкамлади. Майизни ўз сўлаги билан емоғи тавсия қилинади. Бу баъзи касалликларга даводир.

Билгилки, нима оғиздаги нам, балғамни камайтириб йўқотса, у зеҳнни ўткирлайди. Балғам, оғиздаги намликни зиёда қилса, у зеҳнни ўтмаслаштиради. Нисён – унутиш касалини кучайтиради.

Аммо зеҳн паст бўлишига гуноҳ ишларга мойил бўлиш, ибодатга аҳамиятсизлик ва дунё ғам-ташвишларига берилиш ҳам сабаб бўлади. Бу қалбни банд қилади, дунёвий ҳожатларини кўпайтиради. Байт:

*Вакийъ ҳазратларига қилдим шикоят,
Зеҳну иқтидорим менга ғам-ҳасрат.
Деди: чекма ташвиш зеҳну иқтидорингга,
Лекин авлороқдир ғамноклик гуноҳингга.
Маъсияту гуноҳни тарк этиб ўт,
Тариқи мустақимга ихлос ила ўт.
Ҳифзу қувватингга раббинг иноят айлар,
Яна қўп яхшиликларга ҳидоят айлар.
Гуноҳни тарк этгину халқ аро мумтоз бўл,*



*Ҳақнинг ҳузурида соҳиби имтиёз бўл.
Гуноҳингга тавбаю надомат йўқ
Раббингни ҳузурида баҳту саодат йўқ,
Бўлиб қолур абад шиоринг маҳрумлик,
Бўлиб қолур шамоилинг мазмумлик.*

Ақли расо инсон ҳеч қачон дунё ишларига ғамташвиш чекмайди, ғам-ғусса, алам тортишнинг зинҳор фойдаси йўқ, аммо зарари бор.

*Дунё учун ғам ема, Ҳақдин ўзгани дема,
Бирор молини ема, Сирот узра тутаро!*

(Хожа Аҳмад Яссавий)

Ваҳоланки, дунё ғами, орзу-ҳаваслар қалбни зулмат билан қоплайди. Бундай қалб эгасини ичи доим қиши, ҳеч ёришмас. Охират ғами эса, қалбга ёруғлик беради ва бу нур киши юзида, ибодатларида кўринади. Бу улуг нур намоз ўқиш, барча хайрли амалларга чорлайди. Дунё учун ғамдан ман этади, ҳаёлни турли ўй-фикрлар банд бўлишдан қайтаради. Чунки дунё ташвиши ибодатдан тўсади, охират ташвиши эса ибодатга чақиради.

Барча яхшиликлар ибодатdir. Намозни шикасталик билан ўқиш ва илм таҳсил қилиш ғам-қайғуни самарали кетказувчи омилdir.

Ҳазрат шайхуў ислом, буюк имом Наср ибн Ҳасан ал-Марғиноний (раҳимаҳуллоҳ) ўз қасидаларида айтганлар:

*Эй, Наср ибн Ҳасан! Сенга айтай насиҳат!
Яна билки, имонли қулоққа киргай насиҳат!*



*Илмнинг бари ҳазинадир, баҳоси йўқ,
Соҳибининг дилида дунё ғавғоси йўқ.
Илмдек вафодор борму дунёда,
Илмдек шифокор борму дунёда.
Ғаму ташвишларга малҳамдур илм,
Дарду аламингга дармондур билим.
Илм Ҳақни танитар, шундан ул зоҳир,
Бошқалари Ҳақдин бураг, шундан ул ботил.*

Шайхул ислом, буюк имом Нажмиддин Умар ибн Мухаммад Ҳасан ан-Насафий (раҳимаҳуллоҳ) ҳазратлари умму валадлари ҳақида шундай байт ёзганлар:

*Чу сайд этди бир нозанин
Меҳру қалбим риштасин тутмоқ учун.
Лек айтдим анга: мани қўйгин холий,
Қалбимда йўқдур макон санга,
Илм риштасин тутмоқ учун.
Илм тақво ва фазилатга йўлбошчи,
Англаким, барча бойликлар сардори.*

Зийраклиги, донолиги билан мени ўзига боғлаб олган ва яноқларининг яшнаши ва қўзларининг малоҳати билан мени ром қилган зотга саломлар бўлсин! Мени шундай койидики, бир гўзал, малоҳатлик жонон ёқтириб қолди. Унинг васфини аниқ тасвирлашга, хулқу кўринишини маромига етказиб сифатлашга ақл ҳайрон қолди. Шунда унга: «Мени холи қўй! Узрларими ни қабул эт! Хоҳишиларингга юролмайман. Чунки мен вужудимни илм олишга бағишилаганман! Қалбимни фақат шу кучли ўраб олган. Билсанг, мен улуғ фазилат, парҳез ва тақво талабидаман. Бу барча бойликлардан

ҳам бебаҳодир. У дунё муҳаббатини танимоқдан ҳам беҳожат қилур!» – дедим.

Аммо ёдда сақламасликни ушбу ишлар ҳам содир этади:

- ҳом пиёз, нордон олмалар ейиш;
- осиб қўйилган нарсаларга қарашиб, масалан: ювилган кирлар ва шу кабилар; шунингдек,
- қабристондаги ёзувларни ўқишиб;
- туяларни орасидан ўтишиб;
- бит-бургани ўлдирмай ташлаш ҳамда
- кумуш асбоблар билан елкадан қон олдириш – буларнинг ҳаммаси зеҳнни заифлашувини келтиради.



13-ФАСЛ

РИЗҚ ҲАМДА УМРНИ ЗИЁДА ВА КАМ ҚИЛАДИГАНЛАР ТҮГРИСИДА

Шубҳасиз, толиби илм нима овқат еяётганига эътибор бермоғи шартдир. Ҳалол, пок ҳамда шубҳа, макрухлардан ва албатта, ҳаромдан холий бўлмоғига қаттиқ ҳаракат қилмоғи керак. Барча озуқалар бу жасаднинг қувватини таъминласа, инсон шу қувват билан дунё ва охират ишларини бажаради, ибодат қиласи, илм ўрганади ва касб-хунар қиласи.

Шунинг учун, толиб озуқасига тегишли барча илмлардан боҳабар бўлмоғи, уларни оғишмай татбиқ этмоғи зарурдир. Нима таомларига барака келтиради ва маҳрум этади, буни яхши билмоғи керак бўлади. Шунингдек, умр ва саломатликни зиёда ва мустаҳкам қиласиданларни ҳам яхши билиши зарур. Шунда илм учун қилган ҳаракатлари зое кетмайди, балки илм ва тажрибаларини оширишга имкониятлари кенгроқ бўлади. Улуғлар буларнинг ҳар бири ҳақида кўплаб китоблар ёзганлар. Ушбу ўринда шу китобларда баён қилинган баъзи зарурий масалаларни келтирамиз.

Жаноб Пайғамбаримиз Мұҳаммад (соллаллоҳу алайхі ва саллам):

– Аллоҳ таолонинг белгилаб қўйган тақдирини ҳеч нарса ўзгартира олмайди, фақат дуогина, у ҳам тақдир илоҳий ила ўзгартириши мумкиндир.

Аллоҳ белгилаган тақдирдаги инсон умри ҳам бирон сабаб билан узайиши ёки камайиши мумкин

эмас, аммо яхшилик умрни зиёда қиласы, – деганлар. Ушбу ҳадиси шарифни давомида:

– Ҳақиқатда киши йўл қўйган камчилиги ва гуноҳи билан ризқ-насибасини кесиб қўяди, боридан ҳам маҳрум бўлиб қолади, – дейдилар.

Ушбу муборак ҳадис гуноҳу камчиликлар инсон ризқини камайишига сабаб эканини билдираяпти. Ризқни камайишини келтирадиган омиллардан бири ёлғончилик бўлиб, жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхি ва саллам):

– Ёлғончилик факирлик келтиради, – деб огоҳ эттганлар. Оят ва ҳадислар ҳукмига қараганда, ёлғончилар Худога банда, Пайғамбаримизга уммат бўлиш ва мўмин-мусулмонлик даъвосини қилишларига ҳақлари йўқ экан.

Яна насибани нуқсонга юзланишига бир сабаб тонгдаги уйқудир. Зоро, кўп ухлаш факирлик келтиради, зеҳнга салбий таъсир қиласи. Шунинг учун илм эгаллашида ҳам асарини қолдиради. Шеър:

*Кийим киймоқ келтирур қалбга суур,
Соҳиби илм бўлмоқ ифтихор ҳам ғурур,
Тарқ эта билсанг эди мудроқ ва уйқуни.*

Инсоннинг шодлиги кийим-кечак кийишда бўлса, илмга эга бўлиши эса мудроқ ва кўп уйқуни тарқ этишдадир.

Яна айтган эканлар:

*Ғанимат билганга кечалар қандай улуғ ғанимат
Кеча ҳам умринг бир қисми, бекор кетмасин,
Ема пушмон, қилма душмон, чекма узоқ надомат!*



Кечаларни фойдасиз ўтиб бораётгани ва бу кечалар эса умримиздан ҳисобланиши энг катта надомат эмасми?!

Шеър:

*Азизим! Кечангни бедор тут!
Намозу дуо, қўзда дур тут!
Мушаррафи рушду ҳидоят,
Омилга гувоҳ ҳадису оят.
Ажаб! Кўрқув кўринмас фаолингда,
Кечалардин не ҳисоб бор маолингда?*

Эй сен! Кечалари ибодатга тур! Намозу дуога қоим бўл! Шоядки, тўғри йўлга мушарраф бўлсанг! Рушду ҳидоятга ноил бўлсанг! Қанча кечаларни уйқу билан ўтказдинг!? Умринг эса ўтиб тугаб бораяпти! Огоҳ бўлсангчи!?

Куйида зикр қилинган ҳар бир амални толиб ёдлаб, ундан доим сақланиш тадоригини қўрсин!

1. Кийимсиз, ялонғоч ҳолда уйқуга ётиш. Албатта кенг шарвар каби кийимда ётиши керак бўлади.
2. Ялонғоч ҳолда табиий ҳожатларини чиқариш (бавл, ғонит қилиш).
3. Гусл вожиб бўлган – жунуб ҳолида ейиш, ичиш.
4. Ёнбошлиб тановул қилиш.
5. Дастурхон устига тушган нон ушоқлари ва бошқаларни исроф қилиш, умуман увок-ушоқларни назарга олмаслик.
6. Пиёз ва саримсоқнинг пўчоқларини ёндириш.
7. Кеч тушганда уй супуриш. (Шунинг учун уй, ҳужрани тозалашни, супуриб-сидиришни кундузи қилиб қўйиши керак.)



8. Уй, ҳужра ва ҳовлида, бошқа жойларда ахлат ва шу каби кераксиз нарсаларни қолдириш, тўплаб қўйиш.

9. Ўзидан ёши катта, устоз ва қарияларнинг олдига тушиб юриш, ҳатто баробар юришдан сақланмоғи керак.

10. Ота-онасини исмини айтиб чақириш, мурожаат этиш. Бирон жойда сўралганда ҳам исмларини айтишдан сақланмоғи маҳбуброқдир. (Зарур ўринлар бундан мустасно.) Ушбу одоб ота-онага риоя қилиниши талаб этилган. Чунки улар вужудга келишингга сабаб бўлган улуғ зотлардир. Аммо жамиятдаги ўрнингга, илму ҳунарга эга бўлишингга асосий сабабчи устоз ва мураббийларга ҳам бу одобни қўллаш айни муддаодир.

11. Ҳар қандай чўп ва нарсалар билан тиш кавлаш. Оғизнинг бадбўй бўлишидан сақланмоғи керак. Албатта бунинг учун тишларини вақтида тозалаб бориши ва ҳидларни кетказадиган ашёлардан фойдаланмоғи зарур бўлади.

12. Кўлларини лойқа сув билан ювишдан ва тупроқ билан тозалашдан узоқ бўлиши керак.

13. Остона ва зиналарга ўтириш.

14. Эшикка суюниш, унга осилишдан сақланмоғи керак.

15. Ҳожатхонада узоқ ўтириш, бадбўй ҳидларни ҳидлаш. Масалан: бундай жойларда газета-журнал, китоб ўқиш зехнга салбий таъсир кўрсатади.

16. Тик туриб енгил ҳожатинираво қилиш, бавл қилиш одобсизлик ҳамда тарки суннатdir.

17. Кийимни кийган ҳолда тикиш, тутмасини ўтказиш, таъмиглаш.

18. Енг, этаги ва кийимлари билан юзи ва баданларини артиб қуритиш.



19. Ўргимчак инларини қолдириш, тегмаслик. Ривоятларга кўра, ўргимчак уй эгаларини ҳалокатга учрашларини тилаб:

– Улар йўқ бўлса эди, бу жойларни ўзим эгаллардим,
– деб ният қилас экан.

Ҳозирги тадқиқотчи олимлар ўргимчак инлари инсон асаб ва соғлигига таъсири борлигини аниқлаганлар. Ўргимчак уясини бузиб ташлаш суннатдир.

20. Энг асосийларидан бири – намозга бепарво бўлиш, вақтида ўқимаслик, таҳорат ва рукнларни номигагина бажариш. Намозда шикасталик, хушу-хузуъни тарқ қилиб, кибр-ҳаво билан туриш ва ҳакозоларни ҳаммаси қалб нурини заифлаштиради, имон ва тақвони йўқотади.

21. Масжидга – жамоат намозига ҳаммадан энг охира кириб, энг биринчи бўлиб чиқиш.

Айниқса, аср ва бомдод намозларидан кейин оз вақт ҳам ўтирмай дарҳол чиқиб кетиш тақво, илм ва бошқа фазилатлардан жуда катта маҳрум қиласди.

Ҳадиси шарифларда, мўмин масжидда гўё балиқ сувда ҳаётдан баҳра олгани каби, мўмин ҳам масжидда яйрайди, кўнглида хотиржамлик пайдо бўлади. Мунофиқ ўзини масжидда қафасга тушган қушдек ҳис қиласди. Беҳаловатлик билан қўнимга жой тополмагани каби, имкон топиши биланоқ дарҳол масжиддан чиқиб кетади. Толиб эса ҳақиқий имон соҳибининг хислатлари эгаси бўлмоғи керакдир.

22. Бозорларга тез-тез бориш, борганда ҳам эрта бориб кеч қайтишни одат қилиш, албатта ёмон кўрилган ишдир. Чунки бозорда турли одамлар ва воқеаларга кўзи тушади, хаёли бўлинади, илми ва йўлидан чалғиади. Қимматли вақти зое кетади.



23. Тиламчилик учун қўл узатиш ҳамда ўзи қила оладиган ишларни бошқа бирор қилиб беришини сўраш нафратлик ва жуда нолойиқ ишдир.

24. Ота-онаси, устозлари ҳақида ёмон фикр юритиши, сўкиш, ношоиста тилаклар билдириш, шунингдек, бошқаларга ҳам шундай муносабатда бўлиш, ҳақоратлаш фақат ўзи учун энг оғир оқибатларни келтиради.

25. Идиш-товоқларда хамир юқини, косада овқат юқини қолдириш, юғиндини ноўрин ерларга ташлаш яхши эмас. Идишни дарҳол ювиб қўймасдан ташлаб кетиш кабилардан сакланмоғи керак.

26. Чироқни нафаси билан пулаб ўчиришдан узоқ бўлсин. Чунки буларнинг барчаси фақирлик, мухтожлик ва бирорга қарам бўлишни юзага чиқаради.

Шубҳасиз, булар оят ва ҳадис билан ҳамда улуғ зотларнинг ҳаётий тажрибалари билан аниқ ва қуёшдек равшан исбот этилган.

27. Синган, қуриб қолган, сиёҳи йўқ қалам билан ёзиш.

28. Синган тарокда соч тараш.

29. Ота-она ҳаққига дуо қилмоқни тарк қилиш.
Устоз ва мураббийларни ҳам дуо қилмаслик.

30. Саллани ўтирган ҳолда ўраш, чунки бу беадабликдир.

31. Шим, шалвар каби либосларини туриб кийиш.

32. Бахил ва хасис бўлишдан ўзини узоқ тутмаслик.

33. Ўта иқтисод қилиш, жуда ҳам тежамкор бўлиш.

34. ИсроФгарлик.

35. Боқимандалик, дангасалик, ялқовлик кабилардан узоқ бўлмаслик.

36. Бепарво, ҳар бир ишга лоқайдлик билан қарашиб, катта-кичик амал бўлмасин, уни менсимаслик, назарга олмаслик.



37. Ҳикмат, ибрат олмаслик ҳам ҳаммаси фақирликни чакиравчи амаллардан ҳисобланади.

Жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– **Яхшилик ва садақалар билан ризқу насибан-гизни Аллоҳ таолонинг даргоҳидан тилаб олинглар!**
– деганлар.

Эрта тонгда, бомдод намози вақтида кўп яхшилик ва баракотлар бор. Бу вақт муборак вақтдир. Унда неъматлар зиёда ва мўл-кўл қилиб берилади. Хусусан, инсон дуоларини шу соатларда талаб қилса, шубҳасиз дуоси ижобат бўлади. Ўзи фазилатга эришади. Халқимизда: «Эрта турганнинг ризқини Худо етказади», – деган мақол бор. Мазкур ишоралар ўз ифодасини топган.

Хусни хат ризқ-насибани жалб этиш калитларидан биридир.

Шунингдек, очиқ чехралиқ, инсонларга ним табассум билан боқиш ҳам гўзал ахлоқлардандир. Табассум кибру ҳаво ва мазаҳдан йироқ, самимий бўлиши керак.

Ширин сўз бўлиш ҳам ризқни кўпайтиради.

Ҳазрат Ҳасан ибн Али (розияллоҳу анҳумо)дан ривоят:

– Ховли ва ён атрофларни супуриб тозалаб қўйиш ҳамда идиш-товоқларни ювиб озода тутиш бойликни жалб қилувчи асосий сабаблардан биридир.

Яна ризқ насибани энг кўп жалб қиласиган омил намоз ўқиши ҳисобланади. Намозлар камоли одоб, шикасталик, хушу-хузу билан адo этилмоғи айни муддао бўлиб, ризқни тез фурсатларда мўл-кўл бўлишига боисдир. Барча аркон, вожиб, суннат, мустаҳаб ва одобларига қатъиян риоя қилган ҳолда намозга киришиш мазкур улут фазилатларнинг негизидир.

Жаноб (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) чоштгоҳ (зухо) намозининг фазилатлари ичida ризққа манфаат бера-

диган жиҳатларини башорат қилганлар. Зухо намози шу фазилати билан машҳурдир.

Куръони карим ўқиши ҳам насибани зиёда қилувчи бир омил ҳисобланади. Кечалари Воқеа сурасини тиловат қилиш кўп фойдали эканига ҳужжатлар бор. Шунингдек, Мулк, Муззаммил, Лайл, Шарҳ ва бошқа сурай карималарни ўқишида ҳам шундай яхшиликлар борлигига ҳадис шарифларда баёнлар бор.

Ризқ жалб қиласидиган омиллардан бири аzon айтишидан илгари намозга масжидда ҳозир бўлишни олимлар айтганлар. Ҳар доим намоз азонини масжидда эшитса, бу иш зехнига самарали таъсир қилишига шубҳа йўқ. Муборак ҳадислар мазмунидага масжидга биринчи келадиган инсон фазилатлари баён қилиниб, унга фаришталар масжиддан чиқиб кетгунича хайрли дуолар ва истиғфор айтиб туриши келтирилган. Аллоҳ фаришталарининг дуосини тўсиқсиз қабул қиласиди.

Доимо таҳорат билан юрмок, бутун бадани ва либосларини ҳам пок, озода тутмоғи, бунга бардавом бўлмоғи ризқу насибасига ижобий шаббодаларини уради.

Таҳорат билан юрувчи кишини шайтон алайҳиллаъна вассасага солмаслиги ривоятларда келтирилади. Хато ва нуқсондан сақланмоғи мумкин бўлади. Таҳорат билан юрувчи инсонни муҳофаза қилиш учун фаришталар муваккил қилиб қўйилади. Ҳар бир босган қадамлари тоат-ибодатга ҳисоб, агар шу ҳолда бокий дунёга борса, имон билан шахидлар мақомида боради.

Шунингдек, бомдоднинг суннатини ҳамда витр намозини уйда ёки ўз ҳужрасида адо этиш ҳам фойдали амаллардан бири ҳисобланади. Агар намозни жамоатда ўқиётган бўлса, витрни жамоатда ўқимоғи зарур бўлади. Жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):



– Бомдод намозининг суннати бу дунё ва дунё-даги барча нарсалардан афзалдир, – деганлар. Бу муборак ҳадис суннат намозининг улуғ даражада эканига далилдир.

Дунё гап-сўзларини иложи борича тарк этади, айниқса намозлар орасида, витр намозидан кейин, суннат ва фарзлар орасида дунё гап, барча феълларни тўхтади.

Хотин-қизлар билан зарурат бўлгандагина гаплашади. Аммо гапини чўзиб юбормайди. Аёлларни орзу-ҳаваслари бисёр бўлгани уларнинг сухбати дунё муҳаббатини очиб қўйиши мумкин. Бу энг улуғ балолардандир.

Лағв, яъни дунё охиратга фойдаси бўлмаган, балки заарли барча сўз ва ҳаракатларни ташламоғи керак бўлади. Чунки бу ўзига билдиrmай гуноҳларга етаклаши мумкин. Безоридан Худо безор. Донишманлар:

– Ким бу дунёсига ҳам, охиратига ҳам кераги йўқ, бефойда иш, гап-сўзлар билан шуғулланса, жамлаган ҳамма яхшилигидан айрилади, – деганлар. Донишманд Бузругмехр:

– Агар кўп гапирадиган кишини кўрсанг, унинг мажнун эканига, ақли заифлашиб қолганига аниқ ишонавергин! – деб ҳикмат сочган эканлар.

Ҳазрат Али каррамаллоҳу важҳаҳ бу ҳақда шундай деганлар:

– Билгилки, ақл камол топса, оғиз сўзга очилавермайди.

Зоро, гапирса ҳикмат ва фойдали гапларни гапиради. Ахлоққа оид китобларда бу тўғрида шеър бор:

*Ақлнинг камолига белги тафаккурлик сукут эрур,
Тилнинг отганин бил дурру ҳикмат, бебаҳо ёқут эрур.
Ҳар неки, тил ўзидан отди, соҳибига ахмоқ ном отди.*

– Агар кишининг ақли камол топса, гаплари камаяди. Кўп тафаккур қилиб, ўлчаб, кесиб гапирадиган бўлади. Кишининг ахмоқлигига ишонч ҳосил қиласкергин, гар у эзма бўлса, бўлар бўлмасга оғиз жуфтловчи бўлса.

Нутқ – инсон зийнати, кўрки. Жим туриш, сукут сақламоқ эса саломат ва тинчликдир.

Гар сўзласанг оз сўзла ва лекин соз сўзла! Шаҳар бекор қолмасинга яратилган, вайсақи зинҳор бўлма! Жим туриш, сукутимга бир марта надомат чекдим, жоним роҳатда бўлди. Аммо гапириб, кўп надомат чекдим, жоним роҳат топмади.

Ушбу дуоларни кўрсатилган вақтларда ўқиши одат қилиш киши ризқига зиёдалик ва баракотларни келтиради.

1. Ҳар куни тонг киргандан кейин намоз вақтигача юз маротаба:

Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи ва астагфируллоҳал азим ва атубу илайҳи.

Аллоҳни барча камчилик, нуқсонлардан поклайман ва уни мақтовлари билан мақтайман. Улуғ Аллоҳга истиффор айтаман, ўзига тавба қиласман.

2. Эртаю кеч кирганда юз марта:

Ла илаҳа иллаллоҳул маликул ҳаққул мубин.

Ҳамма нарсаларни очиқ баён қилувчи, ҳақ ва ҳақиқат соҳиби, безавол мулк эгаси Аллоҳдан ўзга ибодат ва сифинишга лойиқ зот йўқдир.

3. Бомдод ва шом намозларидан кейин ўттиз уч марта:

Алҳамду лилаҳи ва субҳаналлоҳи ва ла илаҳа иллоллоҳу.

Ҳамду сано, мақтовлар ёлғиз Аллоҳга хосдир. Аллоҳни барча камчилик, нуқсонлардан поклайман. Ёлғиз Аллоҳдан бошқа ҳақ маъбуд йўқдир.



4. Кейин етмиш марта истиффор айтади:

Астагфируллоҳ азим ва атубу илайҳ.

5. Бу калималарни ҳар доим қўп айтишга ҳаракат қилади:

Ла ҳавла вала қуввата илла биллаҳил алиййил азим.

6. Жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) га салавотлар ўқиши хайрлидир:

Аллоҳумма солли ва саллим ва барик ала Мұхаммадин ва ала алиҳи ва асҳабиҳи ажма'ян.

Бошқа салавотларни ўқиши ҳам мумкин.

7. Жума кунлари етмиш марта:

Аллоҳумма ағниний би жалолика ан ҳаромика ва акфиний би фазлика амман сивака.

Парвардигоро, ўз улуғлигинг ва жалолатинг билан мени ҳаромлардан беҳожат қил! Парвардигоро, ўз фазлинг билан ўзинг менга кифоя бўлгин! Ўзгага мухтож қилмагин!

8. Ушбу санони кечасиу кундузи айтмоқ:

Анталлоҳул ъазизу ҳаким, анталлоҳул маликул қуддус, анталлоҳул ҳалимул карим, анталлоҳул холиқул хойри вашшарр, анталлоҳул холиқул жаннати ван-нор, олимул ғойби вашшаҳадати олимус-сирри ва ахфо, анталлоҳул кабирул мутаъол, анталлоҳу холиқу кули шайъ ва илайка култу шайъ ва илайка яudu куллу шайъ, анталлоҳуд-дайлану яви-миддин лам тазал вала тазалу, анталлоҳу ла илаха илла анталлоҳул аҳаду лам ялид ва лам йулад ва лам йакуллаҳу куфуван аҳад, анталлоҳу ла илаха илла анталлоҳу роҳманур роҳим.

Анталлоҳу ла илаҳа илла антал маликул қуддусус саламул муъминул мұхайминул азизул жаббарул мутакаббир, анталлоҳу ла илаҳа илла антал холиқул

бариул мусоввиру лаҳұл асмаул ҳұсна юсаббихұ лаҳұ ма фиссанавати вал арзи ва ҳувал азизул ҳаким.

Инсон ўз фойдаси бўлган ушбу дуо ва тасбехларни айтиб юриши фазилатdir. Аввало, яхшилик қилиши, жамиятда яхшиликда ном қолдиришга ҳаракат қилиши ҳамда биронга азият беришни ташлаши жуда керакdir. Ундан кейин катталарни хурмат, кичикларни иззат қилиш, раҳм-шафқат кўрсатиш ҳисобланади.

Силаи раҳм, яъни қариндош-уруғлари, ака-ука, опа-сингиллари билан яхши муносабатда бўлиш, меҳр, оқибат билан алоқа боғлаш, қўлидан келганича ёрдам бермоғи умрига умр қўшади.

Мана бу калимани ҳар куни тонг отганда ва кеч кирганда уч мартадан айтсин:

Субҳаналлоҳи малаал мийzon ва мунтаҳал илми ва маблағар ризо ва зинатал арши вала шлаҳа иллаллоҳу малаал мизон ва мунтаҳал илми ва маблағар ризо ва ва зинатал арши Валлоҳу акбару малаал мий-зони ва мунтаҳал илми ва маблағар ризо ва зинатал арши.

Ўсиб, қўкариб турган ўсимлик, дарахтларни синдириш ва кесиб ташлашдан сақланмоғи керак. Агар зарурат туғилса, бу ҳолда жоиз бўлади.

Таҳоратни доим мукаммал олиш, намозни тўқис ўқиши ҳамда ҳаж ва умра ойларида Қуръони каримни тиловат қилиш ва саломатлигини сақлаш киши умрини зиёда этишда ижобий аҳамияти бор. Шунинг учун тиб илмидан ҳам бирон нарсани яхшилаб ўрганиб олмоғи мақсадга мувоғиқ бўлади. Бу борада ҳазрат Абу Аббос Мустағфирийнинг тибга оид китобларини тавсия қилган бўлар эдим. Китоб «Тиб Росулиллоҳ (соллаллоҳу алайхи ва саллам)» деб номланади. Ким астойдил изласа, албатта топади.

Ёлғиз Аллоҳга ҳамду сано ва лутфу инояти билан жаноб (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак ҳижратларини 1420 йили Рамазони шарифда бошлаб, 1421 йили Шавволнинг 25 куни охирига етказилди.

Эй, Раббим! Кўп ожиз бандангни ўтказиб юборган камчилик, гуноҳ тўла лойқаларини мағфират ва авфу иноят дарёларингда ювгин!

Устоз имоми Абззам Абу Ҳанифа ҳазратларининг шогирдлари имом Абу Юсуф Шайбонийга (Аллоҳ икковлари-ни раҳмат дарёларига ғарқ этсин!)

ИРШОД ВА ВАСИЯТЛАРИ

Ҳазрат Имом Аъзам Абу Ҳанифа шогирдлари Имом Абу Юсуф (раҳима ҳуллоҳ) илму ирфон, рушду ҳидоятда ҳамда ҳусни сийратда камолатни билғанларида, бул зотта оқ фотиҳаларини бериб, мана бу насиҳатни айт-ганлар.

Эй, Яқуб! Ўғлим! Бу сўзларим ҳаётинг дастурига айлансин!

Аввало, подшоҳ ва амирларни улуғ сана! Ҳурмат-иззатларини чиройли адо эт! Уларни Аллоҳнинг улуғ бандалари деб бил! Хузурларида барча одоб-ахлоқ кўрсатмалариға риоя қил!

Ул зотларнинг олдига кирганингда зинҳор ёлғон гапирма! Ёлғончилик ва шу каби ёмон хулқлардан сақлан! Султон ва бошқа амалдорлар чақирмасалар, ҳузурлариға тез-тез кириб чиқишидан ўзингни тий! Ундоқ улуғ даргоҳларга боришга оёқларингга ихтиёр берма! Илм, илмий ҳожатлари учун чақирсалар, албатта бор! Фойданг етиши мумкин бўлган жойларга ҳозир бўл!

Агар ҳузурлариға киришни кўпайтиранг, турли ҳожатлар билан кўзларини қабартирадиган бўлсанг, ҳурмат-иззатинг қолмайди. Натижада, сени хорлайдилар, илмингни ҳам, ўзингни ҳам менсимай кўядилар. Ҳурматинг қолмагани илму шариатнинг бехурмат бўлганидир.

Шунинг учун бу даргоҳларга зарурат бўлмаса, зинҳор яқин келма! Уларни алангаси баланд, қизиган олов деб бил! Оловни иссиқлиги ва ёруғлигидан ўртача масофа-дан фойдалан! Оловга яқин келмаки, куйиб қоласан! Оғир дард орттирасан! Чунки уларнинг баъзилари ўзига яхши кўрганини бошқаларга раво кўрмайди ва фикри-



дан кўра тўғри ва ҳақ бўлган фикр билан ҳисоблашмайди, қабул ҳам қилмайди.

Улуғ ва подшоҳлар ҳузурида кўп гапиришдан сақлан! Кўп гапирсанг, гапинг орасидан сени мулзам қиласиган ва бир-бирига зид ўринларни қидириб, ўз гапинг билан ўзингни мулзам қилиши мумкин.

Шунинг учун уларни ҳузурига кирсанг, обрў ва қадр-қийматингни бил!

Бошқаларнинг ҳам қадрларини назарингдан қочирма! Агар унинг олдида сен танимайдиган ахли илм, донишмандлар бўлса, у ерга зинхор кирма! Журъат ҳам этма!

Чунки агар илминг улардан саёз бўлса, ечиладиган масалаларда ахли илмлардан устун келиб, ўзингта зарар қилишинг мумкин. Агар улардан кўра олимроқ бўлсанг, ечиладиган масалалар устида бехабар ёки тажрибасизлигинг учун жавоб беролмайсан ёки ноўрин ҳаракатларга йўл қўясан. Шунда обрўйинг тўкилади, қадринг қолмайди. Султон ва бошқа амалдорларнинг назаридан қоласан.

Агар султон ҳазратлари бирон амални, мансабни таклиф қилсалар, фақат дин ва мазҳабингизга фойда, устоз ва мазҳабингиз рози бўлишини билсангиз қабул қилинг. Бундай бўлмаса, албаттга қабул қилманг.

Илм ва ҳукмларингиз мазҳабингизга риоя қилмоғига жидду жаҳд кўрсатинг ва шунгагина рози бўлинг! Токи, ҳукм деб, бошқа мазҳаб ва илмларга мурожаат қилишига мажбур ҳамда эҳтиёж туғдирмасликка ҳаракат қилинг.

Саройдаги ва бошқа мансабдорлар билан боғланиб туришдан эҳтиёт бўлинг! Балки, зарурат бўлса, Султон ҳазратларининг ўзи билан яқин муносабатда бўлинг! У билан алоқангиз мустаҳкам бўлса, атрофидаги барча зотлардан узоқ бўлинг! Шунда эътиборингиз, тинчлик, фаровонлигингиз боқий бўлади.

Кўпчиликни ичида фақат сўралган масалага жавоб бер! Оммани ҳузурида турганингда кўп гапиришдан сақлан! Савдогар аҳли ҳамда халқ оммаси ҳар қандай сўз, масалани бирдан узокларга етказадилар.

Сени олим ва омил деб, эътиқод қиласидилар ва ҳар бир айтган иршодингни диққат билан қулоқ тутиб амал қиласидилар. Керак бўлса, билганларича текширадилар. Кўп гап ихтилофлар манбаидир. Шунинг учун кўп гапириш ва ихтилофлик масала ҳал қилишдан сақлан!

Кўпчилик ичида фақат илму маърифат билан оммабоп илмий сўзлагин!

Муомаланг ва ҳаракатларингда мол-дунё муҳаббати борлигига ишора қилма! Агар бунга йўл қўйсанг, сен ҳақингда турли ёмон фикрлар пайдо бўлишига сабаб чиқади. Пора олишга майли бор, – деб ўйлашлари ёки сени ҳам порахўр деб ўйлашлари мумкин.

Бирон жамоатга ҳозир бўлсанг, овоз чиқариб кулиш, ҳатто табассум қилишдан ҳам сақлангин! Чунки сени мутакаббир, мансаби, илми билан гердайган, ўзини катта оладиган киши экан, деб ўйлашлари мумкин.

Бозорларга боришликни кўпайтирма! Фақат зарурат бўлганда, шунда ҳам иложи бўлса, бошқа кишининг чиқиб келишини илтимос қил.

Ўсмир, ёш йигитчалар билан кўп гаплашма! Зеро, уларда фитна бордир. Аммо ёш болалар билан гаплашмоқ, ҳатто бошларини силаб эркалашни заари йўқдир. Чунки уларнинг беғубор қалблари, самимий қиликлари инсонни яхшиликка, меҳр-шафқатга ундейди. Лекин бу амалнинг асли суннат экани маълумдир.

Эй, шогирд! Катта кўча, гавжум жойларда ҳамда шаҳар ёки қишлоқнинг катталари билан бирга юришдан сақлан!

Агар ҳурмат қилиб, олдингга ўтказиб юрсанг, Худо берган илмни хор қилган бўласан. Илму ирфоннингни айбга жалб қиласан! Агар уларнинг олдига тушиб юрсанг, унда ўзингни айбу нуқсонга жалб қиласан. Улуғ ёшлари, мўътабар мансабларини, иззатларини назарга олмаган бўласан. Бу билан ўзингни хор қиласан.

Жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Кичикларимизга раҳм-шафқат қилмайдиган ва катталаримизни ҳурмат қилмайдиган киши биздан эмасдир, – деб огоҳлантирганлар.

Кўчада ўтирма! Зарурат бўлса, масжидда ўтири!

Эй, ўғлим! Бозор ва масжидларда таом тановул қилмагин! Шунингдек, кўчаларда ҳам овқатланма! Жойларда сотилаётган ичимликни, ичимлик сотувчилар қўлидан ҳам ичмагин! Бундан сақланиш ўзингга фойдадир.

Эй, фарзанд! Яна бир нозик муҳим ишни билиб олгин! Раста ва таом тановул қилишга мўлжалланган хонтахта (стол) устига ўтирма!

Ипак матоли турли ҳарир ҳамда ялтир-юлтири кийимларни кийишдан сақлан! Чунки бу кийимлар эркакларга ярашмайди. Хулқ-атворларини бачкана бўлишини ва аёллар табиатига мойилликни келтиради.

(Шубҳасиз, турли тақинчоқлар – узук, занжирлар, ҳатто соатни ҳам зийнат учун тақса, мазкур хислатлар эгаси бўлиб қолганини ўзи ҳам билмай қолади.)

Эй, фарзанд! Аҳли аёлинг билан уйда ва бир ўринда бўлганингда кўп гаплашма! Фақат зарурат вақтида, шунда ҳам зарурат миқдорича бўлгани маъқулдир.

Кўп яқинлик қилишдан, уни ҳадеб бағрингга босишдан сақлан. Унга яхши ният билан, Аллоҳни ёд этиб «бисмиллаҳ» деб яқинлаш.

Ахли аёлинг билан бўлганда бошқа аёллар тўғрисида ҳеч гапирма! Хатто ўз чўриси ва бошқаларнинг чўрилари ҳақида ҳам гап очма.

Қайтар дунё, дейдилар. Бегона аёлларни гапирганингда, аёлинг ҳам бегона эркаклар тўғрисида гапириши мумкин.

Агар қодир бўлсанг, зинҳор бева, эрдан ажраган ёки ёлғиз отаси ва ёки онаси билан қолган ёки фарзандлари бўлган аёлга уйланма. Агар уни хотинликка олсанг, шу яқинларидан биронтаси уйга келмаслиги шарти билан уйлан. Чунки агар хотин бой-бадавлат бўлса, ота-онаси бу моллар бизники, деб даъво қиласидар.

Мол-дунё қўлнинг кири, вақтинчалик бериладиган, тезда сарф бўлиб кетишга маҳкум нарсадир. Уни деб қанча асабинг ва обрўйинг кетади.

Имкон қадар қайнотангни уйига бормагин ва албатта, ичкуёв бўлишга рози бўлмагин! Агар ичкуёв бўлсанг, улар молингни олиб, яна топганингга тама қиласидар.

Олдинги турмушидан фарзанд орттирган аёл билан турмуш қуришдан сақлан! Чунки ҳеч сир эмас, бу аёл мол-дунёни болаларига ажратиб тўплайди, ҳатто сени молларингни ҳам ўғирлашга боради. Шу билан топганларини ҳаммасини болаларига инфоқ қиласидар сенга кўпинча аҳамият ҳам, вақт ҳам ажратмайди. Молингта унда вафо топишинг жуда мушкул бўлади. Негаки, унинг боласи сендан ҳам, молингдан ҳам кўра азиз, қадрлироқдир.

Эй, ўғлим! Дунё ғам-ташвишларидан ҳалос бўлишинг учун, зинҳор бир ҳовлида икки хотин (икки рўзғор) билан турма! Уларнинг ҳовлиси ҳам, кириб-чиқадиган эшиклари ҳам бошқа-бошқа бўлсин! Агар ҳожатларини адo этишга қодир бўлишингта ишонсанг, бунинг учун касб-хунар, сармоянг бўлса, кейингиларини хотинликка олгин. Йўқса, биттаси билан кифоялан!



Хаётда аввал илм таҳсил қил, кейин касб-хунар қилиб ҳалолдан мол-дунё тўпла! Шундай кейин уйлан! Чунки агар илм таҳсил қилаётган вақтингда мол-давлат талабига ўтсанг, шубҳасиз илм олишга ожиз бўласан. Мол-давлатинг кўпайиб, майшатга қизиқасан, чўри ва ёш хизматчиларга сотиб олишга рағбатинг ошади. Шу билан давлат кўпайтириш ва хотинлар билан машғул бўлиб қолиб, илмдан бенасиб бўласан. Умринг ва қимматли вақтларинг бекор кетади. Кейин болалафинг кўпаяди, аҳли аёл ғам-ташвишлари ҳам ортиб, ўз-ўзинг билан бўлиб қоласан. Шубҳасиз, ҳожатларини чиқариш ва манфаатларини зиёда жалб қилишга бериласан. Натижада илмни ва унинг фойдаларини тарк қиласан!

Эй фарзанд! Ёшлиқ вақтингда илм билан шуғуллан! Ёшлиқни ғанимат билиб илм, касб-хунар эгалла! Чунки унда қалбинг турли ғам-ташвиш, муаммолардан ҳолий бўлади. Нимани қизиқиб ўрганса, қалбга ўрнашади. Илм ва касб эгаллагандан кейин мол-давлат йиғишига ҳаракат қилсанг, тўғри йўл тутган бўласан. Аҳли аёл, фарзандларни кўплиги, шубҳасиз, қалб ва ҳаёлингни эгаллайди, ташвиш ва муаммолар кўнглингни банд қилади.

Қачон мол-давлат тўпласанг уйлан. Маслаҳат билан муносиб ва салоҳиятли кишиларнинг солиҳа фарзандини турмушинг мазмунига айлантири.

Эй, шогирд! Тақвони, Худодан қўрқувни ўзингга касб қил! Шиоринг ҳам, қадаминг ҳам муттақинлар шиори ва қадами бўлсин!

Омонатдор бўлмоқ, омонатни соҳибига белгиланган вақтда адо этишга қаттиқ тиришгин! Омонатда ҳам, ҳалқ оммасига қилган панду насиҳатларингта аввало ўзинг амал қилувчи бўл! Ҳақнинг ҳам, ҳалқнинг ҳам олдидиа юзинг ёруғ бўлишига сабаб йўлни раво кўр!

Эй, фарзанд! Зинҳор тақво ва илминг ёки бошқа хислатларинг туфайли одамларга паст назар билан қарамагин.

Хурматингни ҳам унутма! Ўзингни қанча эъзоз ва улуғласанг, бошқаларни ҳам шунчалик эъзозу икромга муносиб кўргин! Инсонларга қиласиган муомалала-рингда жуда ҳам эҳтиёт бўлгин!

Уларнинг ҳаётларига ўзингча аралашма! Ишларига ҳам киришиб кетмагин! Фақат, агар алоқа боғласалар, сен билан саломалик қилсалар, ўз ҳурматингни билган ҳолда муомала ва муошара ўрнат!

Илм билан, фақат илм билан алоқада бўл! Турли хайрли масалалар ечими билан уларга иқбол қил! Не саодатки, агар улар илм аҳларидан бўлсалар, илм билан машғул бўладилар. Агар ундай бўлмаса, улар сени яхши кўрадилар, илм ва илм аҳлига қалбларида муҳабат уйғонади.

Эй, шогирд! Дин иши, аҳкомларини омма ичидагенг равищда тарғиб ва ташвиқ қилишдан сақлан! Дунё ишлари билан боғлаб баробар гап юритишга ҳаракат қилгин! Чунки одамлар сенга ихлос қиласилар, гапларингта эргашадилар ва батамом дин билан шуғулланиб қоладилар. Буни оқибатини тафаккур қил!

Эй, фарзанд! Бирон масала юзасидан фатво сўрасалар, сўралган масалагагина жавоб бергин! Ҳеч бир масалага яна бошқа масаланинг жавобини қўшиб жавоб бермагин! Чунки бунда сўровчиларни чалкаштириб қўйиш мумкин бўлади. Ҳатто мубҳам ва мушаввиш қиласиди, аниқ жавоб тополмай сарсон бўлади. Шунинг учун, сўралган саволга, ўзи фахмлайдиган қилиб, лўнда ва ихчам жавоб ахтаргин!

Эй, фарзанд! Огоҳ бўл! Ўн йил касбу ҳунарсиз, овқатсиз қолсанг ҳам илмдан воз кечма! Зеро, илмдан юз



ўгириш барча яхшиликдан юз ўгиришдир. Илмдан қорним, мансабим ёки бошқа дунё ҳожатлар деб кетишиңг оғир мусибатдир. Балки ҳаётинг яна ҳам тангрок, бало ва оғатлар билан машаққат гирдобига тортилишига сабаб бўлади. Зинҳор илм таҳсилини тарк этмагин.

Эй, шогирд! Аҳл илм ва аҳли фазлларга жуда эҳтиромли ва эътиборли бўл! Ёши улуғларини устозингдек, ёшларини эса садоқатли шогирдларингдек бил! Агар ёрдамларидан фойдаланган бўлсанг, ўз отанг ва фарзандингдек кўр! Шундай гўзал ва бетакрор муомала, доим очиқ чехра билан қарши олгин! Бу гўзал хулқинг уларда илмга рағбатларини кучайтириши керак.

Эй, шогирд! Илмим бор деб бозор, кўпчилик йиғиладиган жойларда, шунингдек, бозор аҳли бўлганлар ва кўпчилик ичидаги юрадиган кишилар билан музокара қилиб, талашиб-тортишиб юрмоқдан эҳтиёт бўл! Чунки бу юзингни нурини кетказади. Виқор ва салобатингни инсонлар кўзидан яширади.

Азизим! Ҳақни айтишдан, ҳақиқатни юзага чиқаришдан ҳеч кимдан, ҳатто подшоҳдан ҳам тортинма! Бу тўғрида уят, андишага йўл қўйма! Зеро, Аллоҳ Ҳақдир, ҳақни яхши кўради. Ростгўй ва ҳақиқатгўйларни дўст тутади!

Эй, фарзандим! Ибодатларинг кўп бўлса, бўлсин. Аммо, бошқа кишиларнинг ибодатидан кам бўлишига рози бўлмагин! Тоатта муҳаббатинг ва рағбатинг кучлилиги билан мумтоз бўл!

Чунки ибодатларинг кам ёки баробар бўлса, одамлар сен ҳақингда турли салбий эътиқод қилишларига сабаб булади.

– Ўзининг тақво, ибодати шу бўлса, гапини қабул қилиш, ишониш қандай бўлар экан? – деб ўзларича фикр юритадилар.



– Илми ўзига фойда бермабди, билганига амал қилмабди ва яна шу каби турли гап тарқатадилар. Бу илм ва шариатта улкан оғатдир! Бундан сақланиш учун мутолаа ва ибодатингга зиёдалик бахш эт ҳам уларга мустаҳкам бўлгин!

Эй, азизим! Бирон шаҳарга борсанг, бу жойни ўзингники қилиб олмагин. Чунки ҳар бир ўрмоннинг ўз шери ва бошқа аёнлари бўлгани каби, бу жойнинг ҳам ўз аҳли илмлари бор. Илм ва тақвою риёзатинг сабабли аҳоли қалбини эгаллашга ошиқмагин!

Балки, икки дунё тинчлик ва хотиржамлигини хоҳласанг, шу ерлик инсонларнинг бири бўл! Халқ орасида бундай сифат билан мумтоз бўлиш ундаги аҳли илм обрў-мартабаларига путур етишига боис бўлади. Улар буни сезиб қолсалар нима натижалар бўлишини идрок эта олсанг керак!

Ҳаммалари сенга қарши чиқиб, сени обрў-эътиборингга таъна ва зиён етказадилар. Мазҳабингга айбу нуқсон тошини отадилар ва шу билан бирга шаҳар аҳолисини ҳам сенга қарши қўядилар. Натижада сенга ишонмайдилар, «айбу нуқсон»лар билан ажаблик ва қолаверса, қарғиш олган кимсага айланасан. Шунинг учун ҳам бу диёрда ўзингга ҳам, бошқага ҳам фойда бера олмайсан. Энг яхшиси шу диёрнинг оддий бир фуқароси бўлиб юргин ва асталик билан жамиятда ўз ўрнингга интил, то илм қуролинг ва одоб либосинг бўлсин.

Эй, шогирд! Бирон масала юзасидан фатво сўраб келсалар, ҳеч қачон мунозара қилиб, талашиб тортишиб баҳслашмагин! Ҳар бир айтган сўзинг, ҳатто ишораларинг ҳам далил билан исботли бўлсин! Имкон қадар уларни очиқ ва ҳаммага маълум қилиб келтир! Устозларига таъна ва маломат ғуборини зинҳор тўкма, бунга ишора ҳам қилмагин. Агар уларни устозларига



таъна, айбу нуқсон ёпиширадиган бўлсанг, шубҳасиз, улар ҳам сенинг устозларингга шуларни қиладилар.

Эй, фарзанд! Муомалаларингни барчасида огоҳ бўл! Кодир бўла олгунингча огоҳ ва эҳтиёткорликни энг зарурий бурчинг деб бил! Зеро, мўмин банда доим огоҳ ва итоаткор бўлмоғига амр Аллоҳнинг Каломи мажида бордир.

Эй, кўзларимнинг нури! Қалбингда Аллоҳ билан қандай бўлсанг, ошкорингда ҳам худди шундай бўл! Ичингда ҳам, сиртингда ҳам, ёлғиз қолганингда, жамоат орасида ҳам Яратган парвардигоринг билан орада иккиюзлиликка йўл қўйма! Бундай ҳулқнинг аввалию охиривой ва мудҳишдир.

Илм муаммоларини ҳам ичи-ташини бир маромда ислоҳ қилиб олганингдан кейин ҳал қил! Мақсад – Аллоҳнинг ризолигини топиш ва албатта, унинг қаттиқ азоби ва ғазабидан сақланиш бўлмоғи керак! Шунинг учун, илм маслаҳати баҳонаси билан дунё муоммоларини ҳал қилма!

Сени илминг, тақво ва охиратингга дуруст келмайдиган бирон амални тавсия этсалар, зинҳор унга юзланма, уни қабул қилма! Аммо бу билан динга, илмга ва охиратга фойда етказишингга кўзинг етса, уни уддалашингга имконинг борлигини фаҳмласанг, уни қабул қил! Унда илм учун, дин учун мустаҳкам тур!

Турли мажлисда ва айниқса, илмий мунозараларда қўрқув ва иккиланиш билан сўзлашдан сақлан! Да-лил-исботлар излашдан чарчамоқни ўзингдан узоқ тут! Гапирганингда дадил, ўзинг ҳам ишониб, пишиқ-пухта гапир! Маъно ва ҳикмат билан тингловчиларни ўзингта жалб эт!

Эй, шогирд! Кўп кулмоқдан сақлан! Зеро, кўп кулгу қалбни ўлдиради, юзингни нурини кетказади. «Тирик

қалб» соҳиби эса абадий зехн, одобу ахлоқ ва бошқа фазилатларда намуна бўлиш қувватига эга бўладилар.

Хотиржам, виқору салобат билан юргин! Аммо енгил ва тез, хушҳаракат бўлгин! Оғир ва шошқалоқ бўлмоқдан сақлан! Ҳар бир ишингни шошиб чала амалга оширишдан узоқ бўл!

Орқангдан чақирган кишига жавоб қилма! Чунки ҳайвон орқасидан чақирилади. Гапирганингда овозингни кўп баланд қилма! Қичқириб, шовқин солиб гапирма! Сукунатни (жим туришни) одат қил! Яна кам, аммо аниқ ҳаракатли бўлишни ҳам одат қил! Шунда кишилар наздида ўз илмингга амал қилувчи бўласан ва турли фитналар барҳам топади.

Ёлғизлигингда ва айниқса, инсонлар орасида бўлганингда Аллоҳ таолони кўп ёд эт! То инсонлар зикр қилишни сендан ўргансинлар. Намоздан кейин ўқийдиган вирдларни вазифа қилиб олгин. Вирдинг Қуръон карим, зикр ва шукрдан иборат бўлсин! Бу вирд неъматларга шукр қилмоғингга ҳамда синовларга сабрли, матонату бардошлиқ бўлмоғингга даъват этсин!

Ҳар бир ойнинг муайян кунлари рўза тутишни вазифа қилгин! Бу хайрли амалларда ҳам одамлар сенга эргашсинлар! Ўзингни доимо текшир, қаттиқ назорат қил! Назоратинг дунё ва охиратингга манфаатли бўлсин.

Шунингдек, илмингдан дунё мақсадларига етишлари, уни амалга оширишларига йўл қўйма!

Эй, шогирд! Рўзғор ва олди-сотди ишларини бозорга бориб ўзинг қилмагин. Бунинг учун бир солих ғулом, хизматчи олгин. Мол-дунёга сенда ҳам унда ҳам қизикиш бўлмасин. Молларингга ва бу тўғридаги амалларингта ҳам Аллоҳнинг ҳузурида тик жавоб беришингни унутма! Хизматчинг битта солих ва содик бўлсин! Хиз-



матчиларни кўпайтирма! Имкон қадар улар ўспириналар ҳам бўлмасин!

Эй, шогирд! Подшоҳ ва амалдорларга яқинлигингни ўзинг изҳор қилма. Ҳарчанд, улар изҳор қилсалар ҳам сен бу ишдан сақлангин! Чунки бунинг натижасида уларга эҳтиёжинг кўпаяди. Улар ҳурматингдан фойдаланиб, сени восила қилиб ўз ҳожатларини арз қиладилар. Энди, ҳожатларини талабида бўлсанг, амалдорлар сени хор қиласидилар, ҳурмат ва мартабангта сув қуядилар.

Агар улар учун ҳаракат қилмасанг, сени айблайдилар ва маломат қиласидилар.

Кишиларнинг хатоларига, шариатга хилоф одатларига эргашма! Балки, уларнинг ҳақ, шаръий шарифга мувофиқ келадиган урф-одатларига эргашгин!

Агар бирон инсонни ёмонлигини, ғаразини билсанг, уни ёмон феълини гапирма! Уни ошкор этма! Балки, ундан яхшилик чиқишига умид қил! Агар яхшиликлари бўлса, унда яхшиликлари билан зикр қил!

Аммо ёмонлиги имон-эътиқод, динда бўлса, уни албатта гапир! Бошқаларга панд-насиҳат бўлсин ва уни бу хатодан халос қилсин! Инсонлар унинг хатоларига эргашмасинлар.

Зеро, муҳтарам Пайғамбаримиз (соллаллоҳу алайҳи ва саллам):

– Фожир, бузғунчи инсоннинг барча камчиликларини одамларга айтинг. Токи, инсонлар уларни билиб олиб, улардан сақлансинлар ва эҳтиёт бўлсинлар. Бойлик, обрў ва бошқа фазилатлари фожирлик, фисқу фасодларини гапиришга тўсиқ бўлмасин!

Шунинг учун, бирон кишини диний, эътиқодий ишларида камчилик кўрсанг, уни мартабаю обрўсидан кўрқмай гапир! Зеро, бу улуғ ишда ёлғиз ва қудратли

Аллоҳнинг ўзи сенга ҳам, динга ёрдам берувчи ва қўлловчиидир!

Шундай қилиб, бир марта қаттиққуллик қилсанг, сендан қўрқиб қоладилар. Кейин бундай номаъкул ҳаракатларга журъат этмайдилар. Қатъийятлигинг олдида бирон кимса дин ишларида бидъатга жазм этолмайди. Жасурлик ва шижоат билан ҳам бундай ишга кириша олмайди.

Эй, шогирд! Бошлиғинг ёки бирон амалдорнинг ҳаракатида илмга ва шариатга тўғри келмайдиган нарсаларни кўрсанг ёки сезсанг, итоатингни сақлаган ҳолда, одобу ахлоқ билан унга буни айтгин. Зеро, унинг марта-баси, куч-қудрати ҳам баланд эканини доим ёдингда тутгин! Масалан, шундай деб фикрингни изҳор қилсанг тўғри бўлади:

– Мен итоатлик фуқароингизман, сиз менинг подшоҳим, бошлиғимсиз! Ушбу сўзларни самимий қалбимдан айтиб турибман. Шу билан бирга, илм, Аллоҳ ва унинг расулининг кўрсатмаларига номувофиқ баъзи ҳулқ ва ҳаракатларингизни айтиб қўймоқчиман, – деб, хужжат ва далилларни камоли эҳтиром билан келтир. Бу далилларнинг моҳиятини ҳам англатсанг дуруст бўлади.

Бу ишни фақат бир марта қил, зинҳор такрорлама! Бир марта қилиш билан насиҳат қилиб қўйиш гарданнингдан соқит бўлади. Аммо, бу ишни такрор қилсанг ёки доимий ишингга айлантириб қўйсанг, у ҳам ва бошқа амалдорлар ҳам сени ёмон кўриб қоладилар. Натижада улардан кўп кўнгилсиз воқеа ва фитналар амалга ошиб динингта ва ўзингта зарар, заҳматлар етади.

Шубҳасиз, бу ишлар диний имтиёзларга бўлган кенгликини торайтиради, шариат аҳкомларини адо этишни катта таҳлика остида қолдиради. Ҳатто қатағон, бадарға



ва бошқа мисли кўрилмаган оғатларга сабаб бўлади. Улуғларнинг камчилигини айтиш жуда нозик иш бўлиб ўта эҳтиёткор бўлиш талаб қилинади. Дин соғлиги, шариат аҳкомларининг бокий қолишига бўлган муҳаббатингни билдириб қўйиш учун бир марта ва кўпи билан икки марта гина насиҳат қил! Амри маъруф ва нахий мункар деган фарзни бажариб гарданингдан сокит қилгин!

Албатта, бу масала юзасидан бошлиқ ва бошқа амалдор хузурига ёлғиз ўзинг кир ва имкон қадар унинг ҳам ёлғиз бўлишига ҳаракат қил! Шунда имону эътиқоддан келиб чиқиб, шариат кўрсатмаларига мувофиқ равища унга насиҳат қил! Агар ўзи бадъатчи бўлса, у билан илмий мунозара қил! Бу ишни ёлғиз Худонинг ризолиги учун амалга ошир. Да лилу ҳужжатларингни Куръони каримдан ва жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг муборак ҳадисларидан қоим қилгин!

Бу даргоҳда сўзларинг қабул бўлса, нур устига аъло нурдир! Агар сўзларинг қабул қилинмаса, инсоф ва тав-фий сўраб, Аллоҳ таолодан сени ўз ҳифзу ҳимоятида сақлашини илтижо қилгин! Уларга Аллоҳнинг ўзи кифоя бўлишини сўраб дуо қилгин!

Эй, ўғлим! Бу оламдаги энг ҳақ нарса – фонийликни, яъни ўлимни унутмагин, доим Ҳақ зикрини ёдингда тут! Илму ҳунар ўргатган барча устоз ва мураббийлар ҳақларига истиғфор айт! Дуода бўлмоқни ўзингта вазифа қилгин!

Аллоҳ таолони нури – Куръони карим тиловатига бардавом бўл! Қабристонларни тез-тез зиёрат қилиб тур, улар охират манзилларининг энг аввалидир. Қабристон, индамаслар олами ҳикмат ва ибратларидан фойда ол!

Шайху машойих, мўйсафид, замонанинг зиёли кишиларини ҳамда Аллоҳнинг файзи ила баракотли бўлган жойларни доимо зиёрат қилгин!

Омма ичидан бирон киши тусида жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайхі ва саллам)ни кўрдим деса, ёки бошқа бирон улуг зот, солиҳ инсонни тушимда кўрдим деса, шунингдек, Аллоҳ улуг ва муборак қилган манзил-маконларни кўрдим деб сенга юзлансалар, зўр мамнуният билан ҳақ деб қабул эт! Масжид, қабристон ва муборак, файзли жойларда солиҳларни рўёсида кўрганларни ҳам хурсандлик билан қабул қилгин!

Эй, шогирд! Нафсу ҳавосига эргашган, мол-дунёга қул бўлганлар билан ўтирма! Фақат дин, имон-эътиқодга даъват этиш мақсадида бўлса улар билан мажлис қур!

Жамоатда, шогирдларинг орасида ва бошқа ўринларда ҳам ўйинқароқлик ва сўкиниб гапиришни тарк эт! Бундай иллатни одат ҳам қилма! Чунки аҳли илмнинг ўйинқароқлиги ва сўкинувчанлиги нафақат ўзининг, балки диннинг эъзоз ва эҳтиромига ғубор туширади.

Эй, азизим! Муаззин аzon айтгандан кейин масжидга энг аввал кир! Сендан илгари бирон киши масжидга кирмаслигига ҳаракат қил ва доим таҳоратда тайёр бўлгин!

Яна фойдалик жиҳатлардан бири, ҳовлингни подшоҳ ва амалдор ҳовли ва турар жойларига қўшни бўлишдан узокроқ тутишингдир.

Қўни-қўшниларингдан биронтасини камчилигини ёки бир ношоиста ишини билиб қолсанг, уни ошкор қилма. Бу сирни унинг учун яшир! Чунки бу ҳам омонатлардан биридир. Одамларнинг сир-асрорларини ошкор қилишдан сақлан!

Агар маслаҳат қилиш учун бирон киши келса, албатта, Аллоҳ, унинг даргоҳига яқинлашадиган, шариат талабига мувофиқ қилиб маслаҳат билан унга юзлангин!



Эй, ўғлим! Менинг бу васиятларимни, насиҳатларимни қабул этгин! Зеро, у сенга ҳар икки дунёда манфаат етказади, иншааллоҳ! Бу фоний оламда ҳам, боқийда ҳам Ҳақнинг иззат ва ҳурматига соҳиб бўлмоғингга етарлидир.

Эй, фарзанд! Бахиллик ва унинг кўринишларидан сақлан! Чунки баҳиллик ғазабни қайнатади, хусумат ва адсоватга сабаб бўлади.

Зинҳор таъмагир бўлмагин, ёлғончи ва ҳийла-найранг қилувчи ҳам бўлма!

Соҳиби таҳлит, яъни ҳақ билан ботилни, жиҳдий ва ҳазилни аралаштирадиган киши бўлмагин!

Балки, муруватингни ҳар соҳада муҳофаза қил! Ҳамма ҳолатда оқ, очикроқ рангдаги либослар кийишни одат қил!

Дунёга рағбатинг, ҳирсинг йўқлигини ўз ҳаракатларинг билан кўрсат! Қалбан бой ва беҳожат эканингни изҳор қил! Фақирлик аломатларини умуман кўрсатма! Буни билдириш!

Бу жаноб Расулуллоҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) нинг «Фақрий фахрий» яъни, «Фақирлигим, ёлғиз Аллоҳга мухтожлигим ифтихоримдир, – деган муборак ҳадисларининг ифодаси бўлади.

Аммо фақирликни зоҳир қилсанг, унда куфр ва бошқа гуноҳларнинг шабадаси эсиб қолиши мумкин! Олийҳиммат, муруватли фазилатлар соҳиби бўл! Зеро, кимнинг муруввати ва ҳиммати заифлашса, шубҳасиз, унинг инсонлар ўртасидаги обрў ҳурмати ҳам тушади. Аммо сенинг манзилинг тушишида шариат ва илмнинг ҳам манзилига путур етади.

Йўлда юрсанг доим назарингни ерга қарат! Ўнгу сўл, ён-атрофга анграйиб юрма! Чунки бунда викор ва салобатни йўқотасан.



Ҳаммом ва сартарошга хизматинг тушса, уларнинг хизмат ҳаққини ҳалқ қатори эмас, балки ортиқ қилиб бер! Бу сенинг бошқалардан мурувватинг ва ҳимматингни кўрсатади. Шунда, инشاалоҳ, кишилар сени улуғ кўра бошлайдилар.

Тикувчи ва бошқа ҳунармандларга молу матоларингни топшириб қўймагин. Бу ишларинг учун ҳам бир ишончли киши таъйинлаб олгин ва у бажарсин. Майда ўлчов ва оғирликлар устида савдолашиб, тортишиб қизишиб юрмагин, дирҳам ва бошқа чақа пулларни ўлчатиб юрма, балки бу ишларни ўша ишонган кишингта топшириб!

Аҳли илмлар ҳузурида дунёни шундай бир хор ва ҳақир қилиб кўрсат, арзимас мато эканини гўзалifo-далагин. Зеро, Аллоҳ ҳузуридаги ҳамма нарса хайрли ва афзалроқдир.

Илм билан шуғулланишингга кўпроқ имконият бўлмоғи учун бу дунё ишларига ишонган кишингни тайинлаб қўй! Шунда дунё ҳожатларинг қалбингни ўраб олмайди ва қалбингни яхшироқ муҳофаза қиласди.

Эй, шогирд! Мажнунлар билан ҳамда мунозара ва илмий баҳс юрита олмайдиганлар билан сўзлашма! Улардан сақлан.

Яна музокара қилиш билан обрў ва хурмат қозониши ниyat қилганлардан ҳам узоқ бўл! Одамларга ҳар хил масалалар айтиб, унга ғарқ қиласдилар ёки одамлар ичида ғаройиб савол топиб бериб, уларни ўзларига қаратадилар. Бу билан сени манзилинг ва ҳурматингга чанг соладилар. Шубҳасиз, бу ишлар билан сени ҳижлат бўлишинг ва азият чекмоғингни хоҳлайдилар. Сенинг ҳақ эканингни билсалар ҳам назарга олмайдилар, парво ҳам қилмайдилар. Шунинг учун ҳам бу тоифалардан йироқ бўлишга ҳаракат қил!



Эй, шогирд! Бирон жой улуғларининг ҳузурига кирсанг, улар билан талашиб-тортишма, уларга баланд келаман дема! Зиён-заҳмати тегмаслиги учун улар баланд келган нарсаларда, овозингни ҳам, ҳужжатларингни ҳам баланд қилма!

Намозда дарҳол имоматликка ўтиб кетмагин, имкон бўлса умуман имоматликка ўтма! Ҳурмат билан, эъзозикром билан ўзлари имоматликка ўтиб беришингни сўрасалар, унда жоиздир.

Эрта тонгда ва кун қизиб турган вақтларда ҳаммомга кирма! Назорат ва вазирликларга чиқма!

Подшоҳ ва амалдорлар мазлумларга ҳукм чиқарадиган жойларида ҳозир бўлма! Магар, бирон ҳолда сўзингни қабул қилишларини билсанг, ҳақни қарор топтира олсанг бормоинг дурустдир.

Чунки агар сен ҳозир бўлганингда, улар ношоиста иш қилсалар, уларни қайтаришга қодир бўлмайсан. Одамлар сукут сақлаганинг учун бу ишни ҳақ деб била-дилар.

Одамлар орасида, айниқса, илмий мажлисда ғазабингта эрк беришдан сақлан! Одамларга ҳар хил қисса ва латифалар ҳикоя қилишдан узоқ бўл! Чунки ҳар қандай ҳикоя қилувчи ёлғон гапни аралаштиришга мажбур бўлади. Ёлғончилик эса ҳамма жиҳатдан зарардир.

Аҳли илмлардан бирон киши илмий мажлис ўтказиши ирода қилса ва бу мажлис фикҳий мажлис бўлса, унга ўзинг ҳозир бўлгин! Факат аниқ билган ҳужжатлар билан далиллик мунозара этгин! Билмаганингни билмадим, дейишдан хижил бўлмагин! Шунда мағурурланмайсан, кибр-ҳавога кетмайсан! Агар ғуурур ва мутакаб-бирлик қилсанг, одамлар сени илмли, лекин усти ялтироқ, ичи қалтироқ дейдилар.

Агар хужжат ва илмлар фатво беришга яроқлик бўлса, уни ҳам гапириб ўтгин! Агар фатво ва эътиборли томонларга мос келмаса, зинҳор ёд этма! Илм учун, билиб олсинлар, деб ҳам айтма!

Бирон киши илм олишни хоҳлаб келса, унга дарс беришга ўзинг киришма. Хузурингда бошқа киши дарс беришига ҳам йўл қўйма! Агар шундай бўлса, шогирдлардан бирини у билан дарс қилишга тайинлаб қўй. Дарс берувчига ҳам шогирдлардан бирини назоратга кўйгин, токи унинг мажлисида нима гаплар бўлаётганини хабар бериб турсин. Илми қай даражада эканини ҳам аниқласин.

Хурматингдан фойдаланиб ўтказилаётган мажлис ва маъruzаларга қатнашма, бу жойларга келишдан сақлан!

Агар сени бу жойларга чақирсалар, шогирдлардан бирини уларга бош қилиб юбор! Тинчликни ва ортиқча ташвишлардан халос бўлишни ирова қилсанг, никоҳ-талоқ масалаларини мавзу хатибига топшир. Албатта, жаноза ва ҳайит намозларини ҳам ўзи масъул кишига топшир!

Дуо ва илтижоларингда мени ҳам унутма! Ушбу васият ва насиҳатларимни қабул қилгин! Фақат сенинг ва барча мусулмонларни манфаатлари учун бу васиятни топширияпман.



МУНДРИЖА

Муқаддима	3
1-ФАСЛ. Илм ва фиқхнинг моҳияти ва фазилати ҳақида	5
2-ФАСЛ. Илм олишда ният қилиш тўғрисида	13
3-ФАСЛ. Илм, устоз ва шерик танлаш ва бу ишда мустаҳкам бўлиш ҳақида	20
4-ФАСЛ. Илмни ва илм аҳлини улуғлаш ҳақида	31
5-ФАСЛ. Жидду жаҳд этиш, таълимуму риёзатга бардавом бўлмоқ ва ҳиммату ғайрат ҳақида	45
6-ФАСЛ. Дарсни бошлиш, миқдори ва тартиблари ҳақида	65
7-ФАСЛ. Таваккул қилиш тўғрисида	83
8-ФАСЛ. Таҳсил вақти ҳақида	88
9-ФАСЛ. Насиҳат ва меҳру шафқат тўғрисида	90
10-ФАСЛ. Фойда талаб қилиш тўғрисида	95
11-ФАСЛ. Илм олишда парҳез ва тақво ҳақида	98
12-ФАСЛ. Зеҳнни мустаҳкамлайдиган ва ёддан кўтарилишни қолдирадиган иллатлар тўғрисида	105
13-ФАСЛ. Ризқ ҳамда умрни зиёда ва кам қиласидиганлар тўғрисида	111
Иршод ва васиятлари	124

Диний-маърифий нашр

ИМОМ ЗАРНУЖИЙ

ИЛМ ОЛИШ СИРЛАРИ

**“Имом Бухорий халқаро маркази” нашриёти,
144 бет.**

Муҳаррир:

Отабек МУҲАММАДИЕВ

Мусаххих:

Дилором БОЙМИРЗАЕВА

Саҳифаловчи:

Толибжон ҚОДИРОВ

“Имом Бухорий халқаро маркази” нашриёти

Лицензия: AI № 132. 14 март 2009 й.

Самарқанд вилояти, Пайариқ тумани, Хўжа Исмоил қишлоғи.

Тел.: (0366) 673-31-60. E-mail: buxoriy_saboqlari@mail.ru

Босишига руҳсат этилди: 17.11.2018 й. Бичими: 60x90 1/₁₆.

“РТ Serif” гарнитурасида оғсет босма усулида босилди.

9,0 шарт. б.т. 9,0 ҳисоб нашр. таб. Адади 8000 нусха.

564-сон буюртма.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг Faфур Ғулом
номидаги нашриёт-матбаа ижодий ўйида чоп этилди.
100128. Тошкент, Лабзак кўчаси, 86.

www.gglit.uz.

e-mail: info@gglit.uz